

**Таъсисчи:**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**  
И. И. Ҳувайтов, В. Г. Кан

**Дизайнер ва саҳифаловчи**  
Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг десертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили:**  
100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.  
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>  
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир қайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. Ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «BETTER PRINT» МЧЖ босма-хонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор тумани Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254.

Босишга рухсат этилди 30.03.2015.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2015.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2015 йил, 1-сон

МУНДАРИЖА

2015 йил кексаларни қадрлаш йили

2015 год

*Рахимов Ф.*  
Қадр—улуг, қадриятлар муқаддас.....3

**Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни  
такомиллаштириш**

**Правовые реформы и совершенствование  
законодательства**

*Хожаназаров И.Э.*  
Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қафолати сифатида.....7

*Алламбергенов С. Д.*  
Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти.....13

*Ҳасанов Ш.Х., Л. Ю. Югай*  
Ўзбекистон Республикаси суд-экспертлик фаолиятида «суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг ўрни.....19

*Селиманова С. М.*  
Формирование системы лицензирования в Республике Узбекистан.....23

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат  
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**Проблемы профилактики правонарушений  
и обеспечения общественной безопасности**

*Саттаров О. А.*  
Жиноятчиликка Қарши курашни такомиллаштиришда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг ўрни.....27

*Расулев А. А.*  
Уголовная ответственность за нарушение законодательства об обращениях физических и юридических лиц.....30

*Кетмонов И.*  
Криминологик башоратлашда ахборот-таҳлил жараёни тушунчаси ва аҳамияти.....35

*Валиев Б. Э.*  
Ёшларни носоглом ахборотлардан ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари.....39

*Суюнов А.*  
Республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нолегал импортга қарши курашнинг аҳамияти.....43

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакторы номера**  
И. И. Хувайтов, В. Г. Кан

**Дизайн и верстка**  
Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

**Адрес редакции:**  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>  
e-mail: [akadmvd@uzsci.net](mailto:akadmvd@uzsci.net).

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «BETTER PRINT». г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1-туп. д.254.

Подписано в печать 00.03.2015.

Заказ №

© Академия МВД  
Республики Узбекистан, 2015.

*Хайдаров М. М.*  
Порахўрлик учун жавобгарлик: Ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари.....48  
*Арипджанов С. С.*

Перспективы совершенствования уголовного законодательства о преступлениях против порядка несения военной службы.....53  
*Т. Н. Тиллаев, О. Ж. Холмунинов*

Суд томонидан алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....56  
*Хўжақулов С. Б.*

Шахсни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ баъзи фикрлар.....59  
*Камалов О. А.*

Маҳсулот етказиб беришда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари.....62

### **Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот**

#### **Духовность и правовая пропаганда**

*Юсубов Д. А.*  
Баркамол авлод шаклланишида қадриятларнинг ўрни.....67

#### **Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари**

#### **Социально-политические факторы развития гражданского общества**

*Мамадалиев Ш. Л.*  
Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланишини ва ривожланишининг ижтимоий-сиёсий шароитлари.....70  
*Зайнутдинов С. М., Дарвишов С. Р.*

Мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитнинг иқтисодий тараққиёт омили эканлиги.....75

### **Халқаро ҳуқуқ масалалари**

#### **Проблемы международного права**

*Пайзиева Д. Х.*  
Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ субъектчилигининг назарий-методологик масалалари.....82

### **Хорижий тажриба**

#### **Зарубежный опыт**

*Инагамова М. М., Холхўжаев М. Қ-ў.*  
Дунё мамлакатлари полиция тизимида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўрни.....88

### **Иқтидорли тингловчилар саҳифаси**

#### **Страница одарённых слушателей**

*Парпиев Д. О.*  
Жиноят учун жазони либераллаштиришда жиноят таснифининг жазодан озод қилувчи нормаларда ҳисобга олиниши.....94

*Ф. Рахимов\**,

### ҚАДР – УЛУҒ, ҚАДРИЯТЛАР МУҚАДДАС

Ёши улуғларга ҳурмат халқимизнинг асрлар мобайнида сайқал топиб келган миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларида ўз ифодасини топган. Мамлакат раҳбари томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъозлаш йили» деб номланишида чуқур ҳаётий мантиқ, теран маъно бор, десак хато бўлмайди. Шу муносабат билан, мазкур масалага давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихнинг оғир синовларини бошидан кечирган, юртимиз тинчлиги, фаровонлиги учун жонини аямаган, фидокорона меҳнати билан қадр топган табаррук ёшдаги инсонларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, айтиш жоиз бўлса, аллақачон одат тусига айланган.

Ҳақиқатан ҳам, кексаларни қадрлаш ўзликни англашнинг муҳим унсурларидан ҳисобланади. Бу сўз замирида иймён бутлиги, маънавий юксаклиги, азалий қадриятлар ҳамда ажодлар меросига беқийс ҳурмат, эъоз ётибди. Ёш авлод доимо турмуш синовларида тобланиб, улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган, атрофлича фикр-мулоҳаза юритувчи, соф кўнгилли улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига эҳтиёж сезади. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз ёши улуғларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланишга, улардан ўрганишга интилади.

Шунинг учун орамизда катта ёшдаги ҳурматли инсонларнинг борлиги улуғ неъмат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади.

Истиқлол туфайли, Президентимиз эътироф этганидек, мамлакатимизда аҳолининг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни вақтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ... ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланганлигини таъкидлаб, бугун фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур<sup>1</sup>лигига алоҳида тўхталиб ўтди<sup>1</sup>. Ёши улуғларни қадрлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш – бу ёшларимиз учун ҳам меҳр-оқибат, эзгулик ва қадриятлардан сабоқ бериш, тарбия мактаби деса бўлади.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида 2014 йилда уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўланди. Шунингдек, 2014 йил 13 октябрда “1941–

---

\* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши раиси.

---

---

1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Бу юксак инсонпарварлик намунаси, кекса авлод вакилларига бўлган алоҳида эътибордан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти томонидан “Кекса авлод вакиллариининг ҳаётига дахлдор бўлган, ҳали-бери ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш” дастурининг асосий мақсади сифатида белгилаб берилаётгани мазкур соҳага доир комплекс масалалар ва мавжуд муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам илмий нуқтаи-назардан кекса авлод вакиллариининг ҳали-бери ечилмаган, кундалик муаммоларидан тортиб, уларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътиборни янги сифат даражасига кўтариш борасидаги истиқболли йўналишларнинг аниқ мақсадларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу жараёнда ривожланган давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки АҚШ, Франция, Германия, Япония ва бошқа давлатларда кексалар фаолиятини тадқиқ этувчи махсус (“Геронтология” марказлари) марказлар фаолият олиб боради. Мазкур марказларда кексалар фаолиятига доир қонунчилик, пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ҳамда кекса авлод вакиллариини соғломлаштириш тадбирларини янада такомиллаштириш, уларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш ва бошқа шу каби бир қанча ислоҳотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кекса авлод вакиллариининг мароқли дам олишини ташкил этиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, уларнинг қизиқишига мос кўрсатувлар, спектакллар ва фильмлар намойишини кўпайтириш, янги кўнгилочар ва маданий-маърифий ислоҳотларни амалга ошириш, шунингдек уларнинг жисмоний тарбия ва

спорт билан шуғулланишларга етарли шарт-шароитлар яратиш, ёшларига мос сайёҳлик хизматларининг тури ва шаклини кенгайтириш, ёлғиз кексалар учун кўрсатиладиган моддий ёрдам (жумладан, ҳар ой бериладиган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар) турини кенгайтириш ва сифатини ошириш, ўта оғир касалликка чалинган ва ташхиси нохуш беморларга махсус паллиатив<sup>1</sup> хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Дарҳақиқат, “Қари билганни пари билмас”, деган нақлда бир олам маъно, мазмун яширин. Чунки кўп йиллик ҳаёт тажрибаси, турмушдаги эврилишлар инсонни дунёга улуг донишманд кўзи билан боқишга ундайди. Ёши улуг инсонлар ҳаёт мазмуни ва тинчликнинг қадрини чуқурроқ биладилар, теран ҳис қиладилар. Умрининг ҳар дақиқасини қадрлаш, вақтни завол кетказмаслик, фақат фойдали иш, яхшилик қилиш ҳақида ўйлайдилар, эзгу ишлар аввалида доимо дуога қўл очиб, хайрли ва эзгу ишларда мадад бўладилар. Шу боис ўзбек маҳаллаларини улуг ёшли доно отахонлар, юзидан нур ёғилиб турган онахонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимиз Конституциясида ёши улугларга ғамхўрлик қилиш фарзандларнинг бурчи эканлиги белгилаб қўйилган. Аслида бу одат халқимизнинг азалий анъанаси, қолаверса, юртимизда яшайдиган ҳар кимнинг гўзал инсоний фазилатидир.

Узоқ йиллар давомида фидойилик билан эл хизматида камарбаста бўлган, ўз касбини улуглаган меҳнат фахрийларининг ардоқланиши, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилишида ҳаёт ҳикмати мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши фаолиятида ҳам азалий қадриятларимизни эъзозлаб, ички ишлар органларида Ватан ва халқимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш йўлида кеча-ю, кундуз меҳнат қилиб, бугун ёшларга ибрат бўлаётган фахрийларимизни эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашиш, уларнинг ҳуқуқ

---

---

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кун тартибидаги масала ҳисобланади. Фахрийларимиз бугун ички ишлар органлари ходимларининг касбий малакасини ошириш, уларда чуқур маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, меҳнат жамоалари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Фахрийлар айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мард, жасур, Ватани ва халқига содиқ ўғлонлар бўлиб етишишлари учун уларга ибратли ҳаёт йўли ҳақида, мамлакатимиз Президентининг ёшлар, ва умуман, халқимиз учун яратиб бераётган улкан имкониятлар ҳақида сўзлашдан чарчамайдилар.

Фахрийлар кенгашининг вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида ёшлар, хусусан, олий ўқув юртлари талабалари билан адлия органлари ва муассасаларининг фахрийлари ўртасида тез-тез учрашувлар уюштирилади. Бундай тадбирларда фахрийларимиз ўзларининг катта ҳаёт сабоқлари, билим ва тажрибаларига таянган ҳолда ёшларга ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қизиқарли суҳбатлари, тугал маъно ва мазмунга эга бўлган доно маслаҳатлари билан ҳаётдан сабоқ беришади. Мазкур тадбирлар кўп ҳолларда маҳаллий ва марказий ОАВ билан ҳамкорликда уюштирилади.

Азалдан маълумки, таълим ва тарбия уйғунлиги инсонни ҳамиша комилликка етаклайди. Илм-маърифат ҳар қандай шароитда ҳам одамларга ягона нажот йўлини топишга, қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар — аждодларимиз эришган муваффақиятларнинг халқимиз ҳаётига, турмуш тарзимида ижобий таъсири фикримизга далил бўла олади.

Илмли, тарбияли киши ҳеч қачон тўғри йўлдан, инсоф-диёнатдан чалғимади, такаббурлик қилмади, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйиб, обрўсига путур етказмади. Бундай фазилатлар, биринчи навбатда, оила муҳитида,

сўнг маҳалла ва меҳнат жамоасида шаклланади ва аждодлардан-авлодларга ўтиб, сайқал топиб боради. Фахрийларимизнинг ўғитлари, маслаҳату насиҳатлари ёшлар учун улкан сабоқ, ҳаёт мактабидир.

Шарқона таълим-тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, шунингдек, ота-онага, табаррук ёшлиларга ҳурмат, оила, сулола шаънини муқаддас билиш каби фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам бугунгидек ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бундай эзгу фазилатлар халқимизнинг қонқонига сингиб, ҳаётининг маъно-мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланиб кетган, десак муболаға бўлмади. Чунки айти шу каби эзгу фазилатлар неча асрларки, эл-юртни ногаҳоний бало-қазолардан, иқтисодий танглик зарбаларидан сақлаб келмоқда. Буларни эндигина ҳаёт остонасига қадам қўяётган фарзандларга тушунтириш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, мустақилликнинг қўлга киритилиши ва шу кунларга эришишимизда ҳаёт синовларидан ўтган турмуш сабоқлари ҳақида уларга сўзлаб беришда ёши улугларнинг роли беқиёсдир.

Мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган, эскилик сарқити дея камситилган, моҳияти қасдан бузиб талқин этилган ноёб миллий ва диний қадриятларимиз мустақиллик боис қайта тикланди, маданий ва маънавий ҳаётимиздан муносиб ўрин эгаллади. Эзгулик ва инсонийлик, саховат ва адолатлилик тамойиллари билан йўғрилган Конституциямизда, шунингдек, миллий истиқлол ғоясида, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорларда инсон, унинг эрки, шаъни-ғурури, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. «Шу азиз Ватан — барчамизники» деган бағри кенг, умуминсоний шиор ўртага ташланди. Кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча ватандошларимизнинг тенг ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-

---

---

оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунга қадар тарбиялашлари миллий-маънавий қадрият сифатида конституциявий бурчга айланди. Бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлган миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-интилишларини, жумладан, қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-она, маҳалла-қўй, умуман, жамоатга ҳурмат-эътибор, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, ҳаёт абадийлигининг рамзи — аёл зотига эҳтиром каби улуг фазилатларни ўзида акс эттириши билан ҳам эътиборлидир. Айни чоғда, бу мафкура қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат ва элат вакилларига, уларнинг миллий туйғулари ва диний эътиқодига ҳурмат каби қадриятларни ҳам эътироф этади.

Кексалик умрнинг донишмандлик даври ҳисобланади. Ҳаёт фаровонлашиб бораётгани сари инсоннинг умри, фаоллиги ҳам узайиб боради. Бунини мустақил мамлакатимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида ёшларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиб келаётган пиру бадавлат, обрў-эътиборли кишиларнинг кўпайиб бораётгани, бундай инсонлар оилаларда, маҳаллаларимизда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишига, ёш авлод тарбиясига катта ҳисса қўшаётгани, айниқса, қувонарлидир. Ёшлар кексаларни эъзозлар

эканлар, бу билан ўзлари учун пиру бадавлатлик пойдеворини қўйган бўладилар. «Ҳар ким эрканини ўради» деганларидек, биз бугун отахон-онахонларимизни, устоз-мураббийларни қанчалар ҳурмат қилсак, вақти келиб ўзимиз ҳам шундай эъзозга муяссар бўламиз.

Ёшлар маънавиятига қилинаётган таҳдидларнинг барчаси халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, асрлар синовидан ўтган, собиқ тузум шароитида ҳам завоқ топмаган турмуш тарзига, ота-онага, улуг ёшларга ҳурмат-эҳтиром билан боғлиқ дунё мамлакатларида деярли учрамайдиган ноёб анъаналаримизга мутлақо ётдир. Шундай экан, ахлоқий бузуқлик, тажовузкорлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари, аниқ айтиш мумкинки, нияти ҳасаддан иборат ташқи кучлар, турли бузғунчи оқимларнинг ўзга давлатларнинг ички ишларига, ўзга халқларнинг шахсий ҳаётига аралашиб, ўзларига мақбул ғайриахлоқий «қадрият»ларни «оммавий маданият» ниқоби остида онгимизга турли воситалар орқали синдиришга бўлган пуч уринишларидир. Кексалар қўлларини дуога очиб, ёшларни тўғри, адолатли йўлларга бошлаётган, касб-ҳунарга, одоб-ахлоққа ўргатаётган эканлар, ўзгаларнинг ғаразли ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди. Маънавияти юксалган давлат эса ҳамиша ўзининг ёши улуг донишмандлари билан ривожланиб, фаровонлашиб бораверади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи.— 2014.— 6 дек.

<sup>2</sup> Словарь иностранных слов.— М., 1964.— С. 467.

*И.Э.Хожаназаров\**

## СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, «Хабеас корпус» институтини қўллаш доираси кенгайтирилди”<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади — инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишдан асосий мақсад инсонларнинг судга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириш, одил судловга ишончини ошириш, суднинг бошқа ҳокимият органларидан мустақил ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлаш, одил судловнинг қонун устуворлиги прин-

ципи асосида иш юритишига эришишдан иборат.

Ҳуқуқий давлатда инсон олий қадрият сифатида эъзозланади, суд унинг ҳуқуқларининг асосий ва доимий ҳимоячиси бўлиб, майдонга чиқади. «Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади»<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, суднинг низоларни ҳал қилишига, субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашига эришиш суд ҳокимиятини илғор мамлакатларда шаклланган даражага етказиш учун тубдан ўзгартиришга кўмаклашади. Судларнинг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий қоида улар фаолиятининг жаҳон андазаларига мос бўлишини таъминлаши зарур. Қадимги Рим юристлари ҳуқуқ бор жойда унинг ҳимоя воситаси сифатида суд мавжуд бўлиши лозим деган принципни тарғиб қилганлар. Бу мазкур органнинг ўша пайтлардаёқ жамиятда алоҳида ўрни бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Собиқ совет тузуми даврида фуқаролар судларга жазо органлари сифатида қарар эдилар. Мамлакатимизда олиб борилаётган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси доценти юридик фанлар номзоди доцент.

---

---

суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида бундай салбий ҳолатларга тўлиқ барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Адолат қонун устуворлигида” маърузасида келтирилган концептуал вазифалар. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да келтирилган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Жумладан, ушбу маърузада таъкидланганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қоидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi, айбсизлик презумпцияси каби қатор нормалар ўз аксини топган.

Мустақиллигимиз қўлга киритилганидан ҳозирга қадар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни қуйидагилардан билиш мумкин:

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди.

2001 йилнинг 1 январдан бошлаб Республикамизда, жиноят ва фуқаролик

ишлари бўйича алоҳида, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар фаолият кўрсата бошлади.

Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 1 август Фармонида кўра ўлим жазосининг жиноий жазо тури сифатида бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 август Фармонида кўра, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни 2008 йил 31 декабрда қабул қилинди ва унда илк бор гувоҳнинг адвокати деган янги институт жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижро ишини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни 2009 йил 14 январда қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демок-



---

---

ратлаштириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг тенглигини амалда таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Судларни ихтисослаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов сифатини ошириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартибини жорий этиш, кассация тартибини ислоҳ қилиш, суд қарорлари ижросини таъминлашни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш орқали судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асослари яратилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда, судларнинг ихтисослашуви ва уларнинг мустақиллигини таъминлашнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилганлигини эътироф этиш керак.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жадал равишда олиб борилмоқда. Айни вақтда, айтиб жоизки, суд — инсон тақдирининг ҳимоячиси. Суд ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқлари поймол этилмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Суд-ҳуқуқ соҳасининг давлат қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш билан алоқадор жиҳатлари унинг давлат ҳокимиятининг бир бўғини эканлигида, жамият аъзолари бўлган инсонларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси ҳисобланишида намоён бўлади. Суд-ҳуқуқ сиёсати ҳуқуқий соҳани либераллаштиришда асосий ўрин эгаллайди.

---

---

Юртбошимиз таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги яна бир ўта муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини кучайтиришдир. Давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислоҳотлардан жамиятнинг кенг хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ва давлатни демократик янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шартидир.

Шундай экан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ўтказишдан асосий мақсад — суднинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш, шахс суд жараёнида ўзининг қонуний манфаатини ҳимоя қила олиш ҳуқуқига эга бўлиши, айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, айбдорлар фақат ўз қилмишларига яраша жазоланиши ҳамда жабрланувчиларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат эканлигидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар натижасида, фуқароларнинг судга бўлган ишончи кун сайин ошиб бормоқда. Жамиятимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида суд орқали ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий жиҳатлари йил ўтган сайин мустақкамланиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу қонунга биноан судларнинг дастлабки терговга бўлган таъсири янада ошди. Бу билан судга қадар иш юритиш босқичларида суд органларининг жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга нисбатан, уларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя

---

қилиш ваколатлари ва ҳуқуқлари кенгайтирилди. Чунончи, ЖПКда янги 63-боб “Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш” жорий этилди. Унга кўра, энди суд ҳатто жиноят иши қўзғатилишидан олдин амнистия акти қабул қилиниши муносабати билан терговчининг тақдимномаси ва прокурорнинг илтимосномаси бўйича суд муҳокамасини ўтказиб, жиноят ишини қўзғатилишини амнистия актининг қабул қилинишига асосан рад этиш ажримини чиқариш ваколатига эга бўлди<sup>3</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Маълумки, Давлатимиз раҳбари 2007 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган байрам табригида олтида муҳим масалани ҳал қилиш вазифаларини айтиб ўтганлар. Бу масалалар қуйидагилардан иборат:

1) мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни зудлик билан очиш ва содир этилган жиноят учун жазо муқаррар эканлигини таъминловчи тезкор-қидирув ва тергов фаолияти тизимини такомиллаштириш;

2) ички ишлар органлари ишида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учрайдиган коррупция, расмийчилик, тўрачилик, лоқайтлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

3) ИИВ идораларининг моддий-техник баъзасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техникасини жорий қилиш;

4) профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг одамлар орасига кириб бориши, ёшлар қалбига йўл топа билиши, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишига эришиш;

5) трансчегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва норкотрафик жиноятлари-

---

ни ҳанузгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг заиф бўғини бўлиб тургани сабабли, уларга қарши кураш фаолиятни самарали ташкил этиш лозим;

б) ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада кучайтириш даркор;

Сир эмас, ҳозирги кунда ички ишлар органлари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилган. Аммо ҳар қандай фаолият ўз ҳуқуқий асосларига эга бўлганда, вазифалари ва ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилгандагина ижобий натижа беради. Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун шу кунгача қабул қилиниши зарурлиги, тайёрланган қонун лойиҳаси ички ишлар органларининг вазифалари ва фаолияти нуқтаи назаридан концептуал қайта ишлашга муҳтожлиги, ички ишлар органлари фаолиятининг бугунги ислоҳотлар талабларига жавоб берадиган янгича механизмини яратиш лозимлиги ҳақида асосли фикрлар айтилмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жадал равишда олиб борилиши ички ишлар органлари ходимларига катта масъулият юклайди. Ички ишлар идоралари ходимлари суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар замирида инсон тақдирини ҳал этишда қонунийлик ва инсонпарварлик принципига қатъий амал қилиши ҳамда жиноят ишида иштирок этаётган процессдаги ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида таъминлаб беришини ҳис қилиши лозим.

Ички ишлар органлари ходимлари ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш йўлида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни кенг оммага тарғиб этишда етакчи бўлиши, қабул қилинаётган қонунларнинг амалда тўлиқ қўлланиши ҳамда жамият ҳар бир аъзосига етказилиши, қонунга итоат руҳида яшаш ва амал қилиш улар онгига сингдирилиши лозим.

Юқоридаги фикрларидан келиб чиқиб, айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда судьяларнинг ваколатларини кенгайтириш қолаверса, судлов ишларини

---

---

юритишни такомиллаштириш борасида куйидагиларни амалга ошириш лозим:

*Биринчидан*, суд органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш давомида муайян чигалликларни бартараф этиш учун “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексни икки, яъни моддий ва процессуал кодексларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

*Иккинчидан*, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларни республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этиш лозим. Бу фуқаролар ва суд ходимларининг

---

---

ўзаро муносабатга киришиши давомида ортиқча оворагарчиликлар рўй беришининг олдини олган бўлар эди.

*Учинчидан*, суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатини мувофиқлаштириш ишларини давом эттириш лозим.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳуқуқий соҳани либераллаштиришнинг асосий вазифалардан бири бўлиб қолар экан, бу жараённинг тўлатўкис таъминланиши Ўзбекистон ҳудудида адолатли жамият барпо этишга олиб келиши шубҳасиздир.

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир // Постда.- 2014.- 7 дек..

<sup>2</sup> *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., 1999.– Б.29-30.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2008 йил 22 декабрь қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008..– №12.– 509-м.

#### **Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида**

**Таянч иборалар:** инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, шаън ва қадр-қиммат, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, судларнинг мустақиллиги, қонун устуворлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши, одил судлов тамойиллари.

Мақолада суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад, суднинг бошқа ҳокимият органларидан мустақил ҳолда фаолият кўрсатиши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ўзгаришлар ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жадал олиб борилишида ички ишлар органларининг вазифалари кўриб чиқилган.

#### **Реформы в судебной-правовой сфере как гарантия защиты прав и свобода человека.**

**Ключевые слова:** права и свободы человека, судебной-правовые реформы, независимость судов, верховенство закона, судебная защита граждан, принципы правосудия.

В статье рассматриваются цели, задачи и этапы реформ в судебной-правовой сфере, вопросы обеспечения независимости суда от других органов власти, задачи органов внутренних дел в поступательном проведении судебной-правовых реформ.

#### **Reforms in judicial-legal sphere as the guarantee of protection of human rights and freedoms**

**Key words:** human rights and freedoms, judicial-legal reforms, independence of courts, rule of law, protection of citizens by the court, principals of justice.

The article deals with the purposes, tasks and stages of reforms in the judicial- legal sphere, problems of guaranteeing the independence of courts from other organs of authority, tasks of the organs of internal affairs in onward implementation of judicial-legal reforms.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси суверен давлат мақомини қўлга киритганидан сўнг<sup>1</sup> Истиқлол республикада кенг қамровли ислохотларни амалга оширишга ҳуқуқий замин яратди. Жумладан, давлат бошқаруви соҳасида конституциявий тузумнинг асосий принципларидан бири ҳокимият бўлиниш принципининг ҳуқуқий мақоми янги таҳрирдаги Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва бошқада қонун ҳужжатларида мустаҳкамланди. Хусусан, Республика Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимияти тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши принципига асосланиши белгиланди.

Парламент — давлатнинг олий функцияси, яъни — Республика Конституцияси ва қонун ҳужжатларини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек давлатнинг ижтимоий ҳаётини миллий қонунчилик асосида ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга оширади (70-м.)<sup>2</sup>. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш ва бошқаришни эса давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи ва бошқарувчи органи бўлмиш — Республика ҳукумати амалга оширади (86–87-м.)<sup>3</sup>.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти бўйича ҳуқуқшунос олимлар илгари сурган фикрларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Профессор Ҳ.Т.Одилқориев «ижроия ҳокимияти ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда ўзаро боғланган давлат органларининг муайян тизимидан иборат»<sup>4</sup> деган фикрни илгари сурган. Профессор Е.Д.

Кутибаева, «республикада ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш учун яхлит органлар (аппарат) тизими мавжуд бўлиб, улар умумий ваколатга эга ижро органларини (масалан, республика Вазирлар Кенгаши, туман ва шаҳар ҳокимлари), шунингдек давлат бошқарув механизмнинг тармоқлар, тармоқлараро ва бошқа бўғинларини ўз ичига олади»<sup>5</sup> деган фикрни илгари сурган. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, *ижро этувчи ҳокимият органи* — Конституция ва қонун ҳужжатлари асосида давлатнинг муайян вазифа, функция ва ваколатларини амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган (Вазирлар Кенгаши, марказий давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари) ва ижро этиш фаолиятини амалга оширадиган, ваколати доирасида мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки муайян маъмурий-ҳудудий бирлигида бажарилиши умуммажбурий қонун ости ҳужжатларини қабул қиладиган, давлат бошқаруви органларининг ягона тизими ҳисобланган давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир.

Россиялик олим К.С.Бельский ижро этувчи ҳокимият тушунчасини кенг ва тор маъноларда ифодалайди. *Биринчидан*, у ижро этувчи ҳокимият тушунчасини кенг маънода жамият ҳаётининг фаолияти учун нормал шароит яратиб бериш мақсадида иерархик равишда тузилган ҳамда бунинг учун унга тегишли ваколатлар топширилган ва мазкур ваколатларни амалга оширишга лаёқатли давлат бошқаруви органларининг муайян тизимидан иборат деб ҳисоблайди. *Иккинчидан*, тор маънода (субъектив ҳуқуқ) ижро этувчи ҳокимият деганда, унинг

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

фикрича, мансабдор шахснинг қонунлар ижросига қаратилган қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва имкониятлари тушунилади, бунда ушбу қарорнинг ижроси унга бўйсунувчи ходим (яъни, барча ходимлар) томонидан мазкур мансабдор шахснинг жавобгарлиги ва назорати остида амалга оширилишини назарда тутади<sup>6</sup>. Мазкур тушунчада муаллиф ижро этувчи ҳокимиятнинг яна бир муҳим белгиларидан бири ҳисобланган унинг иерархик (поғонали, яъни бир-бирига ўзига хос тамойиллар асосида қуйи юқорига бўйсунувчи шу тартибда муайян тизимга асосланиб тузилган органлар ёки лавозимлар шаклидаги бошқарувнинг ташкил этилиши) тузилишга эга эканлигини асосли ифода этган.

**Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органларини қўйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:**

**1. Ваколатларнинг хусусиятларига кўра:** умумий, тармоқ (соҳа) ва тармоқлараро (соҳалараро) ҳамда махсус ваколатли органларга бўлинади.

Умумий ваколатли ижро этувчи ҳокимият органига — Республика Вазирлар Кенгаши, туман ва шаҳар ҳокимларини киритишимиз мумкин. Мазкур органлар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида тегишли соҳаларга тааллуқли бўлган қонун ости ҳужжатларини қабул қилади. Жумладан, Вазирлар Кенгаши республика ҳудудида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳаларнинг самарали фаолиятига раҳбарлик қилиши мустаҳкамланган<sup>7</sup>, мазкур ваколатини ушбу соҳалар доирасида амалга оширади. Умумий ваколатли ижро этувчи ҳокимият органига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Умумий ваколатли ижроия органи — Конституция ва қонун ҳужжатлари асосида ташкил этиладиган ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича умуммажбурий қонун ости ҳужжатларини қабул қиладиган, белгиланган ваколати доирасида республика ҳудудида ёки унинг муайян маъмурий-ҳудудий бирлигида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳаларнинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга оширади-

ган, таркибига кирувчи тармоқ, тармоқлараро ва махсус, шунингдек, ҳудудий ижроия органи таркибига кирувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирадиган, йўналтирадиган ва назорат қиладиган ижро этувчи ҳокимият органидир.

*Республика ҳукумати* — Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида иқтисодиётга, ижтимоий ва маданий соҳаларга умумий раҳбарликни амалга оширувчи олий ижро этувчи ва бошқарувчи орган<sup>8</sup>. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Парламенти томонидан Республика ҳукумати тузилади ва ўз фаолияти бўйича Республика Парламенти олдида масъул ва унга ҳисобот беради<sup>9</sup>.

Республика туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудуднинг энг олий лавозимли шахси ҳисобланиб, ҳудудда ижроия ҳокимиятни бошқаради, шунингдек ўз фаолияти юзасидан Республика Парламент Раисига, Республика ҳукуматига ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари тегишли Кенгашига ҳисоб беради. Туман ва шаҳар ҳокими Республика Вазирлар Кенгаши Раисининг тақдимида биноан, Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳар ҳокими одатда, халқ депутатлари тегишли Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланади ва тасдиқланади. Туман ва шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Республика Жўқорғи Кенгеси Раиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади, кейинчалик қабул қилинган қарор халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг тасдиғига киритилади<sup>10</sup>. Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикасининг 1998 йил 29 январдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунига асосан, Республика туман ва шаҳар ҳокимларининг халқ депутатлари тегишли Кенгаши билан ўзаро муносабатлари ҳамда биргаликда амалга оширадиган фаолияти бўйича қисқача тўхталамиз: *биринчидан*, Халқ депу-

татлари Кенгашлари билан туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудда ижтимоий, иқтисодий соҳаларни ривожлантириш вазифаларини биргаликда амалга оширади; *иккинчидан*, Республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан республика ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлайди, шунингдек тегишли ҳудуддаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ривожланишига амалий ёрдамлашади ҳамда фаолиятини таҳлил этади; *учинчидан*, Халқ депутатлари Кенгашлари ва туман ва шаҳар ҳокимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманнинг ва шаҳарнинг хусусий объекларини бошқаради, шунингдек доимий ва вақтинча эгалик қилишга ҳамда фойдаланишга топширади; *тўртинчидан*, туман ва шаҳар ҳокимининг қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона, муассаса ва ташкилотларга, шунингдек деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга ерга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш, шунингдек ерни олиб қўйиш ҳақидаги қарорлари халқ депутатлари тегишли Кенгашлари томонидан тасдиқланади; *бешинчидан*, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ишлаб чиқилган маҳаллий бюджет лойиҳаси, шунингдек туманнинг таркибига кирувчи шаҳар бюджети лойиҳаси ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлари Халқ депутатлари тегишли Кенгашлари томонидан тасдиқланади; *олтинчидан*, Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини тегишли туман ва шаҳар ҳокими ёки Кенгаш қарори асосида шу Кенгашнинг оқсоқол депутатларидан бири бошқаради; *еттинчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти таркибидаги бўлинмаларнинг бошлиқлари туман ва шаҳар ҳокимининг тақдимига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар даврида туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади, кейинчалик қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

**Тармоқ (соҳа)** ваколатига эга бўлган ижро этувчи ҳокимият органига — ягона соҳа

бўйича фаолият юритувчи ижроия органлари киради. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликларини киритиш мумкин. Юридик адабиётларда вазирликка берилган тушунчаларга тўхталадиган бўлсак, вазирлик — кўпчилик мамлакатларда давлатнинг марказий бошқарув органи, ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг айрим тармоқларини бошқаради. Янги вазирликлар тузиш, мавжудларини тугатиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш Ўзбекистонда Президент ваколатига киради ва давлатнинг олий вакиллик органи — Олий Мажлис томонидан тасдиқланади<sup>11</sup>. Вазирлик — кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий ижроия ҳокимият органи, иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятнинг айрим тармоқларида давлат бошқарувини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабрь фармонида мувофиқ, вазирликлар республика давлат бошқарув органлари рўйхатига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, янги вазирликларни тузиш ва мавжудларини тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатига киради. Республика Президентининг бу ҳақдаги фармонлари Республика Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланади<sup>12</sup>. Тармоқ (соҳа) ваколатига эга бўлган ижроия ҳокимият органига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

**Вазирлик** — республика ижроия ҳокимиятининг марказий органи бўлиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган соҳада давлат сиёсати ва бошқарувини амалга оширувчи, тегишли тармоқни ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминловчи, таркибидаги ижроия органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибига кирувчи давлат органидир.

Қорақалпоғистон Республикасининг вазирликлари фаолиятини тартибга солувчи Низом Республика Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланади<sup>13</sup> ва Қорақалпоғистон

Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Вазирликлар юридик шахс мақомига эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва штампларга эга. Вазирлар республика вазирликларига юклатилган вазифаларнинг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Шу ўринда республика Вазирларининг айрим ваколатларига тўхталадиган бўлсак: *биринчидан*, вазирлик, ўз тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади, шунингдек улар томонидан бажарилиши умуммажбурий бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади; *иккинчидан*, ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда республика Вазирлар Кенгашига тақдим этади, шунингдек вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади; *учинчидан*, республика Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланган ходимлар сони, вазирлик марказий аппаратининг штат жадвали, ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг низомлари ва уставларини тасдиқлайди, шунингдек вазир алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни белгиланган тартибда давлат фахрий унвонлари, ёрликлар ва мукофотларга тақдим этади ва ҳоказо.

Вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик тизимига кирувчи раҳбар ходимлардан, шунингдек бошқада раҳбар таркибида Ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг вазирликларига тўхталадиган бўлсак, Республика Вазирлар Кенгашининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Аппарати таркибини тасдиқлаш ҳақида»ги 2004 йил 26 март қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида «Иқтисодиёт вазирлиги», «Молия вазир-

лиги», «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги», «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги», «Халқ таълими вазирлиги», «Соғлиқни сақлаш вазирлиги», «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги», «Ички ишлар вазирлиги», «Адлия вазирлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги»лари фаолият юритмоқда.

Республика Конституциясининг 87-моддасига асосан, Вазирлар Кенгаши томонидан Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳужжатларини тўхтатиш ва бекор қилишга ҳақли.

**Тармоқлараро (соҳавий) ваколатига эга бўлган ижро этувчи ҳокимият органига** — соҳалараро ваколатли ижроия органлари, яъни Қорақалпоғистон Республикасининг давлат қўмиталарини киритиш мумкин. Тармоқлараро ваколатига эга бўлган ижроия органига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

**Давлат қўмитаси** — республика ижроия ҳокимиятнинг марказий органи бўлиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган соҳалараро умумдавлат бошқарувини амалга оширувчи, таркибидаги ижроия органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибига кирувчи давлат органидир.

**Махсус** ваколатли ижро этувчи ҳокимият органига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибидаги (ҳузуридаги) давлат органлари (агентликлар, инспекциялар ва бошқа давлат идоралари)ни киритишимиз мумкин.

**Агентлик** — республика ижроия ҳокимиятнинг бош тузилмаси ёки марказий бошқарув мақомига эга бўлган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибидаги махсус ваколатли мустақил органидир.

**2. Ижроия органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига кўра:** Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси асосида ташкил этиладиган органларга (Республика Вазирлар Кенгаши) ва республика қонун ҳужжатлари асосида ташкил этиладиган органларга (вазирликлар, давлат қўмиталари

ва идораларига) бўлинади. Фикримизнинг исботи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 70-моддасининг 14-бандига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мутлақ ваколатлари жумласига, республика ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари тизимини ҳамда ваколатларини белгилаш, шунингдек мазкур модданинг 7- бандига мувофиқ, ... Қорақалпоғистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ваколатлари мустақамланган.

**3. Ижроия органларнинг ташкил этилиши тартибига кўра:** Республика Жўқорғи Кенгеси томонидан ташкил этиладиган органларга, Республика Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этиладиган органларга, шунингдек марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ташкил этиладиган органларга бўлиш мумкин.

**4. Ижроия органларнинг молиявий маблағ билан таъминланишига кўра:** давлат бюджети билан таъминладиган органларга ҳамда ҳўжалик ҳисобидаги органларга бўлиш мумкин.

Республикада барча ижро этувчи ҳокимият органларини ўз таркибида бирлаштирган олий ижро этувчи ва бошқарувчи органи бўлмиш — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўзига хос хусусиятларини ёритганда: *биринчидан*, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти сингари давлат аппаратининг мустақил тармоғи бўлиб, у республикада иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳалар фаолиятига самарали раҳбарликни амалга оширади, шунингдек таркибидаги тармоқ, тармоқларро ва махсус давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва бошқаради; *иккинчидан*, Республика ҳукумати фаолияти қонуности хусусиятга эга бўлиб, яъни амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ва бошқариш мақсадида барча учун мажбурий тусдаги қонун ости ҳужжатларини қабул қилади, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган талаб ва қоидаларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, шунингдек ҳуқуқий актлар талабларининг бузилишини

турли бошқарув усуллари орқали ҳимоя қилишдан иборат давлат ҳокимияти ваколатларига эга; *учинчидан*, давлатнинг муайян функция, вазифа ва ваколатлар доирасига эга бўлиб, фаолиятини республиканинг барча ҳудудида амалга оширади ва ҳоказо.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вазирликлар ва давлат қўмиталарига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

**Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати** — Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси асосида ташкил этиладиган ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича умуммажбурий қонун ости ҳужжатларини қабул қилиш ваколати эга бўлган, мамлакат иқтисодиётининг, ижтимоий ва маданий соҳаларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда аниқ йўналтирилган, ижро этувчи давлат органларининг яхлит тизимини қамраб олган ва ижро этувчи ҳокимиятнинг умумий ваколатга эга бўлган, республика Парламентига қонунчилик ташаббус ҳуқуқидан фойдаланадиган ва унинг олдида ҳисобдор бўлган, ҳукумат Раиси, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмитаси раиси ва идора раҳбарларидан иборат бўлган таркибда олий ижро этувчи ва бошқарувчи ҳокимиятнинг яхлит тизимига раҳбарликни амалга оширадиган олий коллегиал органидир.

**Вазирлик** — республика ижроия ҳокимиятининг марказий органи бўлиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган соҳада давлат сиёсати ва бошқарувини амалга оширувчи, тегишли тармоқнинг ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминловчи, таркибидаги ижроия органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибига кирувчи давлат органидир.

**Давлат қўмитаси** — республика ижроия ҳокимиятнинг марказий органи бўлиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган соҳаларро умумдавлат бошқарувини амалга оширувчи, таркибидаги ижроия органлар-



---

---

нинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналишувчи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибига кирувчи давлат органидир.

**Агентлик** — республика ижроия

ҳокимиятининг бош тузилмаси ёки марказий бошқарув мақомига эга бўлган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибидаги махсус ваколатли мустақил органидир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Давлат суверинетети тўғрисида»ги 1990 йил 14 декабрь декларацияси // Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мажлислари: Стенографик ҳисобот. — Нукус, 1996. — Б. 102-105.

<sup>2</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. — Нукус. 2006. — Б.62.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша манба. — Б.70.

<sup>4</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т. Тўлтеев И.Т. Азизов Н.П.*, Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик.—Т., 2009. — Б.239.

<sup>5</sup> Қаранг: *Қутыбаева Е.Д.* Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан Дис. ... д-ра юрид. наук. — Т., 1999. — С. 238—248.; Органы исполнительные власти Республики Каракалпакстан: Учебное пособие. — Нукус. 2001. — С. 148.

<sup>6</sup> Қаранг: Бельский К.С. Разделение властей и ответственность в государственном управление.— М., 1990 — С. 76.

<sup>7</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги 1998 йил 29 январь қонуни // Биринчи чиқириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн тўртинчи сессияси. — Нукус. 1998.— 1-м.

<sup>8</sup> Қаранг: Ўша манба.

<sup>9</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги 1998 йил 29 январь қонуни. — Нукус. 1998. — 28-м. Қорақалпоғистон Республикасининг «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги 1998 йил 29 январь қонуни. — Нукус. 1998. — 21-м.

<sup>10</sup> Қаранг: <http://sovminrk.gov.uz/lang/ru/akts/qr-legislation/qr-hakimiyat/>

<sup>11</sup> Қаранг: Юридик энциклопедия // проф.У.Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001.— Б. 68.

<sup>12</sup> Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Р.А. Муҳитдинов ва бошқ. — Т., 2010. — Б. 76.

<sup>13</sup> Қаранг: <http://sovminrk.gov.uz/lang/uz/akts/qr-legislation/qrmk-new/>

#### **Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти.**

**Таянч иборалар:** қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият органлари, умумий, тармоқ ва тармоқлараро ҳамда махсус ваколатли ижроия ҳокимият органлари, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати, вазирилик, давлат қўмитаси, агентлик.

Мақолада давлат ҳокимияти тизимида ижро этувчи ҳокимиятнинг роли ва ўрни кўриб чиқилади; Қорақалпоғистон Республикаси ижро этувчи органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг тизими ва таснифи таҳлил қилинади; “ҳукумат”, “вазирилик”, “давлат қўмитаси” ва “агентлик” терминлари, Қорақалпоғистон Республикаси ушбу ижро этувчи органлари функциялари ва ваколатларининг мазмуни очиб берилди.

#### **Activity of organs of executive power of the republic of Karakalpakstan**

The article deals with the role and place of the executive branch in the system of state authority; legal bases of activity of the organs of executive branch of the Republic of Karakalpakstan, their system and classification are analyzed; the contents of terms “government”, “ministry”, “state committee” and “agency”, as well as the functions and powers of the organs of executive branch of the Republic of Karakalpakstan are disclosed.

**Key words:** legislative branch, executive branch, organ of executive branch, common, sectoral, intersectoral organs of executive branch, government of the Republic of Karakalpakstan, ministry, state committee, agency.

#### **Деятельность органов исполнительной власти Республики Каракалпакстан**

В статье рассматриваются роль и место исполнительной власти в системе государственной власти, анализируются правовые основы деятельности органов исполнительной власти Республики Каракалпакстан, их система и классификация; раскрывается содержание терминов «правительство», «министерство», «государственный комитет» и «агентство», функции и полномочия этих органов исполнительной власти Республики Каракалпакстан.

**Ключевые слова:** законодательная власть, исполнительная власть, орган исполнительной власти, органы исполнительной власти общие, отраслевые и межотраслевые, правительство Республики Каракалпакстан, министерство, государственный комитет, агентство.

Ш. Х. Хасанов\*,  
Л. Ю. Югай\*\*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИДА “СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация этишнинг муҳим таркибий қисмидир<sup>1</sup>. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш халқимизнинг азалий орзуси бўлиб келган, лекин уни рўёбга чиқариш имкони фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгач пайдо бўлди. Ўтган давр мобайнида халқимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширди, тоталитар тузум қолдирган асоратлардан қутулиб, демократик жамият қуриш борасида улкан тажриба тўплади. Эндиликда халқимиз фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичига ўтган ва бор куч-қуввати, билими, салоҳиятини илғор давлатлар қаторига чиқиб олишга сарфламоқда. Бу ҳақда республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “... бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур”<sup>2</sup>. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонунининг қабул қилиниши суд процессида турлича суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишни янги даражага кўтарилишига сабаб бўлди.

Ушбу қонун қабул қилингунига қадар, одил судловда махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал

кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари, шунингдек идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилар эди. Ушбу меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар “кўп ҳолатларда, бир-бирини такрорлар ёки ушбу соҳадаги айрим ҳуқуқий муносабатлар охиригача тартибга солинмаган эди”<sup>4</sup>. С.А. Смирнованинг таъкидлашича, “турли турли вазирликлар қошидаги экспертиза муассасаларининг иш фаолияти ва фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд айрим фарқлар, тегишли экспертизаларни ўтказишда зарур тактика ва методикаларни танлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради”<sup>5</sup>. Бу жиҳатдан, суд экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда суд экспертизасининг асосий тушунчаларини аниқлашда ягона тизимнинг йўқлиги каби муаммолар учраб турар эди. Натижада суд экспертизаларининг барча имкониятларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида самарали фойдаланишда, соҳага оид атамалар, тушунчалар ва методикаларни тизимлаштирилган тарзда қўллашда бир қатор қийинчиликлар юзага келар эди.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши суд-экспертлик фаолиятида шаклланадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга имкон яратди. Ушбу соҳага оид ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга бўлган эҳтиёж анча илгари мавжуд эди. Ҳали ўтган асрнинг 1975 йилида суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг дастлабки лойиҳаси тайёрланган<sup>6</sup> ва соҳа мутахассислари — криминалист-олимлар ва амалиёт ходимлари суд-экспертлик фао-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг бошлиғи.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг ўқитувчиси.

---

лиятини тартибга солиш зарурати мавжудлигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Шунинг учун 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида қонун ижодкорлари улкан ишларни амалга оширганлар. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келди. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни<sup>7</sup> қабул қилинди. Ушбу қонун билан, юқорида санаб ўтилган кодексларга эксперт тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми, турли (бирламчи, такрорий, комиссиявий, комплекс) экспертизаларнинг мазмуни, ушбу экспертизаларни ўтказиш қоидалари ва ташкил этиш тартиби бўйича “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонун асосида тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Таъкидлаш жоизки, “Россия Федерациясининг суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи “Россия Федерациясида давлат суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунида, соҳага оид махсус атамалар ёки жиноят-процессуал қонунчилиги билан ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солишда бир қатор қарама-қаршилиқлар ва тушунмовчиликлар учраб туради<sup>8</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунда эса бу каби муаммолар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунида ушбу соҳага оид асосий тушунчалар (3-м.) ёритилган, процессуал қонунчиликдаги экспертиза муасасаси раҳбарининг (13–14-м.), экспертиза муасасасининг (12-м.) ва эксперт (10-м.)нинг мақомига оид камчиликлар тўлдирилган. Қонунда фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига риоя

қилиш (6-м.) масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, қонунда суд-экспертлик фаолиятидаги асосий тушунчалар (3-м.), суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари (4-м.), суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш (25-м.), давлат суд-экспертиза муасасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш (26-м.) ва бошқа бир қатор масалаларни одил судлов соҳаларидан қатъи назар, ягона тарзда тушунишга имкон яратилган.

Суд экспертизаси жиноятнинг барча (субъектив томонидан бошқа) элементларига тегишли бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон берадиган далилларнинг универсал манбаидир. Ҳодиса содир бўлган жойдан аниқлаб олинган излар, жиноят ҳодисасига тегишли бўлган ашёвий далиллар ва бошқа объектларнинг экспертиза тадқиқотлари жинорий тажовуз объекти, етказилган зарарнинг табиати ва миқдори, жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи ва жиноятнинг содир этиш механизми, жиноятчининг шахси, шунингдек жиноятни содир этилишига енгиллик яратган сабаб ва шароитлар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар олишга имкон беради.

Айрим турдаги далиллар ишончсиз ҳисобланса-да (айбланувчи ёки гувоҳлар ўзларига дастлабки тергов жараёнида жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилганлигини вақт қилиб, судда ўз кўрсатувларини ўзгартириши ёки уни рад этиши ва бошқалар), эксперт хулосаси ҳолис ва илмий асосланган далил сифатида баҳоланади. Экспертнинг фаолияти “қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд-экспертининг мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг ҳолислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги”<sup>9</sup> каби принципларга асосланади. Шунинг учун суд экспертизаларининг аҳамияти ҳозирги кунда беқиёсдир.

Юқорида таъкидланган қонун билан бирга Ўзбекистон Республикасида барча суд-экспертлик муасасаларининг фаолиятига оид бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертлик муасасалари (Х.Сулайманова

номидаги Республика суд-экспертиза маркази)нинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд-экспертлик муассасаларида суд-экспертларини ўтказишни ташкил этиш бўйича йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд-экспертлик муассасаларида экспертларни аттестациядан ўтказиш ҳақидаги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматларининг фаолияти эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлими (маркази) тўғрисидаги Намунавий низом, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари иш фаолияти тўғрисида Йўриқнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-малакавий комиссияси тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши муносабати билан, суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мослаб қайта ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунда суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот, корхона, муассаса томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ишлаб чиқилиши белгиланган<sup>10</sup>. Ушбу меъёрий ҳужжат суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Фикримизча, суд экспертизаси ва суд-экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга

солишни ривожлантиришнинг энг самарали шаклларида бири бу — ушбу соҳага оид барча умумий қоидаларни соҳавий процессуал қонунчилик доирасидан чиқаришдир. Суд экспертиза соҳасининг замонавий ҳолати, мавжуд муаммолар ва ушбу соҳани янада такомиллаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган кўплаб олимларнинг фикр-мулоҳазаларини<sup>11</sup> инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, келгусида барча давлат суд-экспертиза муассасаларини ягона, алоҳида қўмита ёки махсус марказга бирлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда эса, суд экспертизасини ривожлантиришнинг идоралараро хусусиятга эга бўлган энг муҳим масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида “Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш”<sup>12</sup> ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни суд-экспертлик фаолиятини ягона тизимга солишдаги илк қадамлардан ҳисобланади. Ушбу соҳадаги барча ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ҳажми ва серқирралигини, унинг ғоят муҳимлигини инobatга олинса, келгусида Ўзбекистон Республикаси Суд-экспертизаси кодексини яратиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинишини суд-экспертлик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштирибгина қолмай, Ўзбекистон Республикаси суд-экспертлик муассасаларининг фаолиятини келажакда замонавий илмий-техник, ташкилий-метолик ва бошқа талаблар асосида, халқаро даражага кўтаришга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги 2005 йил 10 март қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2005. — №10—11. — 71-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2010. — 13 нояб.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2010. — 22-сон. — 173-м.

---

<sup>4</sup> Қаранг: *Хафизов Ш.Н.* О нормативно-правовом регулировании судебно-экспертной деятельности // Адвокат. — М., 2007. — № 5. — С. 58-61.

<sup>5</sup> Қаранг: *Смирнова С.А.* Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. 2-е издание, переработанное и дополненное. — СПб, 2004. — С. 583.

<sup>6</sup> Қаранг: *Орлова В.Ф.* Законодательная регламентация судебной экспертизы: состояние и пути совершенствования // Судебная экспертиза. — М., 2004. — № 1. — С. 12-14.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Тошкент, 2010. — 22-сон. — 174-м.

<sup>8</sup> Қаранг: *Тарасов А., Тарасов М.* О коллизиях в нормативной регламентации судебно-экспертной деятельности по уголовным делам // Уголовный процесс. — М., 2008. — №1. — С.98-103.; *Орлова В.Ф.* Проблемы унификации правовой основы судебной экспертизы и пути их решения // Теория и практика судебной экспертизы. — М., 2007. — № 4 (8). — С.15.

<sup>9</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни, 4-модда / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2010. — 22-сон. — 173-м.

<sup>10</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни, 32-модда / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2010. — 22-сон. — 173-м.

<sup>11</sup> *Зайцева Е.А.* Правовой институт судебной экспертизы в современных условиях. — Волгоград, 2003. — С.51-52.; *Смирнова С.А.* Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. 2-е издание, переработанное и дополненное. — СПб, 2004. — С.41-44.; *В. Быков.* Новый УПК требует создания независимого комитета судебной экспертизы // Российская юстиция. — М., 2003. — № 11. — С.29-31.; *Мамай В.И.* Современные проблемы судебной экспертизы и пути их преодоления // Российская юстиция. — М., 2009. — № 10. — С. 33-35.; *Бишманов Б.М., Саидан А. Ж.* Правовые аспекты судебно-экспертной деятельности в Республике Казахстан // Теория и практика судебной экспертизы. — М., 2007. — № 2 (6). — С.192.

<sup>12</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни, 26-модда / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2010. — 22-сон. — 173-м.

#### **Ўзбекистон Республикаси суд-экспертлик фаолиятида “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг ўрни.**

**Таянч иборалар.** суд-экспертлик фаолияти, суд-эксперти, экспертиза, экспертиза муассасаси, суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари, суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш, “Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш”.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг аҳамияти, суд-экспертиза соҳасининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Суд-экспертизаси ва суд-экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантиришнинг самарали шакллари ҳамда ушбу соҳани янада такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

#### **Место Закона “О судебной экспертизе” в судебно-экспертной деятельности Республики Узбекистан.**

**Ключевые слова:** судебно-экспертная деятельность, судебный эксперт, экспертиза, экспертные учреждения, основные принципы судебно-экспертной деятельности, финансирование, организационное и научно-методическое обеспечение деятельности государственных судебно-экспертных учреждений, Совет по проблемам судебной экспертизы.

В статье раскрываются сущность и значение Закона Республики Узбекистан «О судебной экспертизе», анализируется современное состояние деятельности государственных судебно-экспертных учреждений, формулируются конкретные предложения, направленные на совершенствование правового регулирования, организационного, финансового и методического обеспечения судебно-экспертной деятельности.

#### **Role of the law “About Court Expertise” in court expertise activity in the Republic of Uzbekistan**

**Key words.** court expertise activity, court expert, expertise, expert establishments, the basic principles of court expertise activity, financing, organizational and scientific-methodical maintenance of state court expertise establishments activity, Council for problems of court expertise.

The article deals with the essence and significance of the law of the Republic of Uzbekistan “About Court Expertise”. The author analyses modern condition of the activity of state court expertise establishments, puts forward concrete proposals aimed at improvement of legal regulations, organizational, financial and methodological maintenance of court expertise activity.

## ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, уделив отдельное внимание вопросам развития института лицензирования, указывает, что «...нам необходимо четко определить строго ограниченный перечень и виды разрешительных процедур, необходимых для ведения предпринимательской деятельности, решительно сократив излишние и установив законодательный запрет на введение новых видов разрешений и разрешительных процедур, не предусмотренных законом»<sup>1</sup>.

Защита и охрана жизненно важных потребностей и интересов личности, общества и государства достигается созданием системы лицензирования предпринимательской деятельности. Эффективное лицензирование достигается проведением единой государственной политики в этой области, а также системой мер экономического, политического, правового, организационного и иного характера.

Главной целью системы лицензирования является охрана правопорядка и обеспечение безопасности личности, общества и государства. Для ее реализации разрабатываются и принимаются правовые нормы, регулирующие отношения в сфере лицензирования, определяются основные направления деятельности органов законодательной, исполнительной и судебной властей в данной области, формируются лицензирующие органы, определяются механизмы надзора за соблюдением правил лицензирования.

Методология решения вопросов о системе лицензирования основывается на

оценках Закона Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности», принятого 25 мая 2000 г. В связи с этим необходимо подчеркнуть следующее.

Во-первых, система лицензирования представляет собой организационное множество структурных элементов, взаимосвязанных, взаимообусловленных и имеющих полномочия в области лицензирования.

Во-вторых, субъекты лицензирования внутри системы обладают качествами разнообразия, именно они составляют базу поиска критериев, с помощью которых можно выделить из системы лицензирования то или иное звено и определить его признаки. Так, лицензирующие органы различаются территориальным масштабом деятельности, объемом и характером компетенции, структурой, штатами, порядком формирования.

В-третьих, построение системы лицензирования сужается до пределов конкретной деятельности. Становится возможен и рационален избирательный подход к разработанным в специальной зарубежной и отечественной литературе концепциям системы лицензирования.

В-четвертых, субъекты лицензирования реализуют свои полномочия главным образом в рамках отношений власти — подчинения, в которых юридическое неравенство налицо. Это дает основание говорить о том, что административно-правовой метод является определяющим в системе методов обеспечения лицензирования.

В этом состоит суть подхода к пониманию системы лицензирования как прикладному отражению теоретических разработок безопасности личности, общества и государства.

\* Доцент кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан, к.ю.н., доцент

---

---

Лицензирование направлено на предупреждение, предотвращение и устранение потенциальных и реальных угроз жизненно важным интересам личности, обществу и государству.

Основные задачи системы лицензирования являются:

– проведение единой государственной политики в области лицензирования для защиты жизни и здоровья людей, материальных и культурных ценностей, окружающей среды;

– формирование системы экономических и правовых мер обеспечения защиты личности, государства и общества;

– выполнение государственных целевых и научно-технических программ, направленных на защиту человека и среды его обитания;

– международное сотрудничество в области лицензирования.

Систему мер лицензирования составляет правовое регулирование отношений в указанной сфере, т.е. разработка и принятие компетентными органами законодательных и иных нормативных актов. Юридической базой правового регулирования этой сферы выступает Основной закон – Конституция Республики Узбекистан. Именно закон, а не подзаконный акт, выступает основным источником правового регулирования лицензирования, ибо, во-первых, в этой сфере затрагиваются фундаментальные права и конституционные свободы граждан, а во-вторых, сложная законодательная процедура гарантирует безопасность личности, общества и государства. Однако закон не принимается в угоду заинтересованных структур исполнительной власти, он в большей мере, чем подзаконный акт, застрахован от непродуманных решений.

Сказанное не означает, что для обеспечения приоритета закона в сфере лицензирования необходимо упразднить подзаконное нормотворчество. Гарантировать верховенство закона в правовом регулировании лицензирования можно лишь при условии глубокого переосмысления той роли, которую играет в этой сфере подзаконный нормативный комплекс, ибо ранее он превалировал<sup>2</sup>. Попытка обойтись в правовом регулировании без подзаконных актов объективно невозможна.

Во-первых, это повлекло бы чрезмерную нагрузку на законодательные органы. Во-вторых, законодатель не имеет возможности предусмотреть и регламентировать всю совокупность общественных отношений в сфере лицензирования. В-третьих, подзаконные акты оперативнее закона реагируют на изменения в объекте правового регулирования и, в силу этого, позволяют с наименьшими потерями преодолеть пробел в законе.

Задача состоит в том, чтобы разграничить те сферы правового воздействия, куда закрыт доступ подзаконным актам. Одни авторы отмечают, что юридической наукой еще не выработаны критерии разграничения общественных отношений, с помощью которых они регулировались бы на законодательном и подзаконном уровнях<sup>3</sup>. Другие отмечают, что вопросы, затрагивающие права, свободы и ответственность граждан, недопустимо регулировать подзаконными актами<sup>4</sup>. Несомненно, исключительной сферой действия закона должно быть установление всех элементов правового статуса физических и юридических лиц<sup>5</sup>. В компетенцию же субъектов подзаконного нормотворчества должна войти лишь конкретизация и детализация законодательных предписаний и регламентация их исполнения, что не должно изменять объема правового регулирования.

В результате подзаконного нормотворения органы лицензирования не должны приобретать новые и лишаться уже предусмотренных законодательными актами полномочий, недопустимо и расширение или сужение, в сравнении с законом, оснований их применения.

Таким образом, необходимо создать юридические гарантии, чтобы подзаконные акты не умаляли или не ограничивали законные права и свободы человека и гражданина. А если они вступают в противоречие с законом, то не имеют юридической силы. Следовательно, для устранения этой пробельности в праве органы исполнительной власти должны чаще пользоваться правом законодательной инициативы.

Итак, отношения в этой сфере регулируются системой правовых норм, зафиксированных в Конституции и законах

---

Республики Узбекистан, в иных нормативных актах.

Многоаспектный характер лицензионной деятельности проявляется и в том, что она может рассматриваться в различных ипостасях: и как метод управленческой деятельности, и как инструмент обеспечения безопасности общества и государства от видов деятельности, осуществление которых может повлечь за собой нанесение ущерба правам и законным интересам, здоровью граждан, общественной безопасности, и регулирование которых не может осуществляться иными методами, кроме как лицензированием, и как форма государственного управления.

По мнению Э. Р. Каспарова, государственное управление можно определить как «практическое, организующее и регулирующее воздействие государства на общественную жизнедеятельность людей в целях ее упорядочения, сохранения или преобразования, опирающееся на его властную силу»<sup>6</sup>. Очень важно, что известный ученый-юрист определяет государственное управление через такое понимание, как «организующее воздействие».

Действительно, любое управление, в том числе государственное, не может существовать без организующего воздействия. Не может без такового воздействия осуществляться и лицензирование как форма государственного управления. Это организующее воздействие применительно к лицензированию может включать в себя следующее: во-первых, определение видов социальной деятельности, на осуществление которой граждане должны получить разрешение (лицензию) государства; во-вторых, определение государственных органов, уполномоченных осуществлять лицензирование.

Государство немислимо вне своих органов, следовательно, организующее воздействие государство осуществляет через свои органы. В соответствии с Законом Республики Узбекистан от 25 мая 2000 г. «О лицензировании отдельных видов деятельности», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №236 от 28 июня 2002 г. утвержден перечень государственных органов, осуществляющих лицензирование, и круг лицензируемых видов деятельности каждого из таких органов.

---

Повышение эффективности деятельности органов государственной власти в рассматриваемой области связано прежде всего с особенностями компетенции ее (власти) органов, так как именно компетенция определяет совокупность основных направлений деятельности, возлагаемых на систему органов лицензирования, а следовательно, содержание и объем их работы.

Проблема определения и разграничения компетенции лицензионных органов и должностных лиц на всех уровнях управления приобрела особую остроту. Именно с установлением компетенции лицензионные органы государственной власти по своему правовому положению приобретают возможность либо требовать от объектов управления известного поведения, либо действовать согласно нормативным актам. Вся последующая деятельность лицензионных органов, все организационные отношения и правоотношения выступают как следствие их компетенции.

Именно в компетенции лицензионных органов более всего проявляется волевое содержание их управленческого решения. Известно, что, определяя компетенцию лицензионных органов путем издания правовых норм, государство устанавливает границы действий в любой сфере их деятельности. Применительно к сфере лицензирования государство должно сознательно определять содержание и объем этого воздействия.

Чтобы получить достаточно полное представление о функционировании лицензионных органов, важно определить содержание их работы. Наряду с основными задачами и функциями органов исполнительной власти, согласно ст. 6 Закона «О лицензировании отдельных видов деятельности, к полномочиям лицензирующих органов относится:

- лицензирование отдельных видов деятельности в соответствии с законодательством;
- в случаях, предусмотренных законом, утверждение положений о порядке лицензирования соответствующих видов деятельности;
- контроль за соблюдением лицензиатами лицензионных требований и условий;
- переоформление лицензий;



- 
- 
- приостановление, возобновление действия лицензий;
  - прекращение действия лицензий;
  - аннулирование лицензий;
  - ведение реестра лицензий.

Порядок осуществления полномочий лицензирующих органов устанавливается положениями о лицензировании конкретных видов деятельности. В то же время в соответствии с ч. 2 ст. 6 Закона «О лицензировании отдельных видов деятельности» лицензирующие органы не вправе создавать либо участвовать в качестве учредителей

(участников) в деятельности предприятий, организаций и учреждений, занимающихся видами деятельности, которые лицензируются данными органами, за исключением случаев, предусмотренных законодательством.

Таким образом, под системой лицензирования можно понимать совокупность законов и иных нормативных актов и созданных на их основе органов, институтов и механизмов, предупреждающих и устраняющих потенциальные и реальные угрозы жизненно важным интересам личности, обществу и государству.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране: Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // <http://press-service.uz/>.

<sup>2</sup> См.: Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. – Т., 1997.

<sup>3</sup> См.: Рuzметов Х. Система взаимодействия представительной и исполнительной власти на местах в зарубежных странах и опыт Узбекистана // Давлат ва жамият. – 2003. – №3. – Б.78–79; Болтаев А. Р. Концепция разделения властей и ее воздействие на реформирование высших органов власти Узбекистана. – Т., 2002. – С.17–19.

<sup>4</sup> См.: Адилходжаева С. М. Совершенствование системы сдержек и противовесов: функциональное укрепление судебной системы // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Law review. Обзор законодательства Узбекистана. – Т., 2005. – №1–2; Мирбобоев Б. Ш. Усиление роли парламента, достижение более сбалансированного и устойчивого равновесия между законодательной, исполнительной и судебной ветвями власти // Фукарлик жамияти. – 2006. – Спец. вып. – С.113–118.

<sup>5</sup> См.: Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т., 2003. – 244-б.

<sup>6</sup> Каспаров Э. Р. Конституционные основы государственного управления Республики Узбекистан: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. – Т., 1999. – С.19.

#### **Ўзбекистон Республикасида лицензиялаштириш тизимининг шаклланиши**

**Таянч иборалар:** давлат бошқаруви, маъмурий ҳуқуқ, ишбилармонлик, юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, фаолиятнинг айрим турлари, лицензиялаштириш, лицензиялаштиришнинг хусусиятлари, турлари, лицензиялаштириш тартиби, қонунийлик

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, хориж мамлакатлари қонунчилиги ва илмий адабиётларнинг таҳлили асосида давлат бошқарувининг шакли сифатида Ўзбекистон Республикасида лицензиялаш институтининг шаклланиши хусусиятлари таҳлил қилинган. Лицензиялаштириш институтининг шаклланиши ва мазмуни юзасидан муаллифлик талқини берилган.

#### **Formation of the system of licensing in the Republic of Uzbekistan**

**Keywords:** public administration, administrative law, business, legal entities, individual entrepreneurs, separate kinds of activity, licensing, type of licensing, legality.

In article on the basis of the analysis of laws and normative legal acts of the Republic of Uzbekistan, the foreign legislation and scientific literature attempt of definition of the institute of licensing as forms of public administration is made. Author's vision of the list and the content of the of the institute of licensing as forms of public administration.

#### **Формирование системы лицензирования в Республике Узбекистан.**

**Ключевые слова:** государственное управление, административное право, предпринимательство, юридические лица, индивидуальные предприниматели, отдельные виды деятельности, лицензирование, виды лицензирования, порядок лицензирования, законность.

В статье на основе анализа законов и нормативно-правовых актов Республики Узбекистан, зарубежного законодательства и научной литературы сделан анализ особенностей формирования системы лицензирования в Республике Узбекистан как формы государственного управления. Дано авторское видение содержания и особенностей формирования института лицензирования.

О. А. Самтаров\*

## ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА “ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш ҳамда ушбу йўналишда мустақиллик йиллари давомида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор самарали ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>. Бироқ, шу билан бир қаторда, ушбу ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар замирида Ўзбекистонда, салбий ҳодисалардан бири бўлган, жиноятчиликнинг хавфли турлари кўпаймоқда.

Бугунги кунда жаҳон микёсида жиноятчиликнинг тузилишига кўра, оғир ва ўта оғир турлари умумий жиноятчилик ичида салмоқли ўрин эгаллайди, уларнинг жамият учун хавфлилик даражаси кун сайин ортиб бормоқда. Уюшган жиноятчиликнинг сифат даражаси ўзгариб, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан террорчилик, қуролли босқинчилик, одамларни гаровга олиш, одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар кўлами кенгаймоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш чораларига нисбатан жиноятчиларнинг жоҳиллиги, устомонлиги ва жон-жаҳдли билан қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганларидек, жиноятчиликка қарши курашда белгиланган мақсадларга эришиш учун, *биринчидан*, бундан кейин ҳам

ички ишлар идораларининг жиноятларни очишнинг тезкорлиги ва содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминловчи тезкор-қидирув ва тергов фаолияти тизимини такомиллаштиришга қаратилган фаолиятини яхшилаш бўйича бошланган тизимли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, *иккинчидан*, келгусида ички ишлар идоралари фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида иш олиб бориш лозим<sup>2</sup>.

Жиноятчилик сифат даражасининг ўзгариши ва улар сони ва турларининг ўсиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни уларга нисбатан муносиб чоралар кўришга ундайди. Жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали воситаси сифатида, ички ишлар идораларининг тезкор-қидирув фаолияти асосий ўрин эгаллайди.

Маълумки, ички ишлар органларида амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз ички ишлар органларининг функционал-ташкилий тузилиши, тизими ва фаолияти такомиллаштирилди, тезкор-хизмат фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чоратadbирлар ишлаб чиқилди. Республика-миздаги вазият бирмунча барқарорлашган бўлса-да, аммо шу билан бир вақтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларга тўғаноқ бўлишга, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга уринаётган диний экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик каби иллатлар камаймаяпти, уларни озиқлантираётган одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ва

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси бошлиғининг ўринбосари.

---

психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ таҳдидлар ўсишда давом этмоқда. Буларнинг барчаси тезкор-қидирув фаолиятини янада такомиллаштириб боришни талаб этади.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан бош стратегиямиз, деб эътироф этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши республикамизда олиб борилаётган изчил демократик ислохотлар замирида мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг суд-ҳуқуқ соҳасида қабул қилган аниқ ва муҳим қароридир.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг асосий мақсади тезкор-қидирув ва профилактик хусусиятдаги тадбирларни амалга оширишда инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашнинг реал ҳуқуқий кафолатини яратишга йўналтирилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонунлар “жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни вақтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади”<sup>3</sup>, дея билдирилган фикрлар билан жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинмагунча қонунчиликнинг у ёки бу ҳужжатларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, мазкур соҳани тартибга солишга

оид айрим ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса ҳам аммо ушбу фаолиятни амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, мазмун ва моҳиятини белгилаб берувчи яхлит қонунчилик ҳужжати бўлмаган. Тезкор-қидирув фаолиятининг қонуний ваколатга эга бўлган субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, уларнинг фаолияти устидан назорат қилишнинг қонуний механизмлари аниқ ишлаб чиқилмаган эди.

Ҳозир “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси берилиб, мазкур фаолиятнинг мазмуни ва моҳияти, мақсади ва асосий вазифалари, унинг принциплари атрофлича ёритилган, унинг субъектлари ва тезкор-қидирув тадбирлари белгиланган. Шу билан бирга, тезкор-қидирув тадбирларини қўллашнинг қонунийлигини белгиловчи асосий ҳолатлар ва шартлар ҳамда жиноятчиликка қарши курашда унинг натижаларидан фойдаланиш асослари мустаҳкамланган; тезкор-қидирув фаолиятига алоқадор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига тааллуқли масалалар белгиланган; жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари бирмунча кенгайтирган, бир қатор мутлақо янги ҳуқуқий қоидалар кўзда тутилган; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинганлиги ҳақида материалларни кўриб чиқишнинг асослари ва тартиби меъёрга солинган; тезкор-қидирув фаолияти субъектларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари аниқ белгиланган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда истисноли ҳолларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ материалларни кўриб чиқишда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишнинг асослари ва тартиби ҳам белгиланган. Шунингдек, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши

ҳуқуқларини, шунингдек, уй-жой дахл-сизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига фақат прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши мумкинлигини<sup>4</sup> таъкидлаб, бу борада қонунчиликда бўлган камчиликни тўлдиради.

Башарти, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати доирасини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун тезкор-қидирув фаолияти ва жиноий судлов жараёнида исботлаш масалаларини ҳал этишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш каби муҳим вазифалар ечимини топишда улкан аҳамиятга эга. Қонунга мувофиқ, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда ишлатилиши ҳам мумкин, жиноят ишини қўзғатишда бевосита шарт-шароит яратиб, жиноятни очишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан исботлаш жараёнида жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунига мувофиқ тўпланган, баҳоланган ва текширилган далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Муҳим жараёнлардан бири сифатида тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини суриштирув органи, терговчи, прокурор ва судга тақдим этиш тартиби атрофлича кўриб чиқилган. Эндиликда, жиноят-процессуал қонунчилигига тезкор-қидирув фаолияти натижаларида олинган материалларни исботловчи ва далил бўлувчи ҳолга келтириш (процессуаллаштириш)ни ихчамлаштириш бўйича тегишли ўзгартириш киритиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг кучга кириши билан иккита асосий вазифани ҳал этиш мумкин: *биринчидан*, жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат функциясининг

ҳуқуқий шакли сифатида тезкор-қидирув фаолиятига расмий мақом бериш бўлса, *иккинчидан*, энг муҳими, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиш, Ўзбекистон Республикасининг махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига ҳос ноошкора фаолияти, янги ва замонавий қонуний базаси учун мустаҳкам пойдевор яратилиб, унинг ҳуқуқий тартиби нафақат ёпиқ идоравий ҳужжатлар даражасида, балки қонунчилик даражасида ҳам қатъий амалга оширилади.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда ахборот-таҳлилий ишлар самарадорлигини ошириш, жиноятчиликнинг ҳолати ва ўзгарувчанлигининг қонуниятлари ҳақида аргументар (хар томонлама асосланган, исботини топган) хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Ушбу қонуниятларни англаб олиш асосида:

— прогноз(башорат) қилиш фаолияти яратилади;

— жиноятчиликка қарши курашнинг стратегияси ва дастурлари ишлаб чиқилади;

— қонунчилик такомиллаштирилади;

— мақсадли мутахассис (профессионал) кадрлар тайёрланади;

— келгусида тадқиқот ишларини ривожлантириш режалаштирилади;

— керакли ташкилий ва моддий-техник ресурслар билан таъминланади;

— жамоат ва миллий хавфсизликни таъминлаш доирасида стратегик ва тактик қарорлар қабул қилинади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти мувофиқлаштирилади.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар давомида “*нарда*” остига яшириб келинган, давлат бошқарувининг асосий фаолиятдан бири бўлган, тезкор - қидирув фаолияти ошкор этилиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча шахслар учун қонуний асосга айланди ва ўз-ўзидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтирувчи ҳуқуқлар қаторидан жой олди. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни мамлакатимиздаги ислохотларга бефарқ бўлмаган фуқароларнинг фаол иштироки билан жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиради ва унинг

---

---

самарадорлигини оширади, деган умидни юзага келтирди.

Жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришнинг асосий шартларига эса, фикримизча, энг аввало қуйидагилар киради:

— тезкор-қидирув фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш йўли билан уни модернизация (замонавийлаштириш) қилиш ва ушбу фаолият субъектлари орасида ягона, мукамал ахборот-таъминот базасини яратиш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

— тезкор-қидирув фаолияти субъектлари бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари хизмат фаолиятининг ташкилий-тактик асосларини мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш ҳамда жиноят-

чиликка қарши курашнинг барча йўналишларида ушбу фаолият натижаларидан фойдаланиш мавқеини ошириш;

— жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича тезкор-қидирув фаолиятининг шакллари ва усулларидан амалий фойдаланувчи субъектларнинг профессионал (ихтисослашган) тизимини яратиш ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш.

Бу борада мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини кенг омма ўртасида фаоллик билан тарғибот-ташвиқот қилиш ишларини давом эттириш алоҳида аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: — Т., 2011. — Т. 19. — Б. 8.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2011. — Т. 19. — Б.13.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрь Қонуни.16-модда // Постда.— 2012.— 29 дек.

**Жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришда “тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг ўрни.**

**Таянч иборалар:** тезкор-қидирув фаолияти, жиноятчиликка қарши кураш, инновацион технологиялар, қонуннинг мазмун-моҳияти, стратегия ва тактика, ҳуқуқий ва ташкилий асослар, ахборот-таҳлилий ишлар.

Мақолада жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг аҳамияти ва моҳияти ҳақида фикр юритилиб, ушбу фаолиятнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги ахволи қиёсланади, тезкор-қидирув фаолиятининг қонуний мақоми белгиланиши муносабати билан жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш бўйича айрим таклифлар илгари сурилади.

#### **Role of the law “About Operational-search activity” in improving the struggle against criminality**

**Key words:** combating crime, strategy and tactics of combating crime, operational-search activity, legal and organizational basis, the law “About Operational-search activity”, content and essence, information-analytic work.

The article deals with the content and essence of the law of the Republic of Uzbekistan “About Operational-search activity” in the struggle against criminality. The author puts forward concrete proposals on improving the struggle against criminality in connection with determination of legal status of operational-search activity.

#### **Место Закона «Об оперативно-розыскной деятельности» в совершенствовании борьбы с преступностью.**

**Ключевые слова:** борьба с преступностью, стратегия и тактика борьбы с преступностью, оперативно-розыскная деятельность, правовые и организационные основы, Закон «Об оперативно-розыскной деятельности», содержание и сущность, информационно-аналитическая работа.

В статье раскрываются сущность и значение Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» в борьбе с преступностью, выдвигаются конкретные предложения по совершенствованию борьбы с преступностью в связи с определением законного статуса оперативно-розыскной деятельности.

## УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ОБРАЩЕНИЯХ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

Конституцией Республики Узбекистан каждому гарантировано право как отдельно, так и сообща с другими лицами, обращаться с заявлениями, предложениями и жалобами в компетентные государственные органы, учреждения или к народным представителям. Реализация данного конституционного положения осуществляется различными отраслями законодательства, регулирующими общественные отношения в сфере обеспечения права на обращения в государственные органы, учреждения или к народным представителям.

Закон Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц» от 3 декабря 2014 г. устанавливает, что физические и юридические лица имеют право обращаться в государственные органы. Право на обращения реализуется добровольно. Никто не может быть принужден участвовать в действиях в защиту какого-либо обращения либо против него.

Осуществление права на обращение не должно нарушать права, свободы и законные интересы других физических и юридических лиц, а также интересы общества и государства. Физические и юридические лица иностранных государств, лица без гражданства имеют право обращаться в государственные органы Республики Узбекистан.

Фактически право на обращение — это один из действенных механизмов защиты прав, свобод и законных интересов граждан. Особую роль в охране названных общественных отношений играет уголовный закон. С момента своего принятия, новый Уголовный кодекс Республики Узбекистан,

в специальной главе «Преступления против конституционных прав и свобод граждан», содержит ст. 144, предусматривавшую уголовную ответственность за нарушение законодательства об обращениях граждан.

Вступивший в силу Закон Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц» от 3 декабря 2014 г. послужил основанием для принятия Закона Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» от 11 декабря 2014 г., в соответствии с которым была введена в действие новая редакция ст. 144 УК, предусматривающей уголовную ответственность за нарушение законодательства об обращениях физических и юридических лиц. Внесенные изменения данной правовой нормы требуют соответствующего осмысления ее юридических признаков с целью последующего практического обеспечения надежной защиты прав физических и юридических лиц.

*Непосредственным объектом* данного преступления являются общественные отношения в сфере регулирования обращений физических и юридических лиц в государственные органы и государственные учреждения.

В соответствии с Законом «Об обращениях физических и юридических лиц» обращения вносятся в устной, письменной либо в электронной форме и могут быть в виде заявлений, предложений и жалоб. Обращения, независимо от их вида и формы, имеют равное значение.

\* Старший преподаватель кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан

---

---

*Объективная сторона* преступления, предусмотренного ч. 1 ст. 144 УК, характеризуется совершением одного из следующих деяний:

1) незаконный отказ в принятии и рассмотрении обращений физических и юридических лиц;

2) нарушение без уважительных причин сроков рассмотрения обращений;

3) ненаправление ответа в письменной либо в электронной форме;

4) принятие решения, противоречащего законодательству об обращениях физических и юридических лиц;

5) необеспечение восстановления нарушенных прав физических и юридических лиц;

6) необеспечение исполнения решения, принятого в связи с обращением;

7) разглашение сведений о частной жизни физических лиц либо о деятельности юридических лиц без их согласия;

8) другие нарушения законодательства об обращениях физических и юридических лиц, причинившие существенный вред правам, свободам или охраняемым законом интересам физических и юридических лиц либо интересам общества и государства.

Под незаконным отказом в принятии и рассмотрении обращения понимается юридически необоснованный, противоречащий требованиям законодательных норм отказ уполномоченным органом, должностным лицом или народным представителем в приеме и рассмотрении обращения физического или юридического лица для рассмотрения либо отказ удовлетворить их законные требования.

В соответствии с указанным законообращению подлежат обязательному принятию и рассмотрению государственными органами. Рассмотрению не подлежат: анонимные обращения — обращения, в которых не указаны фамилия, имя, отчество физического лица, сведения о месте его жительства или полное наименование юридического лица, сведения о его местонахождении (почтовом адресе) либо указаны ложные сведения о них, а также не подтвержденные подписью (электронной

---

---

цифровой подписью); обращения, поданные через представителей физических и юридических лиц, при отсутствии документов, подтверждающих их полномочия.

Обращения подаются непосредственно государственному органу, в полномочия которого входит разрешение поставленных в них вопросов, либо вышестоящему органу в порядке подчиненности.

Физические и юридические лица вправе подать обращение самостоятельно, а также уполномочить на это своего представителя либо направить обращение через средства почтовой связи или в электронной форме. В интересах несовершеннолетних, недееспособных и ограниченно дееспособных лиц обращения могут подаваться их законными представителями в порядке, предусмотренном законодательством.

Под нарушением без уважительных причин сроков рассмотрения обращений понимается несоблюдение без уважительных причин установленных законом сроков рассмотрения обращений, а также несвоевременное отправление обращений в соответствующие учреждения. Обращения, поступившие в государственный орган, рассматриваются этим органом или должностным лицом, на которое возложены обязанности по рассмотрению обращений.

Заявление или жалоба рассматривается в течение пятнадцати дней со дня поступления в государственный орган, который обязан разрешить вопрос по существу, а когда требуется дополнительное изучение и (или) проверка, запрос дополнительных документов — в срок до одного месяца. В тех случаях, когда для рассмотрения заявлений и жалоб необходимо проведение проверки, истребование дополнительных материалов либо принятие других мер, сроки их рассмотрения могут быть в порядке исключения продлены руководителем соответствующего государственного органа, но не более чем на один месяц с сообщением об этом обращающемуся.

Предложение рассматривается в срок до одного месяца со дня поступления в государственный орган, за исключением тех

---

---

предложений, которые требуют дополнительного изучения, о чем в письменной форме сообщается физическому или юридическому лицу, внесшему предложение, в десятидневный срок.

Обращения, поступившие в государственный орган, в полномочия которого не входит разрешение поставленных вопросов, в срок не позднее пяти дней направляются соответствующим органам с сообщением об этом в письменной либо в электронной форме обращающемуся. Запрещается безосновательная передача обращения на рассмотрение другим государственным органам либо направление его тем органам или должностным лицам, решения или действия (бездействие) которых обжалуются.

Если обращения не содержат необходимые сведения для направления их в соответствующие органы, то они в срок не позднее пяти дней возвращаются обращающемуся с мотивированным разъяснением.

При невозможности рассмотрения обращения в отсутствие обращающегося или другого лица они могут быть вызваны должностным лицом государственного органа. При неявке вызываемого обращающегося должностное лицо государственного органа направляет ответ о невозможности рассмотрения обращения без его участия.

Ответ на обращение подписывает руководитель или иное уполномоченное должностное лицо государственного органа.

В соответствии со ст. 23 («Обязанности государственного органа, рассмотревшего обращение») Закона «Об обращениях физических и юридических лиц» государственный орган, рассмотревший обращение, обязан в письменной либо в электронной форме сообщить обращающемуся о результатах рассмотрения и принятом решении незамедлительно после рассмотрения обращения.

Ответы на обращения излагаются, по возможности, на языке обращения, должны содержать конкретные обоснования (по мере необходимости — со ссылками на

нормы актов законодательства), опровергающие или подтверждающие доводы по каждому вопросу, указанному в обращении. Должностное или иное уполномоченное лицо государственного органа, принявшего решение по обращению, обязано разъяснить порядок его обжалования, если физическое или юридическое лицо не согласно с ним.

Под ненаправлением ответа в письменной либо в электронной форме следует понимать случаи несообщения обращающемуся в письменной либо в электронной форме о результатах рассмотрения и принятом решении государственным органом, рассмотревшим обращение.

Под принятием решения, противоречащего законодательству об обращениях физических и юридических лиц, понимается принятие юридически необоснованных решений или решений в нарушение требований действующего законодательства.

Под разглашением сведений, относящихся к личной жизни граждан понимается распространение сведений о личной жизни гражданина, ставших известными в ходе рассмотрения обращения, без разрешения обратившегося.

При рассмотрении обращений не допускается разглашение работниками государственных органов сведений о частной жизни физических лиц, деятельности юридических лиц без их согласия, а также сведений, составляющих государственные секреты либо иную охраняемую законом тайну, и другой информации, если это ущемляет права, свободы и законные интересы физических и юридических лиц.

Не допускается выяснение данных о физическом и юридическом лице, не относящихся к обращениям.

По просьбе физического лица не подлежат разглашению какие-либо сведения о его личности.

Под не обеспечением восстановления нарушенных прав физических и юридических лиц, следует понимать непринятие государственным органом в пределах своих полномочий мер по обеспечению восста-



---

---

новления нарушенных прав, свобод и защиты законных интересов физических и юридических лиц.

Под необеспечением исполнения принятого в связи с обращением решения понимается неисполнение государственным органом, рассмотревшим обращение, его должностными или иными уполномоченными лицами обязанности контролировать исполнение решения, принятого по результатам рассмотрения обращения.

Обязательным условием привлечения лица к уголовной ответственности по ч. 1 рассматриваемой статьи является причинение существенного вреда правам, свободам или охраняемым законом интересам физических и юридических лиц либо интересам общества и государства. Существенный вред правам, свободам или охраняемым законом интересам физических и юридических лиц либо интересам общества и государства может выражаться как в виде материального ущерба, так и в упущенной выгоде, а также в причинении другого вреда различным интересам, подрыве авторитета органов власти, сокрытии тяжких преступлений и т.п.

Существенный вред – понятие оценочное, в связи с чем его трудно выразить в формализованных количественных показателях и не следует сводить только к материальному ущербу. При определении существенности вреда необходимо учитывать число потерпевших граждан, тяжесть причиненного им морального, физического или имущественного вреда, степень отрицательного влияния на нормальную работу предприятия, организации, учреждения, характер и размер понесенного ими материального ущерба и др.

Преступление, предусмотренное ч. 1 ст. 144 УК, признается оконченным с момента причинения существенного вреда правам, свободам или охраняемым законом интересам физических и юридических лиц либо интересам общества и государства в результате совершения деяний, образующих

объективную сторону данного состава.

Обязательным признаком объективной стороны данного состава преступления является наличие причинной связи между нарушением законодательства об обращениях физических или юридических лиц и наступившими последствиями в виде существенного вреда правам, свободам или охраняемым законом интересам физических и юридических лиц либо интересам общества и государства.

Преследование физического лица, его представителя, членов их семей, юридического лица, его представителя и членов семьи представителя юридического лица должностным лицом в связи с их обращением в государственный орган, государственное учреждение или органы самоуправления граждан либо за выраженное мнение и содержащуюся в обращении критику, а равно за выступление с критикой в иной форме образуют объективную сторону преступления, предусмотренного ч. 2 ст. 144 УК.

Согласно ст. 15 Закона «Об обращениях физических и юридических лиц» запрещается преследование физического лица, его представителя, членов их семей, юридического лица, его представителя и членов семьи представителя юридического лица в связи с их обращениями в государственные органы в целях реализации или защиты своих прав, свобод и законных интересов, а также выражением своего мнения и критики в обращениях. Такое преследование может выражаться в умышленном ущемлении должностным лицом трудовых, жилищных, имущественных или иных прав и законных интересов физических лиц, их представителей, членов их семей, членов семьи представителя юридического лица в связи с их обращениями в государственные органы в целях реализации или защиты своих прав, свобод и законных интересов, а также выражением своего мнения и критики в обращениях.

Рассматриваемое преступление признается оконченным с момента осуществ-

---

---

ления преследования физического лица или представителя юридического лица должностным лицом вне зависимости от наступивших последствий.

*Субъективная сторона* преступления характеризуется умышленной формой вины. Мотив и цель совершения преступления для квалификации данного преступления значения не имеют. Обязательным признаком субъективной стороны преступления, предусмотренного ч. 2 рассматриваемой статьи является совершение преступления, мотивированного чувством мести за обращение в государственный орган, государственное учреждение или органы самоуправления граждан, либо за выраженное мнение и содержащуюся в обращении критику, а равно за выступление с критикой в иной форме.

*Субъектом преступления*, предусмотренного ч. 1 рассматриваемой

статьи может быть вменяемое физическое лицо, достигшее восемнадцати лет, имеющее служебную должность в государственных учреждениях или органах самоуправления. Таким лицом может быть и должностное лицо или служащий, не являющийся должностным лицом предприятия, учреждения или организации. Субъектом преступления, предусмотренного ч. 2 ст. 144 УК может быть только должностное лицо.

Точное теоретическое определение и уяснение содержания объективных и субъективных признаков рассмотренного состава преступления обеспечит правильное и эффективное применение уголовно-правовой нормы, предусматривающей ответственность за нарушение законодательства об обращениях физических и юридических лиц, и станет надежным гарантом реализации их конституционных прав.

---

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жиноий жавобгарлик**

**Таянч иборалар:** конституциявий ҳуқуқлар, ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, қонунга хилоф равишда рад этиш, муддатларни бузиш, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш, жиддий зиён, шахсларни таъқиб этиш.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инobatта олинган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норманинг объектив ва субъектив белгилари таҳлил қилинади.

**Key words:** constitutional rights, the right to appeal, exercise of rights, illegal refusal, dismissing of an appeal, restoration of violated rights, disclosure of private information, considerable harm, pursuit of people.

The article deals with juridical analysis of objective and subjective signs of breaching the legislation on natural and juridical persons' applications considering the amendments and additions introduced in the legal norm of the current criminal legislation of the Republic of Uzbekistan about the responsibility for this type of crime.

**Уголовная ответственность за нарушение законодательства об обращениях физических и юридических лиц**

**Ключевые слова:** конституционные права, право на обращения, осуществление права, незаконный отказ, нарушение сроков рассмотрения, восстановления нарушенных прав, разглашение сведений о частной жизни, существенный вред, преследование лиц.

В статье проводится юридический анализ объективных и субъективных признаков нарушения законодательства об обращениях физических и юридических лиц с учетом изменений и дополнений, внесенных в правовую норму действующего уголовного законодательства Республики Узбекистан об ответственности за данное преступление.

## КРИМИНОЛОГИК БАШОРАТЛАШДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Одатда ҳар бир соҳанинг муваффақияти аввало кузатишлар натижасида олинган таҳлиллар асосида чора-тадбирларни пухта режалаштиришга боғлиқ.

Таҳлиллар асосида башорат қилиш аввало воқеаларга олдиндан тайёрлана билиш, куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш ва оқилона қарорлар қабул қилишга, пировардида қўйилган вазифаларни самарали бажаришга имкон беради.

Биз одатда ижтимоий муносабатлар ҳамда табиий ўзгаришлар қонуниятларини қанчалик чуқур англасак, уларда юз берадиган ўзгаришларни олдинда кўра билиш, таҳлил қилиш учун шунчалик кенг имконият яратилади.

Башорат қилиш деганда инсонинг келажақдаги ҳолатини, ҳаёт шароитларидаги ўзгаришларини, кутилаётган ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш тушунилади.

«Умуман олганда, олдиндан билиш, яъни у ёки бу мавҳум ҳолатнинг олдиндан юз беришини башорат қилиш турли башоратчилар, масалан, экстрасенслар томонидан қўлланилиши бизга яхши маълум. Зеро, дунёвий фанлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, фикр юритиш мавҳумлик асосида эмас, балки илмийлик асосида бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам воқеа-ҳодисаларни олдиндан мантиқий таҳлил қилган ҳолда билиш илмий билишнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Илмий таҳлил асосида у ёки бу воқеликни олдиндан билиш ва шу орқали унинг юзага келиши ва ривожланиш жараёнларини ўрганиш ҳамда ҳозирги ҳолатга нисбатан келгусида қандай шакл ёки ҳолатга ўтиши хусусида башорат қилиш илмийлик асосида кечмоғи лозим. Бинобарин, башорат

қилишнинг асосий шarti илмийликдир» №.

Ушбу илмий билишнинг муҳим белгиси сифатида Х.Ю.Кернер томонидан тузилган криминологик луғатда криминологияда илмий башорат қилиш шунчаки тахминлардан фарқли равишда объектив фактларга асосланиши, содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш сабабларини аниқ таҳлиллар ва фактларга асосланган ҳолда кечмоғи лозимлиги кўрсатилган.

Умумий жиноятчилик ёки унинг алоҳида турларининг олдини олишда жиноятчиликнинг ўсиши ҳақида прогностик маълумотларга эга бўлиш самарали омиллардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан жиноятларнинг статистик таҳлили, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш асосида криминологик башорат қилишда доимо долзарб мавзу бўлиб келган<sup>1</sup>.

Криминологик башоратлаш тушунчаси криминология фанида шу соҳа олимлари (профессорлар И. Исмаилов, З. С. Зарипов, К. Р. Абдурасулова, Й. Каракетов) томонидан кенг талқин қилинган

Аслида жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда жиноятларни келтириб чиқариши лозим бўлган омилларни барта-раф этиш каби жиноятларни профилактика қилишда криминологик башоратлашнинг ўрни ҳам ғоят муҳимдир.

Криминологик башоратлаш жиноятларнинг келажақдаги ҳолатини жамиятда содир бўлаётган жараёнлар, қонуниятлар асосида олдиндан айта билиш ёки маълум бир тоифадаги шахс томонидан жиноят содир этилиши эҳтимолини унинг ўзига хос жиҳатлари асосида олдиндан айта билишни ўз ичига олади.

\* Андижон вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

---

Мазкур тушунчани кенгроқ талқин этилса, криминологик башорат ўз вақтида жиноятнинг олдини олиш ва уни бартараф этишни талаб этувчи жамият учун хавфли бўлган ижтимоий қилмишларнинг юзага келиш жараёнини башорат қилиш, алоҳида турдаги жиноятларнинг хавфлилик даражасини ўрганиш, уларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади.

Криминологик башорат тадқиқот объектдан келиб чиққан ҳолда ўзининг мақсад ва вазифаларига эга. Башорат қилишдан асосий мақсад жиноятчиликнинг умумий ҳолати, миқёси, тизими, ўзига хос хусусиятлари ва динамикасини ўрганиш ҳамда уларнинг бўлаётган ўзгаришларга таъсирини, шунингдек, жиноятчилар шахсининг янги тоифаларга хос равишда шаклланишини билишдир.

Криминологик башорат қилиш, аввало бир қатор тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, олимлар томонидан ўрганилган.

Жумладан, мутахассис олим В.С. Бородиннинг фикрига кўра:

— ижтимоий ва иқтисодий ҳодисаларга хос бўлган тенденциялар, ижтимоий ривожланиш қонунларини билиш ҳамда жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш;

— маълум бир ҳудуддаги иқтисодий, маиший, маданий ва бошқа ўзига хос ҳаётий хусусиятларни ўрганиш;

— келгусида аҳоли турмуш даражасидаги ўзгаришлар таҳлили, демографик кўрсаткичлари (туғилиш ва ўлим, миграция, бандлик ва ҳоказо).

Криминологик башорат аввало жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан жиноятларнинг олдини олишга мўлжалланган. унинг асосини эса таҳлил ва ўрганиш натижасида башорат қилиш ташкил этади. Демак суд-ҳуқуқ ислохотлари замирида қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан айрим жиноий хатти-ҳаракатларнинг ҳам юзага келишини олдиндан билиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ғоят зарурдир.

Аниқ криминологик башоратлашнинг энг муҳим шарти бу ҳозирги даврда

криминологик башорат қилиш учун олинган жиноятчиликнинг аниқ статистик кўрсаткичи ҳисобланади.

Башоратлаш, ўз навбатида, жиноятчилик ва ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашишни режалаштириш учун тегишли амалий ечимлар қабул қилишда асосий омил ҳисобланади.

Бироқ криминологик башоратлаш натижасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ҳақида аниқ маълумотлар, тавсифи берилаётган шахснинг хатти-ҳаракатини ёритиб беришда ҳолатни тафсилотларига қадар аниқ баён этиш ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг кучайиши ҳамда жамиятга таъсир қилиш жараёнининг кескин пасайиши ҳолатларини тўлиқ ёритиб бермайди. Бироқ криминологик башорат қилишнинг асосий мақсади кўрсаткичларнинг аниқ сони ва салмоғини эмас, балки жиноят кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ривожланиш жараёнини, шунингдек, жиноий хатти-ҳаракат содир этувчи шахсларнинг табиати ва жиноятга сабаб бўлувчи омилларни аниқлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 2014 йил 14 январь кунги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай деб таъкидлайди: “Бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақланиб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани — буларнинг барчаси бизда чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар хатти-

---

ҳаракатларининг фаоллашув эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш асосий вазифа ҳисобланиши даркор”.

Ахборотнинг ишончилиги криминалогик башорат қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади. Турли фактларни етарли даражада баҳоламаслик ёки уларга ортиқча баҳо бериш, кўрилатган муаммони ёритишда ноаниқликка йўл қўйиш, тақдим қилинаётган таҳлилий ҳужжатнинг сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Фактларни тўғри танлаш (топиш), унинг муҳим жиҳатларини ажрата билиш, воқеликни тўғри ва чуқур тушуниб этиш ахборотнинг ишончилигини таъмин этувчи муҳим шартлар ҳисобланади.

Ахборотни ўз вақтида етказиб бериш талаби қолган барча соҳаларда илғор саналган аналитиклар учун тушуниб этиш қийин бўлган талаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш учун, биринчи навбатда, топшириқни ниҳоясига етказишнинг реал муддатларини белгилаб олиш зарур. Ортиқча шошма-шошарлик кўрилатган муаммонинг чуқур ўрганиб чиқилмаслигига олиб келади ва албатта, ахборот-таҳлилий ҳужжат савиясининг пасайишига сабаб бўлади.

Жиноятчиликнинг аҳволига доир статистик маълумотларни бир-бирига таққослаш орқали уларни муайян муддатга нисбатан олиш мумкин, лекин ижтимоий-иқтисодий, криминоген ҳолатларнинг олдиндан қандай муаммолар келтириб чиқаришини, унга қарши қандай чоратадбирлар қўллаш кераклигини ахборот-таҳлил гуруҳлари томонидан жамланаётган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида криминалогик башорат қилиш орқали белгилаб олиш зарур.

Ахборот-таҳлил гуруҳлари ишни тезкор маълумотларни олишда қуйидаги манбаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ташкил этадилар:

— узоқ муддатдан сўнг яшаш манзилларига қайтиб келган шахслар;

— аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи фуқаролар ва бошқа тоифадаги шахслар;

— МФЙ фаоллари, “кўчабоши”, ширкат ва уй бошқарувчилари, худудий газ, сув, электр таъминоти ходимлари;

— масжид имомлари, ноиб ва хизматчилар, таълим муассасалари, корхона-ташкилотлар ходимлари;

— ЖИЭМ инспекторлари ҳисобида турувчи синов муддатини ўтаётганлар, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар;

— ХЧК ва ФРБ инспекторлари, фуқаролик паспорти олиш, алмаштириш, рўйхатга қўйиш учун келган шахслар ва бошқа фуқаролар, МДХ ва чет давлатларда фуқаролик паспортларини йўқотган шахслар.

— ЁХБ ходимлари томонидан ёнғин хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтаётган хонадонлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ИИБ ЖТСБ рўйхатида турувчи ов қуролга эга бўлган шахслар, шунингдек муҳр, штампларни ўзгартириш мақсадида суҳбатдан ўтиш учун келган корхона, муассаса ва ташкилотлар, ЙПХ ва бошқа назорат масканларидан ўтаётган ҳайдовчи, йўловчилар;

— ички ишлар идораларининг собиқ ходимлари, ОАВ, спорт, маданият соҳаси вакиллари ҳамда “Нуроний” жамғармаси, жангчи-байналминалчилар, “Камолот” ЁИХ ва бошқа соҳалар.

Ушбу маълумотларда эса қуйидагилар акс эттирилади:

— ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи омилар;

— яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган ва қаердалиги номаълум бўлган шахслар, турли диний оқимларга қўшилиб қолган, чет давлатларда жиноят содир этган фуқаролар;

— узоқ муддатдан сўнг яшаш манзилларига қайтиб келган фуқаролар орасида тез фурсатда бадавлат бўлган, динга берилиб кетган ёки хатти-ҳаракатлари ўзгарган фуқаролар;

— фуқароларни ишлатиш мақсадида чет ва МДХ давлатларига жўнатаётган, олиб чиқиб кетаётган ёхуд одам савдоси билан шуғулланаётган шахслар, фоҳишахона сақлаш, фоҳишабозлик, қиморхона ташкил этиш, наркотик моддалар ёки контрабанда орқали айланма йўллар билан чегарадан сифатсиз маҳсулотларни олиб ўтиш билан шуғулланаётган шахслар;

---

— хужра, диний ўқишхонлик ва номозхона ташкил қилаётган шахслар ёки унга мойил бўлган фуқаролар, яшаш хонадонларини ижарага бериш билан шуғулланаётган фуқаролар ёки бошқа манзиллардан келиб ижара асосида яшаётган шахслар;

— жиноят содир этишга тайёрланаётган ёки жиноят содир этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари назаридан четда бўлган жиноятчилар, бедарак йўқолган шахслар, қидирувда бўлган жиноятчиларни яширинган жойлари;

— ноқонуний равишда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланаётганлар, қўлбола усулдаги иситиш жиҳозлари, газ сўргичлар тайёрлаш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлар, Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарорига зид равишда сифатсиз маҳсулотларни олиб кириш ва сотиш билан шуғулланаётганлар.

**«Ахборот-таҳлил гуруҳлари»нинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самардорлигини ошириш мақсадида, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:**

— ахборот-таҳлил гуруҳи тузиш бўйича бўлим бошлигининг буйруғи чиқарилганлиги ва хизматлардан ходимлар бириктирилганлиги ҳамда уларга вазифалар белгилаб берилганлиги;

— ахборот-таҳлил гуруҳларига хона ажратилганлиги ва шароитлар яратилганлиги;

— ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий ва криминоген вазиятларни ўрганиб борилиши, уларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, жиноятчилик, диний экстремизм, очилмаган жиноятлар, шубҳали тарзда турмуш кечираётган шахслар ва турли жиноятлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича ҳар куни олинаётган аҳамиятга молик тезкор маълумотларни таҳлил этиб борилиши ва таҳлилларга асосан таклифлар киритилиши ҳамда вилоят ИИБга тақдим этиб борилиши;

— олинаётган маълумотларга бўлим раҳбариятининг муносабати;

— олинаётган маълумотларни жамлаб бориш учун белгиланган тартибда йиғма-жилд юритилганлиги;

— ҳар бир соҳавий хизматлар кунлик, ҳафталик ва ойлик ишларининг таҳлил этиб борилиши аҳволи;

— ҳар бир профилактика инспекторининг кунлик ишлари таҳлил этиб борилаётганлиги;

— бўлим бошлиғи ҳузурида ахборот-таҳлил гуруҳи фаолиятининг муҳокама этиб борилиши ва вазифаларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Криминология Дарслик. — Т., 2006. — Б. 121.

<sup>2</sup> Кернер Х. Ю..Криминология: Словарь-справочник.— М.,1998.—Б.174.

**Криминологик башоратлашда ахборот-таҳлил жараёни тушунчаси ва аҳамияти.**

**Таянч иборалар:** криминологик башоратлаш, соҳавий хизматлар, криминоген ҳолат, ахборот-таҳлил гуруҳлари.

Мақолада криминологик башоратлашда ахборот-таҳлил жараёни тушунчаси ва аҳамияти ҳақида маълумот берилади. Соҳавий хизматларнинг жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикасида криминологик башоратлашдан фойдаланиши масалалари кўриб чиқилади.

**Notion and significance of information and analytical process in criminological forecasting.**

**Key words:** criminological forecasting, sectoral services, criminological conditions, information and analytical teams.

The article deals with the content of notion and significance of information analytical process in criminological forecasting. The questions of application of criminological forecasting by the sectoral services in prevention of crime are considered.

**Понятие и значение информационно-аналитического процесса в криминологическом прогнозировании.**

**Ключевые слова:** криминологическое прогнозирование, отраслевые службы, криминологическая обстановка, информационно-аналитические группы.

В статье раскрывается содержание понятия и значение информационно-аналитического процесса в криминологическом прогнозировании. Рассматриваются вопросы применения отраслевыми службами криминологического прогнозирования в предупреждении и профилактики преступлений

## ЁШЛАРНИ НОСОҒЛОМ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир етук мутахассис ёшлар Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган қудратли кучдир. Ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муҳим ўрин тутди. Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш уларни маданий, маънавий, жисмоний ва руҳий камол топтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бунинг яққол далилидир. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятли ҳамда теран тафаккур соҳиблари бўлиб вояга етишида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февраль ва жорий йил 19 февралда қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги<sup>1</sup> қарорлари бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Айни вақтда жамиятимизда маънавият ва маърифатни янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя йўналишларида ислохотларни

тобора такомиллаштириш масаласи доимий эътибордадир.

Давлатимиз сиёсатининг бош мақсади — юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг тинч, осуда ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборат.

Мустақиллик туфайли жамиятимиз аъзолари тафаккурида, сиёсий хулқ-атворида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятининг юксалишига асос бўлиб хизмат қилувчи фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш ғояси ўз аксини топди. Бугун мамлакатимизда ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган, ўз шахсий манфаатларидан мамлакат ва халқ манфаатларини устун қўювчи, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билувчи ватанпарвар ёшлар шаклланмоқда. Ёшларнинг билим олиши, ўзини барча соҳаларда намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузада, “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият-демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир”, деган фикрлари ушбу масаланинг

\* Мустақил тадқиқотчи.

---

---

бугунги кунда нечоғлик долзарб эканлигини кўрсатади.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда<sup>2</sup> белгиланган қоидаларга мувофиқ, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб этувчи барча хатти-ҳаракатлар тақиқланган. Ушбу меъёрни янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги, яъни 1891-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, республика ҳудудига олиб кириш, тарқатиш ва реклама қилиш, намойиш этиш тақиқланади. Бу хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан кодекснинг 189-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши ва барча воситалар мусодара қилиниши белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқбузарликлар ва маънавий ахлоқимизга зид жиноятлар содир этган шахслар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ахборот асри деб ном олган бир даврда долзарб вазифа ҳисобланади. Дарҳақиқат, Жиноят кодексининг 130-моддаси такомиллаштирилиб, янги таҳрирда берилган. Унга асосан, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш ва намойиш этиш билан боғлиқ ҳаракатларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилиб, янги киритилган 1301-моддага асосан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо белгиланиши баркамол авлод келажагининг ҳуқуқий кафолатидан далолат беради.

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, психологик ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифалар сирасига кириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 июнь – Оммавий ахборот ходимлари куни муносабати билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон

почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланган эди. Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган гаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган эди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларни олдини олишнинг битта йўли борлиги, яъни, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа, деб билмаслигимиз кераклигига алоҳида урғу берилганди.

Дарҳақиқат, сиёсий модернизация жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет, мобиль алоқа, компьютер ўйинларидан фойдаланувчилар, видео ва кино маҳсулотларининг истеъмолчилари керакли маълумотлар билан бир қаторда, киши онгига салбий таъсир ўтказувчи, жамиятнинг ахлоқий, маънавий-руҳий қонун-қоидаларига зид, миллий менталитетимизга мутлақо мос бўлмаган шафқатсизлик, зўравонлик ва бошқа иллатларни тарғиб этувчи ахборотларга ҳам дуч келаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатлар, айниқса, вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний ривожланишига жиддий путур етказди<sup>3</sup>.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Концепция”да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларни изчил амалга ошириш борсида вояга етмаганларнинг ахборот хавфсиз-



---

лигини таъминлаш, уларни маънавий-ахлоқий характерга эга бўлган хавф-хатарларнинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Шу маънода вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият институтларининг фаолияти самарадорлигини оширишга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларни салбий ҳарактерга эга бўлган ахборотлардан ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим институционал механизми сифатида миллий қонунчилигимизда тегишли ҳуқуқий базани шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш заруратини бугунги тезкор даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўпинча болалар учун алоҳида хавф туғдирадиган ахборот маҳсулотларини ўз ичига қамраб олмаган қонун ости актлари, ички идоравий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар билангина тартибга солинмоқда. Мобиль алоқа воситалари, компьютер ва электрон ўйинлар, оммавий кўнгилочар тадбирлар ёрдамида тарқатиладиган ахборотлар, турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган босма, аудиовизуал ва электрон маҳсулотларнинг мазмунига қўйилиши лозим бўлган талаблар алоҳида қонун билан мустаҳкамланмаган.

Вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ўзининг долзарблиги ва бу муаммо халқаро амалиётда қонун йўли билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, болаларни зарарли ахборотлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган, ёшларга салбий таъсир ўтказувчи ахборот маҳсулотларини қонун йўли билан тартибга солишнинг замонавий хорижий амалиётидан келиб чиқиб, шунингдек БМТнинг болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш соҳасидаги ҳужжатлари, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг “Вояга етмаганлар учун хавфсиз бўлган Интернет ва онлайн ресурсларини жорий қилиш тўғрисида”ги тавсияномаси талаблари инобатга олинган, “Вояга етмаганларни жисмоний ва маънавий

тарбиясига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши кун тартибидаги муҳим масаладир. АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Италия, Португалия, Руминия, Польша, Япония ва бошқа қатор ривожланган демократик давлатларда болалар ва ўсмирлар орасида уларнинг соғлиги ва ривожини учун зарарли бўлган ахборотларни тарқатишга чекловлар ва ман этувчи қонунлар жорий қилинган.

Шунингдек, бу турдаги ахборотлар экспертизаси ва унинг болаларнинг ёшига қараб тавсифланиши ўтказилади. Болалар ва катталар учун кўрсатувларни намойиш қилишда махсус соатлар ажратилган бўлиб, болаларни салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича махсус назорат органлари таъсис этилган ҳамда вояга етмаганлар орасида ноқонуний ахборот маҳсулотларининг айланмаси учун қатъий жавобгарлик ўрнатилган.

Фикримизча, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ҳисобланувчи болаларнинг фаровонлигига путур етказувчи маълумотлардан ҳимоялаш, зўрлик ва шафқатсизлик, наркотик моддаларни истеъмол қилишга даъват этиш ёки порнографик мазмунга эга бўлган маълумотларга керакли чекловларни ўрнатиш каби нормалар ҳам ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги глобаллашув жараёнларида ахборот олами билан ёшлар ўртасига қандайдир девор ўрнатиб бўлмаслиги, бироқ фарзандларимизни чалғитишга, тўғри йўлдан тойдиришга қаратилган информация таҳдидлардан, ғаразли ахборот хуружларидан ҳимоялаш чораларини кўриш долзарб вазифадир.

Шу маънода, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни тартибга солиш ва ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, ёшларни салбий таъсир ўтказувчи маълумотлардан муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ваколатли органлар ва ўқув-тарбия муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам муҳим вазифалардан саналади.

---

Дарҳақиқат, “ўояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан” баҳсга киришиш, олишишгина мумкинлиги диққат-эътиборимизда бўлиши керак. Ахборот маконида турли таҳдидлар бор экан, келажагимиз ворисларининг эртанги тақдирини ўйлаб, ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш давр тақозосидир. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги асосий омиллардан фойдаланиш зарур:

ҳар биримиз фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашимиз учун уларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, ёш авлоднинг соғлиги ва маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмунидаги ахборот оқимидан ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида алоҳида “Хавфсиз Интернет” дастурини ишлаб чиқиш;

ёшларни мустақил фикрлайдиган, ахборотни фарқлай оладиган инсонлар бўлиб етишишида олиб бораётган тарбиявий

ишларимизни янада кучайтириш;

Энг ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, турли носоғлом ғояларга қарши ҳаракат тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

бугун шиддат билан ривожланиб бораётган соҳага оид қонунчиликни ҳам шунга мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш;

ёшлар тарбиясига мутасадди бўлган барча марказий ва маҳаллий ташкилот ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билиш ҳамда ёш авлоднинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кенг миқёсда рўёбга чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги масъулиятини оширишни давр тақозо этмоқда<sup>4</sup>.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, халқимиз азалдан фарзанд тарбиясини энг нозик ва масъулиятли вазифа деб билади. Шу муносабат билан, миллий қонунчилигимизнинг мунтазам такомиллашиб бориши, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва бу борада жавобгарликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. – №9. – 87-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. – №2. – 80-м.

<sup>3</sup> <http://parliament.gov.uz/>

<sup>4</sup> <http://www.natlib.uz/>

**Б. Валиев. Ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари.**

**Таянч иборалар:** ёшлар, ахборот, ҳимоя, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар.

Мақолада ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти алоҳида қайд этилган.

**Problems of further improvement of organizational and legal mechanism of protecting the youth from negative information**

**Key words:** youth, information, protection from negative information, organizational and legal mechanisms

The article deals with the questions of improvement of organizational and legal mechanism of protecting the youth from negative information and the significance of legal education in formation of legal culture in youth.

**Б. Валиев. Вопросы дальнейшего совершенствования организационно-правовых механизмов защиты молодежи от нездоровой информации.**

**Ключевые слова:** молодежь, информация, защита от негативной информации, организационно-правовые механизмы.

В статье рассмотрены вопросы совершенствования организационно-правовых механизмов защиты молодежи от негативной информации, раскрывается значение правового воспитания в формировании правовой культуры молодежи.

## РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОЛЕГАЛ ИМПОРТГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳўжалигида ўз ўрнини эгаллашида мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг мустаҳкамлиги, ҳаётий муҳим манфаатларининг доимий ҳимояланганлиги устувор масала бўлиб қолмоқда. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг барқарорлигини, жамият турмушининг самарадорлигини таъминлаш кафолати бўлиб, миллий хавфсизликнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ташқи иқтисодий хавфсизлик (ТИХ) иқтисодий хавфсизликнинг энг муҳим таркибий элементи бўлса, нолегал импортга қарши курашиш механизмини яратиш эса ташқи иқтисодий хавфсизликни самарали таъминлаш гарови бўлиб хизмат қилади.

**Н о л е г а л и м п о р т** тушунчаси хорижий адабиётларда норасмий импорт, параллел импорт, кулранг, қора импорт ва контрабанда тарзида талқин қилинган. Қисқача айтганда, нолегал импорт (clandestine importation) — контрабанда йўли билан товар ва бошқа қимматликларни олиб ўтиш демакдир.

**Норасмий импорт** — бу мамлакатга четдан гайриқонуний йўллар билан товар олиб кириш, кулранг импорт, параллел импорт, қора импорт ёки ушбу усул ва йўллар орқали четдан олиб кирилган товар маъноларини англатади.

**Параллел импорт** — “бренд” товарларини товар эгасининг рухсатисиз, муаллифлик ва интеллектуал мулк ҳуқуқини бузган ҳолда параллел каналлар орқали мамлакат божхона ҳудудига олиб киришдир.

**Кулранг импорт** — бу тариф тўловларини пасайтирган ҳолда ёлгон декларация орқали мамлакатга четдан товар олиб кириш. Божхона ва Жиноят кодекслари нуқтаи назаридан — бу легал товар олиб кириш билан ниқобланган контрабанда..

**Оқ ёки легал импорт** — божхона тўловлари тўлиғича тўланган, товарнинг йўл-кузатув ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилган тегишли давлат муассасаларида рўйхатдан ўтган ва улар томонидан рухсат берилган тадбиркорлик субъектининг мамлакатга четдан товар олиб кириши ёки ушбу йўл орқали олиб кирилган товар тушунилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, хориждан товар олиб келиш йўлларини шартли равишда учга бўлиш мумкин:

**Оқ усул** бу тўланиши лозим бўлган барча тўловлар (солиқлар, божлар ва йиғимлар) тўланган мутлақ легал импортдир. Бу каби бизнес, деярли тўлиқ хавфсиз, бироқ, ўта қиммат ва аксарият ҳолларда рақобатга дош бера олмайди.

**Қора усул** моҳиятан контрабанда таркибига киради. Бу товарларни декларациясиз, божхона расмийлаштирувисиз ва давлат бюджетига тўловлар тўламасдан олиб кириш демакдир. Мазкур бизнеснинг жиноят-ҳуқуқий тусдалиги ва юқори даражада таваккалга асосланганлиги турли хил йиғим, бож ва солиқлардан тўлиқ иқтисод қилиниши ҳисобига қопланади. Бу каби бизнесда ягона чиқим мавжуд бўлиб, у пора ва жиноий гуруҳларга тўланадиган товонлардир.

**Кулранг усул** бу юқорида келтирилган усуллар ўртасида бўлган ва улар билан муайян даражада боғлиқ (компромисс) ҳолда импорт юритишдир. Бунда божхона тўловлари чекланган миқдорда тўланади. Ушбу усулнинг асосий хусусияти шундаки, бунда божхона қиймати ёки товар миқдори камайтиради.

Кулранг импортда Божхона кодекси талабларига зид равишда расмийлаштирилган ва сотувчининг буюм сифатини

\* Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институти бошлигининг биринчи ўринбосари.

тасдиқловчи кафолат талони, истеъмомчининг кафолатли ва сервис хизмат кўрсатишга бўлган ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ёлғон декларация ҳисобига тариф тўловлари пасайтирилган ҳолда, мамлакатга четдан норасмий канал орқали олиб кирилган товар ҳам тушунилади. Мазкур ҳолатда товарнинг божхона баҳоси сунъий равишда пасайтирилади, солиққа тортиладиган база ва ўз навбатида, товарнинг таннари туширилади. Кулранг импорт баъзан параллел импорт маъносида ҳам қўлланилиб, унга кўра, ҳуқуқдорнинг рухсатисиз асл (оригинал) товарни у ёки бу мамлакатга етказиб бериш тушунилади. Кулранг импорт айрим ҳолларда контрафактга тенглаштирилиб, бунинг оқибатида товар эгаси кўзлаган фойдасига эриша олмаслиги, нархи демпингига сабаб бўлиши, товар эгаси ва товар етказувчилар (дистрибьютор)нинг ўзаро муносабатларининг бузилиши билан изоҳланади.

Нолегал импорт хуфиёна иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хуфиёна иқтисодиёт деганда, — бу мамлакатда хўжалик субъектлари ва жамоавий ишлаб чиқариш жараёнида яратилиб, турли хил расмий ва норасмий йўллар билан топилган бойликларни расмий ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш ҳисобига олинган даромадларнинг йиғиндиси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Бошқача айтганда, хуфиёна иқтисодиёт - бу амалдаги қонунчиликка зид равишда, яъни ўзида нолегал хўжалик фаолиятини акс эттирадиган, турли даражадаги оғирликда намоён бўладиган ҳуқуқбузарликни ифодаловчи иқтисодий фаолиятдир<sup>2</sup>.

Нолегал импорт мамлакат иқтисодий манфаатларига зарар келтиради. Бунда фискал вазифалар бажарилмаса, сифатсиз товар кириб келиши натижасида истеъмомчилар ҳуқуқи бузилади.

Унинг таъсирида:

биринчидан, импорт маҳсулотлари миқдори ошиши орқали савдо балансига салбий таъсир этади ва манфий сальдо қайд этилади;

иккинчидан, бюджетни тўлдириш бўйича истиқбол режа бажарилмай қолади. Натижада, мамлакатнинг кам таъминланган қатлами учун мўлжалланган нафақа ва бошқа ажратмалар ўз вақтида берилмайди;

учинчидан, бюджетдан маблағ билан таъминланувчи аҳолининг бу истеъмом

товарларининг нархи қимматлиги туфайли сотиб олишга қурби етмайди;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқаришга салбий таъсир этади. Ноқонуний тарзда олиб кирилган товар шунга ўхшаш маҳаллий товар нархи ва унинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади;

бешинчидан, мазкур фаолият хуфиёна иқтисодиёт ва коррупциянинг ривожланишига шароит яратади.

Бундан ташқари, нолегал импорт қатор салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Хусусан:

солиқ ва божхона соҳасини издан чиқаради. Бунда солиқ юкининг тақсимотига таъсир этиш орқали, бюджет харажатларининг қисқаришига ва унинг тузилмаси бузилишига олиб келади. Иқтисодий фаолиятни назорат қилишдан яшириш ва солиқ, божхона тўловлари ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлашга қонунга итоат этувчи солиқ тўловчилардан солиқ ундиришни кўпайтиришга мажбур этади. Бу эса қонунга итоат этувчилар сонининг қисқариши, солиқ ундириладиган даромадларни яшириш рағбатлантирилиб, даромадлар ва мулкларни нооқилона дифференциация қилинишини кучайтиради;

бюджет соҳасининг инқирозига олиб келади. Бу давлат бюджети харажатларининг қисқариши ва унинг тузилмаси бузилиши орқали намоён бўлади. Бюджет даромадларини қисқариши давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиш институтларининг (назорат қилувчи, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа органлар) етарлича молиялаштирилмаслигига, уларнинг кучсизланиши ва таназзулига сабаб бўлади, бу эса ижтимоий дастурларнинг молиялаштирилмаслигига, мамлакатнинг инқирозга юз тутишига олиб келади.

Янги иқтисодий шароитларда жиноятчилар ўзларининг гаразли мақсадларини амалга ошириш учун кўпроқ даромад келтирувчи йўналишларга суқилиб кирмоқда. Жумладан, улар кенг миқёсда нолегал импорт билан шуғулланмоқда. Нолегал импорт билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши оқибатида хорижий банкларда валюта маблағлари қолиб кетмоқда, чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси учун ишлаб, уюшган жиноятчиликни молиялаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш учун дастлаб, нолегал импорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни таснифлаш, унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ташкилий муаммоларига аниқлик киритиш катта аҳамият касб этади.

*Нолегал импорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар таснифи.* Нолегал импорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жорий амалиётдан келиб чиққан ҳолда содир этилишига кўра шартли равишда икки синфга:

*биринчидан*, товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратини четлаб ёки яшириб чегарадан олиб кириш;

*иккинчидан*, ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) соҳасидаги криминал операцияларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасининг биринчи диспозициясида “Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш” тарзда кўрсатилган бўлиб, бунда нолегал импорт ва нолегал экспорт ҳам назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 7-моддасига кўра, божхона чегарасидан олиб ўтиш — товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш тармоқларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга ошириш.

ТИФ соҳасида содир этиладиган криминал операцияларни қуйидаги асосларга мувофиқ таснифлаш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) мувофиқ ТИФ соҳасидаги жиноятларга: ЖКнинг “Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш” (175-м.); “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш” (177-м.); “Чет эл валютасини яшириш” (178-м.); “Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш” (184-м.) ва бошқа моддаларида кўрсатилган

иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти соҳасидаги бошқа жиноятлар (185<sup>1</sup>, 186<sup>1</sup>, 186<sup>3</sup>м.), шунингдек, - “Жиноий йўл билан киритилган даромадларни легализация қилиш” (243-м.) каби жиноятларни киритиш мумкин<sup>3</sup>.

2. ТИФ тури бўйича таснифлаш: а) ташқи савдо; б) чет эл инвестициялари; в) иқтисодий зоналар; г) оффшор бизнеси; д) товар ва юкларни ташиш<sup>4</sup>га бўлинади.

3. ТИФ босқичлари бўйича таснифлаш: а) шартномаларни тузиш босқичи; б) божхона расмийлаштируви босқичи (декларация қилишдан бошлаб товарларни эркин муомалага чиқаришгача); в) товарларни республика ҳудуди бўйича ташиш (транзит, божхона кузатуви остида етказиб бериш); г) контрактлар бўйича контрагентлар томонидан ўзаро ҳисоб-китоб қилишга бўлинади..

Мазкур тасниф бўйича нолегал импорт билан боғлиқ ТИФ соҳасидаги жиноятлар турли йўллар ва усуллар орқали содир этилади. ТИФ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиши бўйича қуйидагича таснифланади:

товарларни декларация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (товарларни декларация қилмасдан ёки нотўғри декларация қилган ҳолда олиб кириш);

божхона режимлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (ёлғон импорт, транзит, экспорт; республика ҳудудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқмаслик ёки қайтармаслик);

божхона тўловлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (товарларнинг миқдори, вазни, нави, синфи ва ТИФ ТН коди тўғрисида сохта маълумот тақдим қилиш, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиш, божхона қийматини пасайтириб ёки ошириб кўрсатиш, валюта тушумларини репатриация қилмаслик, контрактларда шартнома предмети нархини ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш, чет эл банкларида назоратсиз валюта маблағларини тўплаб ўзлаштириш, божхона чегарасидан товарларни инсонпарварлик ёрдами сифатида ўтказиш, сохта фирмалар тузиш);

божхона назорати билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (божхона расмийлаштируви тугамаган товар ва транспорт воситаларига

эгаллик қилиш ёки божхона органларининг рухсатини олмасдан, улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш).

Нолегал импортга қарши курашиш бўйича турли хил қарашлар мавжуд. Бунинг учун биринчидан, бу каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш учун ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни зарур деб ҳисобланса, иккинчидан, муаммони ҳуфиёна иқтисодиёт билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб, уни баргараф этиш мақсадида зарур сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўриш лозимлиги илгари сурилади.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистонда нолегал импортга қарши самарали курашишда ТИФни тартибга солишни такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. ТИФни такомиллаштиришда эса протекционизм сиёсатидан босқичма-босқич воз кечиш, алоҳида субъектларга берилган махсус имтиёзларни қисман бекор қилиш ва ТИФ қатнашчиларига товарларни импорт қилишда бир хил, тенг шароит яратиш масаласи ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур йўналишда қуйидаги мақсадли чоратadbирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

**Ташкилий-бошқарув соҳасида:** ТИФ соҳасида алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга берилган махсус имтиёзларни бекор қилиш ёки улар билан тенг даражада рақобат қила оладиган ва бир хил йўналишда фаолият кўрсатадиган шундай имтиёзли муқобил субъектлар сонини кўпайтириш;

ташқи савдо операциялари жараёнида ҳамда ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо беришда давлат ва аҳоли позицияларидан туриб ёндашишни тартибга солиш мақсадида “Ташқи иқтисодий сиёсат концепцияси (стратегияси)”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

нолегал импортга қарши курашишни мувофиқлаштириш, уларни ноқонуний олиб киришда аниқланган ҳолатлар ва товарлар қиймати ҳисобини юритиш, нолегал импорт ҳажмини аниқлаш ва бу иш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда шу каби масалаларни ДБҚга юклаш;

ДБҚ ташқи савдо божхона статистикаси маълумотларини Марказий банк, Молия

вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан солиштирувини изчиллик билан йўлга қўйиш;

ТИФ субъектлари учун уларга турли маслаҳатлар, ахборот ва маълумотлар етказиб беришни таъминловчи алоҳида ахборот марказлари ташкил қилиш.

**Божхона назорати ва божхона расмийлаштируви йўналишида:**

декларантлар фаолиятини назорат қилишни ДБҚдан соқит қилиш ва мустақил декларантлар уюшмасига ўтказиш, ушбу уюшма фаолияти назоратини ДБҚга юклаш-ни назарда тутувчи механизмни жорий этиш;

ДБҚ ва “Ўзстандарт” агентлигининг лабораторияларини техник ва технологик жиҳатдан қайта модернизация қилиш;

Хавф ва хавфни бошқариш миллий тизимини Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва Бутунжаҳон божхона ташкилоти талабларига мувофиқлаштириш;

божхона назоратидан сўнгги назорат, яъни товарнинг чиқишига рухсат берилганидан кейин амалга ошириладиган божхона аудитини олиб бориш;

импорт операцияларини амалга оширишда вақт бўйича йўқотишлар ва чиқимларни қисқартириш, оргиқча талабларга (рухсатнома ва сертификат) барҳам бериш;

“бир ойна” механизмининг кенг қўллаш, “ДБҚ Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” (ДБҚ ЯААТ) имкониятларидан унумли фойдаланиш ва бошқалар.

**Божхона тўловлари соҳасида:** бож-тариф сиёсатини ишлаб чиқишда бевосита масъул бўлган Идоралараро бож-тариф кенгаши ва экспертлар гуруҳи таркибида ижтимоий ҳимоя соҳасига бевосита дахлдор бўлган давлат идоралари ходимларини ҳам киритиш;

асосий контрагент давлатлар билан икки томонлама солиққа тортишдан воз кечиш ҳақида ҳамда товар келиб чиққан мамлакат сертификатининг ҳаққонийлигини аниқлаш ва ТИФ соҳасида халқаро сўровномалар билан ишлаш бўйича битимлар тузиш;

протекционизм сиёсатини либераллаштириш мақсадида божхона тарифи ставкаларини ЖБТ талабларига мослаштириш, божхона тарифини дифференциация қилиш ва бошқалар.

**Меъорий-ҳуқуқий соҳада:** сифатсиз контрафакт товарлар кириб келишининг тартибга солиш мақсадида “Контрафакт

---

товарлар тўғрисида”ги қонунни ва Ўзбекистон шароитида параллел импортга рухсат бермаслик бўйича Вазирлар Маъжасининг қарорини қабул қилиш;

божхона назоратини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида, “Божхона ҳудуди ва божхона чегараси ҳақида”, “Божхона бошқаруви ҳақида”ги қонунларни қабул қилиш;

мансабдор шахслар масъулиятини ошириш ва коррупцияга қарши курашни кучайтириш мақсадида, “Коррупция ҳақида”, “Миллий хавфсизлик ҳақида”, “Уюшган жиноятчилик ҳақида”, “Давлат хизмати ҳақида”ги қонунларни қабул қилиш давр талабидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси//Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-ҳуқуқий тизими “Lex.uz”, 2014.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси //Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-ҳуқуқий тизими “Lex.uz”, 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-ҳуқуқий тизими “Lex.uz”, 2014.

---

5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-ҳуқуқий тизими“Lex.uz”, 2014.

6. Преступность в сфере ВЭД/В. Ларичев, Е.Милякина и др.: Под ред. В. Ларичева. – М., 2002. –С. 206.

7. Тенева экономика: Учебное пособие для вузов/ Латов Ю.В., Ковалев С.Н. и др.; Под ред.В.Я. Кикотя. – М., 2006. –С. 14.

8. Вафин А.Р. Тенева экономика – как один из аспектов внутренних угроз экономической безопасности Республики Узбекистан. – Т., 2003.

9. Ачилов А.Т. Божхона органларининг тезкор қидирув ва суриштирув фаолиятида ТИФ соҳасидаги жиноятларни ҳуқуқий тавсифлаш масалалари //Ўз.Р.да божхона тизимининг ривожланиши ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2013 йил 16 май. – Т., 2013. –Б.119-122.

---

<sup>1</sup> Вафин А.Р. Тенева экономика – как один из аспектов внутренних угроз безопасности Республики Узбекистан.– Т., 2003.

<sup>2</sup> Ҳолиқуллов Ш.Ж. Хуфиёна иқтисодиёт ва унга қарши курашда халқаро тажриба (Марказий Осиё давлатлари мисолида).– Т., 2010.

<sup>3</sup> Ачилов А.Т. Божхона органларининг тезкор қидирув ва суриштирув фаолиятида ТИФ соҳасидаги жиноятларни ҳуқуқий тавсифлаш масалалари//Ўзбекистон Республикасида божхона тизимининг ривожланиши ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси. материаллари. тўплами 2013 йил 16 май.: – Т., 2013.– Б.119-122.

<sup>4</sup> Преступность в сфере ВЭД/ В. Ларичев, Е.Милякина ва б.; В.Ларичев таҳрири остида – М., 2002. – С. 206 .

**А. Суюнов. Республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нолегал импортга қарши курашнинг аҳамияти.**

**Таянч иборалар:** импорт, нолегал импортга қарши кураш, иқтисодий хавфсизлик.

Мақолада республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нолегал импортга қарши курашнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

**Significance of fighting against illegal import in ensuring the economic security of the republic.**

**Key words:** import, fighting against illegal import, economical security.

The article deals with actual problems of fighting against illegal import directed at ensuring the economical security of the Republic of Uzbekistan.

**А. Суюнов. Значение борьбы с нелегальным импортом в обеспечении экономической безопасности республики.**

**Ключевые слова:** импорт, борьба с нелегальным импортом, экономическая безопасность

В статье рассматриваются актуальные проблемы борьбы с нелегальным импортом, направленной на обеспечение экономической безопасности Республики Узбекистан.

## ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, мансабдорлик жиноятлари орасида порахўрлик жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланади. Порахўрликни ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги бугунги кунда жамият ва давлат турмуш фаолиятининг кўпгина соҳалари: ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳатто ҳокимият ва бошқарув органларига ҳам кириб борганлиги, мазкур жиноятлар давлат ва жамият аппарати нормал фаолиятининг бузилишига, улар обрўсининг тушишига, фуқароларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончининг сўнишига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий, хусусан, молиявий, хўжалик муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши порахўрлик жиноятларининг содир этилиш усуллари такомиллашувига замин яратмоқда. Банк ва бошқа молиявий тузилмалар, суғурта компаниялари имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳамон тез-тез учраб туради. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислон Каримов ҳам «... кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди»<sup>1</sup> дея, қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мураса қилишга чек қўйишнинг вақти келганлигини<sup>2</sup> таъкидлайди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда порахўрликка қарши кураш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, Ўзбекистон

Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг қабул қилиниши бунинг яққол тасдиғидир.

Мазкур қонун билан амалдаги олтита кодексга ҳамда йигирма битта қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-(Пора бериш) ва 212-(Пора олиш-беришда воситачилик қилиш) моддаларининг матни янги таҳрирда қабул қилиниб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалари сезиларли даражада такомиллаштирилди ва буни қўйидагиларда кўриш мумкин:

*биринчидан*, пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг биринчи қисм санкциясидан муқобил жазо тури сифатида берилган «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» ва «олти ойгача қамоқ» жазолари чиқариб ташланди ҳамда мазкур санкциядаги жарима жазосининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача (олдинги таҳрирда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача эди) миқдорда белгиланди;

*иккинчидан*, пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги озодликдан маҳрум қилиш

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси



---

жазосининг муддатлари ўзгартирилди. Жумладан, биринчи қисмда беш йилгача (олдинги таҳрирда уч йилгача эди), иккинчи қисмда беш йилдан ўн йилгача (олдинги таҳрирда уч йилдан беш йилгача эди), учинчи қисмда ўн йилдан ўн беш йилгача (олдинги таҳрирда пора берганлик учун беш йилдан ўн йилгача, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун беш йилдан саккиз йилгача эди) этиб белгиланди. Бунинг натижасида ушбу нормаларнинг биринчи қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятдан унча оғир бўлмаган жиноятлар, иккинчи қисми унча оғир бўлмаган жиноятдан оғир жиноятлар, учинчи қисми оғир жиноятдан ўта оғир жиноятлар таснифига киритилди;

*учинчидан*, пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган моддаларнинг тўртинчи қисмидаги пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш шартлари ўзгартирилди. Мазкур нормалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг қуйидаги шартларини ажратиш мумкин:

а) шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганлиги;

б) пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида арз қилиши;

в) пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг ўз ихтиёри билан арз қилиши;

г) пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши.

Ушбу шартларнинг барчаси аниқланган тақдирдагина пора берган шахсга нисбатан ушбу рағбатлантирувчи норма қўлланилади. Агар ушбу шартлардан бирортаси мавжуд

бўлмаса (масалан, пора берган шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ваколатли органга ўттиз сутка мобайнида арз қилиши билан арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган, бироқ унга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинмаган бўлса) шахсга нисбатан мазкур рағбатлантирувчи норма қўлланилмайди.

Шу ўринда *шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганлиги* деганда, мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасдан тушириш тушунилади. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юрларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди<sup>3</sup>.

Пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг яна бир шarti, ушбу жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин унинг бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида арз қилиши ҳисобланади. Ушбу шартда назарда тутилган муддатлар ЖПКнинг 314-моддаси талаблари асосида ҳисобланади. Яъни муддатни ҳисоблашда, жиноий ҳаракат содир этилган сутка ҳисобга олинмайди ва эртаси кундан бошлаб ўттиз сутка муддат ўтиши бошланади. Бунда ўттиз сутка дам олиш кунларини ҳам эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Муддатнинг охириги суткаси аризани қабул қилаётган органнинг иш вақти тамом бўлиши билан тугайди. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди.

*Ўз ихтиёри билан арз қилиши деганда*, пора берган ёки пора олиш-беришда

---

воситачилик қилган шахнинг ўз ихтиёри билан (ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли ҳолда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга пора берганлиги ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлиги ҳақида ҳар қандай шаклда (ёзма ёки оғзаки) арз қилиши тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлган пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳолатлари юзасидан берилган ариза шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди. Бундай шахнинг жавобгарлик масаласи умумий тартибда ҳал қилиниши лозим.

*Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш деганда*, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган шахс ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб, содир этилган жиноят ҳолатлари ҳақида арз қилиши, қилмишидан пушаймонлигини билдириши, жиноятни очишга ёки унинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, шахнинг мансабдор шахсга пора берганлиги ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиши бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олинганлиги ёки пора бериш жинояти содир этилганлиги ҳақида арз қилиш ҳисобланганлиги боис, ваколатли мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий арз қилаётган шахсларга ЖКнинг 237-моддасида назарда тутилган ёлғон хабар берганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тушунтирилиши шарт<sup>4</sup>.

Пора берган шахнинг Жиноят кодекси 211-моддасининг 4-қисмига асосан жавобгарликдан озод қилиниши, унинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқлигини аниқламайди. Шунинг учун у жабрланувчи сифатида эътироф этилмайди ва пора тариқасида берган қимматликларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди<sup>5</sup>.

---

Порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларга киритилган юқорида баён этилган ўзгартиш ва кўшимчалар ушбу нормаларини такомиллашуви ўз ниҳоясига етказилди, деб хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Зеро, жиноятчилик муайян давр шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради ва унга қарши кураш самарадорлигини ошириш бевосита ушбу жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни такомиллаштиришда чет эл қонунчилиги ва ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Ҳозир амалда бўлган чет эл жиноят қонунчилиги ва ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, деярли барча давлатларнинг жиноят қонунларида порахўрлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар мавжуд. Масалан, Эстония (ЖК 164-165-м.м.), Россия (ЖК 290-291.1-м.м.), Беларусь (ЖК 430-432-м.м.), Молдова (ЖК 333-334-м.м.), Грузия (ЖК 338-339-м.м.), Қирғизистон (ЖК 313.1-314-м.м.), Қозоғистон (ЖК 311-313-м.м.), Тожикистон (ЖК 319-320-м.м.), Туркманстон (ЖК 184-186-м.м.), Украина (ЖК 368, 369-м.м.), Озарбайжон (ЖК 311-312-м.м.), Арманистон (ЖК 311-313-м.м.) ва бошқалар шулар жумласидан.

Юқорида номлари зикр этилган давлатларнинг жиноят қонунчилигида порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни миллий жиноят қонунчилигимизда шу каби қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган нормалар билан қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

— Эстония Жиноят кодекси 164-моддаси (Пора олиш)да пора олган шахс муайян ҳаракатни пора берган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши (бажармаслиги)дан олдин бу ҳақда биринчи бўлиб ўз ихтиёри билан ёзма равишда арз қилса жазодан озод қилинишини назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма мавжуд бўлиб, миллий жиноят

---

қонунчилигимизда бундай рағбатлантирувчи норма белгиланмаган;

– Арманистон (ЖК 311-м.) ва Қозоғистон (ЖК 311-м.) жиноят қонунларининг пора олиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларида мансабдор шахс томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган совғанинг юқори миқдор чегараси белгилаб қўйилган;

– мамлакатимиз Жиноят кодекси 211-моддасининг 4-қисмидаги пора берган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормани қўллаш шарти сифатида шахсга пора сўраб товламачилик қилинганлиги «**ва**» ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, Россия (ЖК 291-м.м.), Грузия (ЖК 339-м.), Қирғизистон (ЖК 314-м.), Қозоғистон (ЖК 312-м.), Туркманстон (ЖК 185-м.), Озарбайжон (ЖК 312-м.), Арманистон (ЖК 312-м.) жиноят қонунларининг пора берган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормаларини қўллаш шарти сифатида шахсга пора сўраб товламачилик қилинганлиги «**ёки**» ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилиши назарда тутилган;

– мамлакатимиз Жиноят кодекси 211-моддасининг 4-қисмидаги пора берган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормада пора берган шахс бу ҳақда арз қилиши лозим бўлган орган аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, Россия (ЖК 291-м.), Грузия (ЖК 339-м.), Қирғизистон (ЖК 314-м.), Қозоғистон (ЖК 312-м.), Туркманстон (ЖК 185-м.), Озарбайжон (ЖК 312-м.), Арманистон (ЖК 312-м.) жиноят қонунларининг пора берган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормаларида «пора берган шахс бу ҳақда *жиноят ишини қўзғатишга ваколатли органга* арз қилса» деб аниқ белгилаб қўйилган;

– мамлакатимиз Жиноят кодексининг пора берган (ЖК 211-м. 4-қ.) ҳамда пора

олиш-беришда воситачилик қилган (ЖК 212-м. 4-қ.) шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормаларида ушбу шахсларни арз қилиш шакли (ёзма ёки оғзаки) аниқ белгиланмаган бўлиб, Эстония (ЖК 164.1-м. ва 165-м.) жиноят қонунида ушбу шахслар *ёзма шаклда* арз қилиши лозимлиги белгилаб қўйилган;

– Молдова, Грузия, Тожикистон, Украина, Озарбайжон давлатлари жиноят қонунчилигида пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик алоҳида нормада назарда тутилмаган;

– Қозоғистон (ЖК 313-м.) ва Арманистон (ЖК 313-м.) жиноят қонунларининг пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган нормасида пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма белгиланмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, чет эл давлатлари жиноят қонунчилигида порахўрлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида шундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар билан деярли бир хил бўлиб, уларнинг ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш борасидаги айрим ижобий тажрибаларини миллий жиноят қонунчилигимизга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, мамлакатимизда амалга оширилаётган жиноий-ҳуқуқий соҳадаги либераллаштириш сиёсатини, порахўрлик жиноятларининг юқори латентлик даражасини ва ушбу жиноятларни аниқлаш ҳамда очишда пора олган шахсларнинг арзи муҳим аҳамият касб этишини инobatга олган ҳолда, Жиноят кодекси 210-моддасини пора олган шахсни жазодан озод этишни назарда тутувчи қуйидаги таҳрирдаги 4-қисм билан тўлдириш «*башарти, пора олувчи шахс моддий қимматликлар олган ёки мулкий наф кўргандан сўнг, лекин муайян ҳаракатни пора берган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши*

---

(бажармаслиги)дан олдин бу ҳақда ўн сутка мобайнида ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жазодан озод этилади»;

иккинчидан, Жиноят кодексининг пора берган (ЖК 211-м. 4-қ.) ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилган (ЖК 212-м. 4-қ.) шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормаларини амалда қўллаш юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ушбу нормаларда пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс арз қилиши лозим

бўлган орган (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган) аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришда чет эл давлатлари илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини таҳлил қилиш ҳар доим аҳамият касб этган. Шундай экан, миллий жиноят қонунчилигимиздаги порахўрлик учун жавобгарлик белгиланган нормаларни янада такомиллаштиришда чет эл давлатларининг ижобий тажрибасидан фойдаланиш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 139 –140.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2006. – Б. 238.

<sup>4</sup> Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 475.

<sup>5</sup> Қаранг: Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм). (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси Б.М. Мустафоевнинг умумий таҳрири остида). – Т., 2006. – Б. 532.

**М. М. Хайдаров. Порахўрлик учун жавобгарлик: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари**  
**Таянч иборалар:** порахўрлик жиноятлари, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш.

Мақолада пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган амалдаги нормаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жиноят қонуни илгариги нормаларини ҳисобга олган ҳолда очиб берилган. Шунингдек, айрим чет эл мамлакатларининг порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган нормалари таҳлили асосида миллий қонунчилигимизда ушбу жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш юзасидан фикр юритилган.

#### **Rresponsibility for bribery: present condition and perspectives of improvement.**

**Key words:** criminal legislation of the Republic of Uzbekistan, crimes connected with bribery, bribery, taking bribery, giving bribery, intermediation in bribery.

The article discloses the essence of norms providing for criminal responsibility for bribery taking into account the amendments and supplements made to the current criminal legislation; basing on the analysis of foreign experience in fighting against this crime the author puts forward concrete proposals on improvement of the national legislation.

#### **М. М. Хайдаров. Ответственность за взяточничество: современное состояние и перспективы развития.**

**Ключевые слова:** уголовное законодательство Республики Узбекистан, взяточничество, получение взятки, дача взятки, посредничество во взяточничестве, уголовная ответственность за взяточничество.

В статье с учетом изменений и дополнений, внесенных в действующее уголовное законодательство, раскрывается сущность норм, предусматривающих уголовную ответственность за взяточничество; на основе анализа зарубежного опыта борьбы с этими преступлениями формулируются конкретные предложения по совершенствованию национального законодательства.

## ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ПРЕСТУПЛЕНИЯХ ПРОТИВ ПОРЯДКА НЕСЕНИЯ ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ

История развития Вооруженных сил Узбекистана связана с обретением республикой государственной независимости, началом широкомасштабных реформ во всех сферах жизнедеятельности нашего общества. Процесс создания и становления современной армии сопровождался большой работой по формированию правовой базы деятельности Вооруженных сил. Так, 3 июля 1992 г. Верховный Совет Республики Узбекистан принял законы «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и «Об альтернативной службе», постановления «О Военной присяге», «О порядке приведения к Военной присяге». Принятие этих нормативных актов способствовало созданию прочной правовой базы функционирования Вооруженных сил Республики Узбекистан.

Теоретические положения и концептуальные подходы в оборонной сфере получили дальнейшее развитие в законах Республики Узбекистан «О Государственной границе Республики Узбекистан» (1999 г.), «О борьбе с терроризмом» (2000 г.), «Об обороне» (в новой редакции 2001 г.), «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» (2002 г.) и других законодательных актах.

С введением в действие Положения о порядке прохождения военной службы гражданами Республики Узбекистан, утвержденного Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-257 от 14 января 2006 г., комплектование Вооруженных сил осуществляется на профессиональной контрактной основе, что свидетельствует об изменении правового

статуса военнослужащего. Действенными средствами, воздействующими на порядок в Вооруженных силах, который является обязательным компонентом боеготовности войск, были и остаются дисциплинарные и уголовные наказания.

Преступления против порядка несения военной службы, т.е. воинские преступления, содержатся в Особенной части Уголовного кодекса, в седьмом разделе (ст.ст. 279–302), который, в свою очередь, разделен на четыре главы: преступления против порядка подчиненности и соблюдения воинской чести, преступления против порядка прохождения военной службы, преступления против порядка сохранности или эксплуатации военного имущества, воинские должностные преступления.

Необходимо отметить, что правовые нормы, регулирующие правоотношения в сфере борьбы с преступлениями против порядка несения военной службы, как и все уголовное законодательство, постоянно изменяются, дополняются и совершенствуются.

Так, примером реализации принципов справедливости и гуманизма явилось введение в Уголовный кодекс 1994 г. наказания в виде «ограничения по службе», регламентирующего временное лишение военнослужащего, проходящего военную службу по контракту, определенных прав и льгот с удержанием в пользу государства в размере от десяти до тридцати процентов денежного содержания. Практика показывает, что с развитием рыночных отношений ограничение по службе является эффектив-

\*

---

---

ным средством индивидуализации наказания, с одной стороны, а с другой — позволяет продолжить использовать опыт, навыки и познания военнослужащего в интересах Вооруженных сил, а также стимулирует его к скорейшему отбытию наказания для сохранения и восстановления предоставляемых привилегий.

С 2001 г. в Узбекистане эффективно действует институт примирения сторон. В настоящее время по 40 статьям УК лицо, в соответствии со статьей 66<sup>1</sup> УК, может быть освобождено от уголовной ответственности по примирению сторон, если оно признало свою вину, примирилось с потерпевшим и загладило причиненный вред. В этой связи полагаем, что одно воинское преступление (ч. 1 ст. 298 — нарушение правил вождения или эксплуатации машин) также может быть прекращено по примирению сторон. В перечень статей, предусматривающих примирение сторон, можно внести и ч. 1 ст. 285 УК (нарушение уставных правил взаимоотношений между военнослужащими при отсутствии между ними отношений подчиненности).

Еще одним важным новшеством может явиться совершенствование уголовно-правовых норм, предусматривающих ответственность военнослужащих за насильственные действия в отношении начальника и подчиненного.

Вопросы, связанные с рассмотрением судами дел о преступлениях против порядка подчиненности и соблюдения воинской части, разъяснены в Постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 23 от 15 сентября 2000 г. «О судебной практике по делам о преступлениях против порядка несения военной службы». В пункте 3.1 данного Постановления указано, что под нарушением уставных правил взаимоотношений следует понимать унижение чести и достоинства, использование различных насильственных действий одним военнослужащим по отношению к другому в целях обеспечения подчиненности к себе сослуживцев, создания льготных условий для прохождения службы. При этом в случаях, когда эти правила нарушаются лицами, равными по

служебному положению и воинскому званию, а также между старшими и младшими, но не состоящими в отношениях подчиненности, уголовная ответственность определяется по ст. 285 УК.

Определенную сложность для квалификации представляют случаи совершения насильственных действий лицами, находящимися в отношениях подчиненности друг к другу. В данном случае ответственность наступает в соответствии со ст. ст. 281 («Сопrotивление начальнику или принуждение его к нарушению служебных обязанностей»), 282 («Угроза начальнику»), 283 («Причинение телесных повреждений») и 301 («Злоупотребление властью, превышение или бездействие власти») УК.

В Вооруженных силах Республики Узбекистан взаимоотношения между военнослужащими регламентируются ст. ст. 30—71 главы второй Устава внутренней службы Вооруженных сил. Воинские взаимоотношения базируются на принципе единоначалия, который заключается в наделении начальника всей полнотой распорядительной власти по отношению к подчиненным и возложении на него персональной ответственности перед государством за все стороны жизнедеятельности военной части, подразделения и каждого военнослужащего. Отношения между военнослужащими специфичны и отличаются от отношений в других сферах деятельности своей строгой иерархией.

Так, в соответствии со ст. 31 Устава по своему служебному положению и воинскому званию одни военнослужащие по отношению к другим могут быть начальниками или подчиненными. Начальник имеет право отдавать подчиненному приказы и требовать их исполнения. Подчиненный обязан беспрекословно выполнять приказы начальника. Одним словом, отношения подчиненности в армии составляют суть и содержание исполнения начальником обязанностей по военной службе, при которых единственной формой вступления в служебные взаимоотношения подчиненности со стороны начальника является отдача и обеспечение исполнения своего приказа или обеспечение исполнения

---

---

приказа вышестоящего начальника, т.е. выполнение управленческих функций. Отсюда следует, что начальник, отдавая приказы и требуя их исполнения, руководит подчиненными военнослужащими, подразделением, воинской частью, соединением, обеспечивая нормальную деятельность органа военного управления, а подчиненный, в свою очередь, обязан беспрекословно выполнять приказы начальника, посредством чего они вступают в отношения подчиненности и тем самым исполняют обязанности по службе.

При этом за отданный приказ и его последствия, за соответствие приказа законодательству, а также за злоупотребление властью и превышение власти или служебными полномочиями в отдаваемом приказе и за непринятие мер по его выполнению начальник несет полную ответственность. Предоставляя начальникам необходимые служебные полномочия, в том числе право отдавать приказы, распоряжения подчиненным и добиваться их неукоснительного выполнения вплоть до применения принудительных мер к нарушителям дисциплины, государство ограждает их личности и служебный

авторитет от каких бы то ни было посягательств.

Процесс декриминализации уголовного кодекса в части преступлений против порядка прохождения военной службы специфичен и исходит из природы военной службы. Анализ соотношения воинских и общеуголовных преступлений указывает на возможность установления уголовной ответственности военнослужащих за совершение деяний, предусмотренных ч. 1 ст. 280 («Неисполнение приказа») и ч. 1 ст. 302 («Халатное отношение к службе») лишь после привлечения их к дисциплинарной ответственности в соответствии с Дисциплинарным уставом Вооруженных сил Республики Узбекистан.

В заключение необходимо отметить, что позитивные изменения в системе дисциплинарных и уголовно-правовых мер обуславливают настоятельную необходимость осмысления процесса поиска наиболее оптимальных направлений, форм и методов поддержания и укрепления установленного порядка прохождения военной службы в целях повышения боеготовности Вооруженных сил и обороноспособности нашей страны.

---

**С. С. Ариджанов. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид жиноят қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари.**

**Таянч иборалар:** Ҳарбий хизматни ўташга қарши жиноятлар, қарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматчига қўйиладиган талаблар, ҳарбий жиноят қонунларини ислоҳ қилиш

Мақолада Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларида ҳарбий хизматни ўташ тартиби, хизматни ўташ жараёнида содир этиладиган жиноятларни классификация қилиш, уларнинг Жиноят қонунинг тегишли бандида акс эттирилиши, ҳарбий хизмат соҳасидаги қонунчиликни ислоҳ қилишнинг айрим масалаларига атрофлича тўхталлади.

#### **Prosperities of improvement of legislation concerning crimes against the order of military service**

**Keywords:** crimes against the order of military service, order of military service, requirements to servicemen, reforming of the military-criminal legislation.

The article deals with the problems of the order of military service in the Armed Forces of the Republic Uzbekistan. The author gives the criminal-legal characteristics of crimes being committed during the military service and puts forward proposals on improving the criminal legislation in this sphere.

**С. С. Ариджанов. Перспективы совершенствования уголовного законодательства о преступлениях против порядка несения военной службы**

**Ключевые слова:** преступления против порядка несения военной службы, порядок несения военной службы, требования к военнослужащим, реформирование военно-уголовного законодательства.

В статье рассматриваются вопросы порядка несения военной службы в рядах Вооруженных сил Республики Узбекистан, дается уголовно-правовая характеристика преступлений, совершаемых в процессе несения военной службы, вносятся предложения по совершенствованию уголовного законодательства в данной сфере.

Т. Н. Тиллаев\*,  
О. Ж. Холмуминов\*\*

## СУД ТОМОНИДАН АЛОҲИДА ТАРТИБДА КЎРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, барча соҳаларда, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг изчиллик билан давом этаётганлиги юқорида қайд этилган фикрларнинг яққол далилидир.

Бу фикрлар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар йўналиши билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, фуқаролик процессида алоҳида тартибда иш юритиш бўйича кўриладиган ишлар доирасининг кенгайтирилганлиги бунга мисол бўла олади.

Аксарият ҳолларда фуқаролик ишлари бирон-бир бузилган шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида, даъво ишлари тарзида қўзғатилади. Аммо баъзи ҳолларда фуқаролик ишлари ҳуқуқ тўғрисида низо бировнинг бировга даъвоси бўлмаганида ҳам судларга қўзғатилиб, кўрилиши ва ҳал қилиниши мумкин. Масалан, фуқаро пенсия ёки мерос олиш учун бирон-бир фактнинг мавжудлигини, масалан, бировнинг фарзанди боқимида

бўлганини тасдиқлатиш зарур бўлганда, унга нисбатан даъво қўзғатмай, балки судга ариза билан муддаосини айтиб мурожаат этади.

Бундай ҳолларда фуқаролик ишлари даъво ишларини юритиш тартибида эмас, балки алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади. Судларда бу тартибда ҳам субъектив ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсад қилиб кўйилади.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳуқуқ ҳақида низо бўлмайди, шу белгиси билан у даъво ишларини юритишдан фарқ қилади. Алоҳида тартибда иш юритишдан мақсад фуқароларнинг бирон-бир ҳуқуқлари вужудга келганлиги, ўзгарганлиги ёки бекор бўлганлигини, яъни юридик фактларнинг мавжудлиги ёки уларнинг йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Бу турдаги ишлар ҳам ФПКнинг 31-моддасига асосан судга тааллуқли ишлар турига киради.

Низосиз ишлар, яъни ФПКнинг 279-моддасида кўрсатилган ишлар, судлар томонидан унинг 30-35-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан ФПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган низосиз ишлар жумласига, ФПКнинг 279-моддасига кўра қуйидаги ишлар киради:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;
- 2) болани фарзандликка олиш тўғрисидаги;
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги;

\* ИИБ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

\*\* ИИБ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси ўқитувчиси.



4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги;

5) шахсни гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;

6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;

7) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги;

8) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

Ушбу модда 2013 йилнинг апрель ойига қадар бешта банддан иборат бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонунининг 233-моддаси билан қуйидаги қўшимчалар киритилди:

– болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар;

– шахсни гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;

– шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда – ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмагани туфайли тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар, учинчи шахслар ҳам бўлмайди, фақат ўз муддаосини айтиб, судга мурожаат қилувчи аризачи ва бошқа манфаатдор шахсларгина бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида тартибда кўриладиган фуқаролик ишларида баъзи фуқаролик-процессуал нормаларнинг, масалан, шерик иштирокчилик, тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, келишув битими ва шу каби процессуал ҳаракатларга оид нормалар қўлланилмаслиги мумкин.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларни суд фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг барча тамойилларига эътибор берган ҳолда

(ошкоралик, оғзакилик, эркин ҳуқуқ, тортишувлик ва хоказо) кўриши лозим. Бундай турдаги ишларда низо бўлмаса ҳам, бироқ далилларни исботлаш вазифаси арз қилувчи шахс зиммасига юклатилган бўлади ёки аксинча, бошқа манфаатдор шахсга далил-исботлар келтириш ҳуқуқини беради. Баъзан бу турдаги ишлар бўйича ҳам низоли ҳолатлар юзага келиши мумкин. Масалан, фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишлар юзасидан манфаатдор шахс судда спиртли ичимлик ёки норкотик моддаларга ружу қўйганлик факти юзасидан ўз эътирозларини билдиришга ва бунга қарши ўз далил-исботларини келтиришга ҳақли.

Алоҳида тартибда юритиладиган ишларни суд ариза берувчи ва манфаатдор фуқароларнинг, ташкилотларнинг иштирокида уларни хабардор қилган ҳолда кўради. ФПКнинг 281-моддасига биноан аризачи, ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, прокурор, давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда юритиладиган ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади.

Алоҳида тартибда юритиладиган ишларни судда кўриш тартиби бошқа хорижий давлатларнинг фуқаролик-процессуал қонунчилиги асосида қандай ҳал этилади деган саволга жавоб топиш мақсадида Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Франция каби давлатларнинг фуқаролик-процессуал қонунчилиги ўрганилиши жараёнида Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонунчилиги бу масалада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонунчилиги билан деярли ўхшашлиги, Франция фуқаролик-процессуал қонунчилиги эса тубдан фарқ қилиши кўзга ташланди<sup>2</sup>.

Россия Федерацияси ФПКнинг 361-моддаси ва Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 289-моддаси таҳлили шуни кўрсатадики, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар доираси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 279-моддасида кўрсатилган ишлар доирасидан ва бир-биридан фарқ қилсада, уларни ҳал этиш тартиби бир-бирига ўхшаш. Франция фуқаролик-процессуал қонунчилигида эса, ҳар қандай турдаги низосиз

---

---

ишлар алоҳида тартибда кўрилиши мумкинлиги ўз аксини топган. Франция фуқаролик-процессуал қонунчилигидаги “низосизлик презумпцияси” бунинг асоси сифатида хизмат қилади.

Атоқли ҳуқуқшунос олим Ш.Ш. Шораҳметов алоҳида тартибда иш юритиш бўйича суд фаолиятининг ўзига хослигини, даъво тартибда иш юритишда суд фаолияти ва ишда иштирок этувчи шахслар доираси бирмунча кенгроқ эканлигини, алоҳида тартибда иш юритишда эса низолашувчи тарафлар ва учинчи шахслар бўлмаслигини таъкидлаб ўтган<sup>3</sup>.

---

---

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, алоҳида тартибда юритиладиган ишларни судда кўриш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган шахсий ва мулкый ҳуқуқларининг, меҳнат, никоҳ ва оилага оид ҳамда бошқа ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва кўриқланишини кафолатлайди.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини риовожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 16.

<sup>2</sup> [www.dissercat.com/content/osoboe\\_proizvodstvo](http://www.dissercat.com/content/osoboe_proizvodstvo) [www.online.zakon.kz](http://www.online.zakon.kz)

<sup>3</sup> Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Т., 2001. – Б. 326-327.

**Т. Н. Тиллаев, О. Ж. Холмунинов. Суд томонидан алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.**

**Таянч иборалар:** фуқаролик процесси, фуқаролик судлари, алоҳида тартибда иш юритиш, даъво тартибда иш юритиш, фуқаролик процессида тарафлар, фуқаролик процессида учинчи шахслар, ишда иштирок этувчи шахслар.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонунчилиги бўйича фуқаролик судларида алоҳида тартибда иш юритиши тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, бу соҳада қонунчиликка киритилган ўзгартишлар кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонунчилиги бўйича алоҳида тартибда иш юритишнинг ўзига хослиги бошқа хорижий давлатларнинг фуқаролик-процессуал қонунчилигининг алоҳида тартибда иш юритиш турлари билан қиёсланади.

#### **Essence and peculiarities of special court proceedings.**

**Key words:** civil procedure, civil law courts, special proceedings, action proceedings, parties in civil procedure, third parties in civil procedure, persons involved in the case.

The article deals with the notion and peculiarities of special proceedings, amendments and additions introduced into the civil-procedure legislation of the Republic of Uzbekistan and comparative analysis of foreign experience of examination of cases of special proceedings according to civil-procedure legislation of certain foreign countries.

**Т.Н. Тиллаев, О.Ж. Холмунинов. Сущность и специфика рассмотрения дел особого производства в суде.**

**Ключевые слова:** гражданский процесс, суды по гражданским делам, особое производство, исковое производство, стороны в гражданском процессе, третьи лица в гражданском процессе, лица, участвующие в деле.

В статье раскрываются понятие и особенности особого производства дел, рассматриваются изменения и дополнения, внесенные в гражданско-процессуальное законодательство Республики Узбекистан, проводится сравнительный анализ зарубежного опыта рассмотрения дел особого производства по гражданско-процессуальному законодательству отдельных зарубежных государств.

## ШАХСНИ ЖАЗОДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАЪЗИ ФИКРЛАР

Сўнги йилларда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шахсни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш давлатнинг бу соҳада қўллаётган чораларидан биридир. Бироқ амалдаги қонунчиликка назар солсак, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва унинг ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибига оид бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Мазкур муаммо ва камчиликлар **биринчидан**, гарчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга бағишланган бўлса-да, мазкур модда орқали жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг тартиби, талаб ва шартларининг тўлиқ ёритиб берилмаганлиги билан жиноий-ҳуқуқий тартибнинг; **иккинчидан**, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг шартлилигини бекор қилиш тартибининг белгилаб берилмаганлиги билан жиноят-процессуал тартибнинг; **учинчидан**, ижро этилиши назарда тутилган бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларидан бири сифатида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс устидан назорат ўрнатишга доир жиноят-ижроия тартибнинг мавжуд қонунчиликда эътиборга олинмаганлиги билан изоҳланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII боби жазодан озод қилишнинг турларига бағишланган бўлиб, шулардан бири жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишдир. Эътибор берадиган бўлсак, жазони ўташдан

муддатидан илгари шартли озод қилиш шартли ҳукм қилишга яқин чора ҳисобланади. Бири шахсни жазо қўлламасдан озод қилишни назарда тутса, иккинчиси, жазо қўлланса-да жазонинг маълум бир қисмини ўташдан озод қилишни эътиборга олади. Бироқ ҳар икки вазиятда ҳам маҳкумнинг шахси, яъни гарчи жиноят содир этган бўлса-да, жамият учун аҳлоқан мақбуллиги ёки жазо қўлламасдан ёхуд жазонинг маълум бир қисмини ўтамасдан туриб ҳам шахсни аҳлоқан тузатиш мумкинлиги асосий эътиборга олинмаган ҳолат сифатида эътироф этилади. Бу борада жазодан озод қилишнинг икки тури ўртасидаги фарқ ҳақида эмас, балки уларнинг айнанлиги ёки ўхшашлиги хусусида сўз юритилади.

Эътиборли томони шундаки, жазодан озод этишнинг ҳар иккала турида ҳам шахсни шартли равишда жазодан ёки жазони ўташдан озод қилиш назарда тутилса-да, бироқ Жиноят кодексига фақатгина шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатангина синов муддати, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан қайси орган назорат қилиши, ушбу органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан суднинг ваколатлари (шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги кабилар) белгиланган, энг асосийси

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси.

---

жазодан озод қилишнинг шартлари кўрсатиб ўтилган (ЖК 72-м.). Аслида мазкур шартлар қонунда шарт сифатида эмас, балки жазодан озод этилаётган шахсга юклатилаётган мажбурият сифатида эътироф этилган. Аммо мазмунан ушбу мажбуриятларни шарт сифатида талқин қилиш мумкин, бироқ мантиқан олганда ушбу “мажбурият” терминини қонунда ҳам шакл ва ҳам мазмун билан уйғунлаштириш мақсадида “шарт” термини билан ўзгартириш эҳтиёжининг мавжудлиги кўзга ташланади.

Шартли ҳукм қилишга бағишланган норманинг мазкур мазмунда берилиши албатта ижобий баҳоланади ва айнан ушбу мазмун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби белгиланган нормадаги камчиликларнинг мавжудлигини аниқлаш имконини беради. Шу боис жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби белгиланган норма (ЖК 73-м.)ни ҳам шартли ҳукм қилиш тартиби белгиланган норма (ЖК 72-м.)даги қоидалар ва шартлар билан бойитиш талаб этилади. Чунки, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда ҳам тўлиқ бўлмасда, жазонинг учдан икки қисми, ярми ёки учдан бир қисми ўталмасдан шахснинг жазодан озод этилиши назарда тутилади. Бундан ташқари, модомики, ҳар иккала норманинг мазмунида шахсни жазодан ёки уни ўташдан озод қилиш “шартли” эканлигига алоҳида урғу берилаётган экан, ушбу шартлар аниқ кўрсатилиши, жазони ўташдан шартли равишда озод қилинган шахснинг хулқи устидан қайси орган назорат қилиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суднинг ваколатлари аниқ ва тўлиқ кўрсатилиши талаб этилади. Акс ҳолда жазони ўташдан озод этишнинг шартлилиги декларатив тусга эга бўлиб қолади. Чунки, қонун чиқарувчининг ўзи жиноят қонунини мавжуд бўлган баъзи институтларни гарчи бир-бири билан айнан бўлса-да, уларни алоҳида-алоҳида тартибда ёритишни лозим топган. Бунга яна ЖКнинг 64-моддасидаги жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишнинг жиноий-ҳуқуқий тартиби 69-моддадаги жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан

---

жазодан озод қилиш жиноий-ҳуқуқий тартибининг мазмунан бир хил бўлишига қарамай алоҳида баён этилганлигини ҳам мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишнинг шартлилигини бекор қилишнинг жиноят-процессуал тартибига тўхталадиган бўлсак, қонунда мазкур тартиб умуман назарда тутилмаган. Аниқроқ айтганда, қонуншунос ЖПКнинг 535-моддасида жазонинг шартлилигини бекор қилиш тартибини белгилаб бериб, унда фақат шартли ҳукм қилинган шахс билан боғлиқ масала ўрин олган ҳолос. Ваҳоланки, мантиқан олганда, жазонинг шартлилигини бекор қилиш жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳолатига ҳам дахлдордир.

Шу боис ЖПКнинг жазонинг шартлилигини бекор қилиш тартиби деб номланган 535-моддасининг матнига “Агар шартли ҳукм қилинган...” деган сўзларидан кейин “...ёки жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган...” сўзларининг, шунингдек “Жиноят кодекси 72-моддасининг олтинчи қисми...” деган сўзларидан кейин “...ёки 73-моддасининг “х”чи қисми...” сўзларининг киритилиши тавсия этилади.

Модомики, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш “шартлилик” белгиси билан алоҳида аҳамият касб этиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг тартиби ва шартлари жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал тартибга солинар экан, унда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг хулқи, яъни белгиланган шартларга қатъий риоя қилиши устидан назоратнинг ўрнатилиши ҳам жиноят-ижроия тартибида ҳал этилмоғи шарт ҳисобланади.

Чунончи, Жиноят-ижроия кодексининг IX бўлимида ижро этиладиган бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари келтирилган бўлиб, улар таркибидан фақатгина шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат қилиш тартиби ўрин олган ҳолос. Ваҳоланки, мазмунан ва юқорида қилинган таҳлил натижалари бўйича жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган

---

---

шахслар устидан назорат ўрнатиш талаб этилади ва Жиноят-ижроя кодекси 174-моддасининг 1-қисмига 2-банд қилиб, “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш”ни ҳамда IX бўлимига алоҳида боб сифатида “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат” масалаларини киритиш таклиф қилинади. Акс ҳолда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини нотўғри тушуниб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни объектив ижтимоий ҳодиса тариқасида идрок эта бошлайди. Бу эса, фуқароларнинг аввало қонун, қолаверса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳатто давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатига нисбатан итоаткорлигига путур етказилишига олиб келиши мумкин.

Борди-ю, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг асосий мезонлари сифатида маҳкумнинг ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва

меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ёки жазонинг муайян қисмини ўталган бўлиши эътиборга олинса, у ҳолда ЖКнинг 73-моддасини “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш” эмас, балки “Рағбатлантириш тариқасида жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш” деб, модданинг номланиши ва унинг мазмуни ўртасидаги номувофиқликка барҳам бериш талаб этилади.

Қонунчиликда амалга оширилиши кўзда тутилган бу ўзгартиришлар *биринчидан*, жиноят қонунчилиги институтлари, қолаверса нормалари ўртасида мутаносибликни таъминлаш; *иккинчидан*, жазодан озод қилишнинг жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ҳамда жиноят-ижроия тартибини мукамаллаштириш; *учинчидан*, фуқароларнинг қонун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсати олдидаги итоаткорлиги даражасини ошириш; *тўртинчидан*, қонунларни мантиқан тўғри қўллаш самарадорлигини юксалтириш имконини яратади.

---

**С. Б. Хўжакулов. Шахсни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ баъзи фикрлар**

**Таянч иборалар:** жавобгарлик, жазо, шартли ҳукм, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш.

Мақолада амалдаги жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтларини ҳуқуқий таҳлил қилинади, бу борада қонун нормалари ўртасидаги зиддият ва казус ҳолатларга эътиборини қаратилади. Шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишнинг жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ҳамда жиноят-ижроия тартибини такомиллаштириш борасида фикр юритилиб, амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга доир асослантилган таклифлар берилди.

**Some considerations related to conditional early release of person from punishment**

**Key words:** criminal liability, punishment, conditional sentence, conditional early release from punishment.

On the bases of analysis of the current legislation of the Republic of Uzbekistan the author discloses principal contradictions between some legal norms regulating the institutions of release from criminal liability and punishment and gives grounded proposals about introducing amendments and additions in the current legislation aimed at improving the order of early release from serving criminal punishment.

**С.Б. Хўжакулов. К вопросу правовой регламентации досрочно-срочного освобождения лиц от наказания.**

**Ключевые слова:** уголовная ответственность, наказание, условное осуждение, условно-досрочное освобождение от отбывания наказания.

В статье на основе анализа действующего законодательства Республики Узбекистан выявлены принципиальные противоречия между некоторыми правовыми нормами, регламентирующими институты освобождения от уголовной ответственности и наказания. Формулируются обоснованные предложения о внесении изменений и дополнений в действующее уголовное, уголовно-процессуальное и уголовно-исполнительное законодательство, направленные на совершенствование порядка досрочного освобождения от отбывания уголовного наказания.

## МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Фуқаролик кодексига маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий йўналишга эга эканлиги белгиланди, бошқача айтганда, мулкый санкцияни қўллаш давлат бюджетига эмас (яъни, илгари режали ҳужжатда белгиланган тартибдан фарқли ўлароқ), балки жабрланувчи (кредитор) фойдасига ҳал этилиши назарда тутилди.

Маълумки, маҳсулот етказиб берувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги қуйидаги асосларга кўра вужудга келади:

– товарларни кечиктирганлик, яъни маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарни сотиб олувчига шартномада назарда тутилган муддат ўтгандан сўнг, топшириши (ФК 454-м.);

– товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик, яъни маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчига белгиланган муддатда товарни шартномада назарда тутилганидан кам миқдорда топшириши (ФК 443-м.);

– тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни етказиб берганлик (ФК 451-м.);

– бут бўлмаган товарлар етказиб берганлик (ФК 452-м.).

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик функцияларининг доирасини аниқлаш, улар барчасининг маҳсулот етказиб беришга оид муносабатларда қўлланиши масаласи баҳсли ҳисобланади. Албатта, ушбу жиҳатларни таҳлил қилишдан олдин маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича қарздор (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда,

вужудга келадиган сотиб олувчи (олувчи) ҳуқуқларини таҳлил қилиш ўринлидир. Зеро, мазкур ҳуқуқлар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажармаганлик оқибатларини бартараф этишга қаратилган бўлиб, уларни шартли равишда “сотиб олувчи (олувчи)нинг талаб қилиш ҳуқуқлари” деб номлаш ва қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

а) маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиш ҳолларида, унда белгиланган шартларни бажаришга қаратилган ҳуқуқлар (сотиб олувчининг маҳсулотнинг етказиб берилишини таъминлашга оид ҳуқуқлари (ФК 330-м.), товарнинг камчиликларини текинга бартараф этилишини таъминлашга оид ҳуқуқлари (ФК 408-м.) ва бошқ.);

б) маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузишга (шу билан бирга шартномани тузишга) қадар амалда бўлган ҳолатни тиклашга қаратилган ҳамда ҳуқуқбузар учун ноқулай бўлган мулкый оқибатларни келтириб чиқаришни назарда тутмайдиган ҳуқуқлар (сотиб олувчининг олдиндан тўланган сумманинг қайтарилишини талаб қилиш (ФК 420-м. 3-қ.), маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш (ФК 455-м. 3-қ) ва бошқ.);

в) жавобгарликнинг компенсацияловчи ҳуқуқларини амалга оширишга, салбий оқибатларни (жабрланувчининг йўқотишларини) бартараф этишга қаратилган ҳуқуқлар, жумладан зарарни қоплаш орқали (ФК 14, 324, 456-м.), маҳсулот етказиб бериш

\* ИИВ Академияси ички ишлар идоралар офицерлари малакасини ошириш институти ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

---

---

шартномаси бўйича неустойкани ундириш (ФК 260-м.), бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар (ФК 327, 420, 421-м.).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари учун маҳсулот етказиб берувчининг жавобгарлиги (хусусан, ФКнинг 441, 334-моддалари асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки уни ташувчининг хатти-ҳаракатлари учун) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг олдини олувчи функцияси (превентив функция)нинг компенсацияловчи функцияга боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Чунончи, ушбу ҳолларда олдини олиш функцияси дастлабки ҳуқуқбузарлик ҳолати юзага келгандан сўнг вужудга келади ҳамда маҳсулот етказиб берувчи томонидан учинчи шахслар (маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки уни ташувчи)нинг танланишини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулот етказиб беришнинг узоқ давом этиши жараёнларида? шартномани бузишга оид янги (ёхуд навбатдаги) ҳолатларга йўл қўймасликка йўналтирилади. Бинобарин, шартнома бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини, шартнома интизомига риоя қилинишини таъминлаш иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан гоят катта аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Айни вақтда, шартнома предметига ўхшаш товарни етказиб бериш учун олинган кредит учун фоизлар кредит олинган кундан, олдиндан тўловни амалга ошириш мақсадида олинган кредит учун фоизлар эса маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажармаганлик пайтидан бошлаб ҳисобланиши, шунингдек қарздорга (маҳсулот етказиб берувчига) кредитнинг аниқ мақсадли эканлигини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимидан фарқли ўлароқ, англо-америка ҳуқуқ тизимида шартнома мажбуриятларини бузиш натижасида юзага келган зарарни қоплашда пул компенсациясининг қўллани-

лиши, Европанинг бир қатор давлатларида эса кредиторнинг хоҳиш-иродасига кўра натура тарзида ҳам қоплаш назарда тутилганлигини кузатиш мумкин<sup>2</sup>. Жумладан, Германия Фуқаролик тузуқларининг? 251-параграфида мажбуриятни натура тарзида бажариш “кредитор учун етказилган зарар тўлиқ қопланмаган ёки қоплаш мумкин бўлмаган тақдирда” амалга оширилиши белгиланган. Фақат пул компенсациясини олишни истаган кредитор қарздор учун муайян муддатни белгилаши талаб этилади (ГФТнинг 250, 283-параграфлари). Мажбуриятни натура тарзида бажаришнинг назарда тутилганлигини Швейцариянинг мажбуриятлар тўғрисидаги қонуни 97-моддасида ҳам кузатиш мумкин. Хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилиги таҳлили англо-америка ҳуқуқ тизимида етказилган зарар миқдорини аниқлашда ва асослашда, шунингдек уни қоплашда қатъий ёндашув таъминланганини кўрсатади.

Бундан ташқари, узоқ муддатга мўлжалланган маҳсулот етказиб бериш шартномаларида товарларнинг тўлиқ етказиш муддатларини аниқ белгилаш мақсадида, ФК 443-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*“Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда), агар маҳсулот етказиб бериш шартномаси узоқ муддатга мўлжалланган бўлса, у ҳолда товарни етказиб бермаслик йўл қўйилган календарь йил доирасида тўлдириши лозим”.*

Лекин, шартномали неустойкани тўлашни назарда тутувчи қўшимча харажатларга (кўпинча нисбатан йирик миқдордаги харажатларга) бардош беришни хоҳламаслик, ўз навбатида, маҳсулотни етказиб

---

---

берувчи учун неустойкани тўлашга нисбатан мажбуриятларни лозим даражада бажариш қулай деб ҳисоблашга олиб келади. Шу маънода, маҳсулот етказиб беришда ушбу соҳада кенг қўлланилаётган ҳуқуқий механизм шартнома турининг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади, уни бажармасликка ҳамда мазкур ҳолларда вужудга келадиган оқибатларга қараганда янада қулай бўлиб, хўжалик фаолиятини самарали юритишга имконият яратиш мақсадида соҳада тегишли ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи Фуқаролик кодексида “неустойка”ни ҳуқуқий категория сифатида икки хил юридик маънога эканлигини белгиланган. Хусусан, неустойка мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули (ФКнинг 22-боби) ва мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чораси сифатида (ФКнинг 24-боби) ҳисобланиши назарда тутилган. Айни вақтда, неустойканинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиётда қўлланилиши унинг фуқаролик қонунчилигида турли бобларда ва моддаларда жойлашуви ҳамда бир пайтнинг ўзида таъсирчанликка эга бўлиши етарли асосга эга эмас. Назаримизда, неустойкага нисбатан жавобгарлик чораси сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, неустойканинг яна бир хусусияти – унинг қонунчилигида<sup>3</sup> белгиланганлиги ва кредиторнинг неустойкани тарафлар ўртасидаги келишувда уни тўлаш назарда тутилганлигидан қатъи назар, талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлигидадир. Бинобарин, демократик бозор ислоҳотлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда неустойка институтидан фойдаланиш истиқболларини муҳокама қилиш давр талабидир.

Яна бир эътибор қаратилиши лозим бўлган масала – бу маҳсулот етказиб бериш шартномаларида белгиланган неустойкаларнинг номутаносиблигини баҳолаш мезон-

ларининг ишлаб чиқилмаганлигидадир. Хусусан, ушбу мезонларнинг аниқ-равшан белгиланмаганлиги суд амалиётида ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилиш, шу жумладан ФКнинг 326-моддасини (“Неустойкани камайтириш”) қўллашда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, бир тарафдан қонунчиликда мажбуриятларни бажармасликни баҳолашнинг ягона ёндашуви ўз ифодасини топмаган бўлса, бошқа тарафдан эса хўжалик судлари томонидан шартномали неустойкани камайтириш институтини қўллашнинг ягона амалиёти мустақил равишда шакллантирилмаган. Бундан ташқари, неустойка миқдорини аниқлашда ишнинг ҳар бир босқичи бўйича белгиланган муддатларда мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларини ҳисобга олиш механизмларини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж мавжуд. Назаримизда иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётган ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг шароитлар яратилаётган бир пайтда, шартномалар эркинлигини таъминлаш асосларини янада кенгайтириш, айни вақтда нафақат маҳсулот етказиб беришга оид муносабатларда, балки барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий аниқликни таъминлашга хизмат қилади. Зеро, ҳуқуқ назариясида илмий изланиш талаб этиладиган “ҳуқуқий аниқлик” принципи шартномалар эркинлиги, мулкнинг дахлсизлиги, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши принциплари билан бир қаторда, бугунги кунда демократик бозор ислоҳотларининг ривожланиши жараёнларида асосий принциплардан бири ҳисобланади.

Қолаверса, маҳсулот етказиб берувчи ёки неустойка қўлланилиши мумкин бўлган бошқа тараф унинг салбий оқибатларини, миқдорини аниқ билиши ва англаб етиши зарур. Бу энг аввало, маҳсулот етказиб беришга оид мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатларида вужудга келади.



Маълумки, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли сифатида неустойканинг устун жиҳати зарарни ундиришдан олдин унинг миқдорини асослаб бериш зарурлигининг йўқлигида ифодаланadi. Бошқача айтганда, неустойка жабрланувчи учун бошқа тараф (ҳуқуқбузар)ни жазолаш ролини бажарадиган ҳамда келажакда вужудга келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш бадали ҳисобланади. Назаримизда, неустойка табиатига икки томонлама ёндашиш жавобгарликнинг қайси функцияси (компенсацияловчи ёки жаримали) ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қайси субъектига (кредиторга ёки қарздорга) нисбатан таъсир кўрсатишини аниқлаш билан изоҳланади.

Айни вақтда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича неустойка таъсирининг жарима шакли ҳақида сўз юритганда, ФКнинг 454-моддаси қоидаларига (“Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун қонунда ёки шартномада белгиланган неустойка, агар неустойкани ундиришнинг бошқача тартиби қонунда ёки шартномада белгиланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади”) эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, ФКнинг ушбу қоидаси шартноманинг амал қилиш муддати доирасида маҳсулот етказиб берувчини ўз мажбуриятларини амалда бажаришга мажбур қилиш ва неустойкани ундиришда тўлиқ асосга эга эмас. Қолаверса, уларни бир пайтда қўллаш барча зарарларни қоплаши мумкин бўлган, аммо шартноманинг бажарилишини рад этган ҳуқуқбузар учун қатъи равишда жаримали тусга эга. Шу боисдан, назаримизда, маҳсулотни тўлиқ етказилишини таъминлаш мақсадида келгусида етказиб берилмаган товар ўрнини тўлдирмасдан олдин, агар маҳсулот етказиб бериш умуман

амалга оширилмаган тақдирда, неустойка ундириш етарли чора ҳисобланади. Айни пайтда, ушбу ҳолат ФК 330-моддасининг иккинчи қисми қоидаларига (“Башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.”) мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида неустойкани ундириш ва етказиб берилмаган товарнинг ўрнини тўлдириш ҳақидаги талаб фақатгина товарнинг муайян қисми етказиб берилган тақдирда, яъни мажбуриятни лозим даражада бажарилмаганлик ҳолатларида ўз мақсадига эга бўлиши мумкин (ФК 330-м.1-қ.).

Бундан ташқари, товарларни қабул қилишни рад этиш ҳақида маҳсулот етказиб берувчини хабардор қилиш (ФК 444-м.) ва бир пайтнинг ўзида олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилиш (ФКнинг 420-моддаси учинчи қисми) маҳсулот етказиб беришни кечиктиришни шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг бир томонлама рад этиш сифатида фуқаролик қонунчилигида расмийлаштириш лозим. Бу эса тўлиқ етказиб берилмаган товар учун шартномали неустойка (пеня) маҳсулот етказиб бериш кечиктирилган пайтдан бошлаб ва маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчининг талаби ўз аксини топган ёзма хабари олинган даврга қадар ҳисобланиши зарурлигини тақозо этади. Ш.Рўзиназаровнинг нуқтаи-назарига кўра, бу тартибнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, шартнома субъектлари судга мурожаат этмасдан туриб, талабномалар билдириш орқали бузилган ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминланишлари мумкин<sup>4</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар кўпқиррали аҳамиятга эга бўлмоқда.

---

---

Маҳсулот етказиб беришга оид шартномавий муносабатларда маҳсулот етказиб берувчининг жавобгарлиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, соҳага оид қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда иқтисодий

либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни инобатга олган ҳолда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

---

*Изоҳ:* В.В.Витрянский маҳсулот етказиб беришга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи Ўртасидаги шартномавий алоқаларнинг узоқ муддат давом этиши муҳим аҳамиятга эkanлигини таъкидлайди. Қаранг: *Витрянский В.В.* Договор купли - продажи и его отдельные виды. – М., 1999. – С. 117.

<sup>1</sup> *Исмоилов Н. М.* Правовые проблемы залога, как способа обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1999. – С. 25.

<sup>2</sup> Гражданское и торговое право капиталистических государств. – М., 1992. – С. 279; Единообразный торговый кодекс США / Пер. с англ. Серия: Современное зарубежное и международное частное право. – М., 1996. – С. 47.

*Изоҳ:* Германия Фуқаролик тузуклари 1896 йилда қабул қилинган ҳамда 1900 йилнинг 1 январидан кучга киритилган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1996 йил 26 апрел қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5-6. – 59-м.; Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – №9. – 170-м.; Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги 2006 йил 4 октябрь қонуни / / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2006. – № 10. – 535-м.).

<sup>4</sup> *Рўзиназаров Ш. Н.* Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 2000. – № 7. – Б. 61–64.

**О. А. Камалов. Маҳсулот етказиб беришда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари**

**Таянч иборалар:** Маҳсулот, (маҳсулот) етказиб бериш шартномаси, тадбиркор, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, компенсация, неустойка.

Мақолада маҳсулот етказиб беришга оид шартномавий муносабатларда маҳсулот етказиб берувчининг жавобгарлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулот етказиб берувчининг шартномани бажармаганлик оқибатлари, неустойкани ундириш ва етказиб берилмаган товарнинг ўрнини тўлдириш ҳақида сўз юритилган.

#### **Problems of liability for nonperformance of contract responsibilities in product delivery**

**Key words:** product, delivery contract, entrepreneur civil-and-legal liability, compensation, penalty.

The article deals with the product provider's liabilities in contract relations on delivery of product, its peculiarities, consequences of nonperformance of contract by the product provider

**О. А. Камалов. Вопросы ответственности за невыполнение договорных обязательств по поставке продукции.**

**Ключевые слова:** продукция, договор поставки, предприниматель, гражданско-правовая ответственность, компенсация, неустойка.

В статье рассматриваются вопросы ответственности поставщика продукции в договорных отношениях по поставке продукции, ее особенности, последствия невыполнения договора поставщиком продукции.

Д. А. Юсубов\*

## БАРКАМОЛ АВЛОД ШАКЛЛАНИШИДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Комил инсон муаммоси жамиятда доимо мутафаккирларни қизиқтириб келяпти. Бизга маълумки комил инсон тушунчасини профессор Н.Комилов таъкидлаганидек фанга ал-Арабий XII асрда киритган. Кундалик турмушда комил инсон деганда асосан ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбия кўрган инсон тушунилади. Аммо баъзан комил инсон тушунчаси ўрнига бошқа тушунчалар ҳам қўлланилади. Масалан, етук инсон, етук шахс, ҳар томонлама ривожланган шахс ва бошқалар. Уларни баъзан бир-биридан ажратмай, синоним тушунчалар сифатида ҳам ишлатишади. Лекин фан нуқтаи-назаридан уларни бир-биридан ажратиш лозим. *Етук инсон* деганда, ақлий, жисмоний, ахлоқий ва касбий жиҳатдан ривожланган шахс тушунилади. *Ҳар томонлама ривожланган шахс* деганда, ақлий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланган шахс тушунилади. Бундай инсоннинг ақлий, жисмоний ва ахлоқий ривожланишида қарама-қаршилик (масалан, ақли ва жисмоний жиҳатдан кучсиз ёки аксинча) мавжуд, бироқ улар ўртасида уйғунлик бўлмаслиги мумкин.

Комил инсон деганда эса ҳар томонлама ривожланган шахс тушунилади, яъни ақлий, маънавий, жисмоний, ахлоқий ва касбий жиҳатдан ривожланган, ҳамда улар ўртасида қарама-қаршилик йўқ, аммо уйғунлик мавжуддир.

Комил инсон тушунчасида инсоннинг ёши ҳам ўзига хос ўринга эга. Масалан ёш йигит-қизни оладиган бўлсак улар ақлий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланган бўлиши мумкин, лекин уларнинг ёшига қараб комил инсон эмас баркамол авлод деб атаймиз. Баркамол авлод ўсиб-улғайиб, тинмай ўқиб изланиши ва меҳнат қилиши натижасида кейинчалик комил инсон бўлиши мумкин. Яқинда Наманган шаҳрида бўлиб

ўтган “Баркамол авлод - 2014” республика спорт мусобақаларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ўқувчилари иштирок этишди. Демак баркамол авлод бу 14-18 ёшлар атрофидаги ёш йигит-қизлардир.

Баркамол ёш авлоднинг шаклланишига кўпгина омиллар (масалан, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва бошқалар), шу жумладан қадриятлар ҳам таъсир қилади.

Инсон учун нарса ва ҳодисаларнинг қадрли, аҳамиятли бўлган томонлари, хусусиятлари ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Ёшларни қадриятлар асосида тарбиялаш бугунги глобаллашув жараёнида асосий масалалардан биридир. Бу ҳақда Республика Президенти Ислам Каримов шундай таъкидлайди: - “Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup>.

Жамият ривожланган сари қадриятлар унинг зарурий ва муҳим таркибий қисмига айланиб боради. Қадрият инсонларнинг ўзаро муносабатларида, унинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланади ва ривожланади. Инсонда қадриятга бўлган эҳтиёжи мавжуд ва у доимо ўсиб боради.

Ёш авлод шу қадриятлар асосида тарбияланади, уларда қадриятлар тўғрисида тушунчалар пайдо бўлади. Уларнинг ҳаётида қадриятлар йўналтирувчилик вазифасини ўтайди. Ёшлар қадриятларнинг моҳиятини англагач, улар талаблар шаклини олади. Кейинчалик ёшлар бу қадриятларга мувофиқ ҳаракат қила бошлашади, ҳаётда уларга риоя этишади, яъни улар ёшлар ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллай бошлайди. Бундай шароитда қадриятлар идеал сифатида намоён бўлиб, ёшларга йўл кўрсатади. Ёшларни баркамолликка элтади.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек «... халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда»<sup>2</sup>.

Қадриятларнинг шаклланиши ва такомиллашувида ижтимоий ҳаёт нафаси, унда устувор бўлган ижтимоий ғоялар, маърифат ва мафкура муҳим аҳамиятга эгадир. Адабиётда қадриятларнинг моддий, маънавий, миллий, умуминсоний, табиий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний қадриятлар каби турлари келтирилади.

Маънавий қадриятлар ичида энг асосийларидан бири — билимдир. Билим оламни билиш жараёнида инсон амалий фаолиятининг натижасидир. Билим ёшларнинг шаклланиши ва ривожланишига, дунёни қайта қуришга хизмат қилиши керак. Ёшлар камолотида билим олишга интилиш яхши фазилатлардан биридир. Ёшларга билим эгаллаш зарурлигини тушунтириш керак. Юсуф Хос Ҳожиб билим олиш ҳақида назмда шундай ёзади:

Агар кимда бўлса ақл, илм, зеҳн,  
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин,  
Зиёд бўлса кимда ўқув, укув, аҳл, билим  
Ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин.  
Билимли биледи билим ҳурмати,  
Билимсиз не билгай билим қийматин.<sup>3</sup>

Билим тўғрисида халқимизда шундай гап бор: “Билим ва фақат билим инсонни эркин ва буюк қилади”. Билим, илм ҳақида А.Фирдавсий шундай дейди:

“Илмдан бир шуъла дилга тушган он,  
Шунда билурсанким, илм бепоён”.

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда Президент Ислом Каримов сўзга чиқиб ажодларимизнинг бебаҳо мероси — Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ибн-Сино, Ал-Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд Қошғарий, Аз-Замаҳшарийларнинг асарлари — маънавий қадриятларимиз ҳақида гапириб ўтди. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида илм ҳақида шундай дейилади: - “Илмни

дўст, бекорчи турмушни душман тутғил”.<sup>4</sup> Бу асарлардаги ижтимоий ва табиий-илмий билимларни ўқиб, ўзлаштириб олган ва амалиётда синаб кўриб, ўзларининг ички ишончига айлантирган, уларни қадрлилигини, ҳақиқатлигини англаган ёш йигит-қиз бу билимларни қадрият сифатида қабул қилади. Бу билимлар ёшларни ҳаётга бўлган муносабатини яхши томонга ўзгартиради, дунёқарашини бойитади, фаолиятини ижобий томонга йўналтиради. Мазкур билимлар ёшларнинг маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда назарий асос бўлади. Бундай ёшлар албатта баркамолликка эришадилар. Шу боис ёш авлодни чуқур билим олишга ҳаракат қилишга ундашимиз лозим.

Баркамол авлоднинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган ахлоқий қадриятлар — адолат, ҳалоллик, садоқатдир. Ёш авлодга адолат нима эканлиги, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришимиз зарур.

Адолат — одиллик, ҳаққонийлик деган маънони англатади. Адолат — инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг категорияларидан бири. У жамият ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма замонларда ҳам асосий мезон бўлиб келяпти. Адолат тенглик ва тақдирлашнинг ўлчовидир. Адолат юксак маънавий қадрият ҳисобланади. Адолат маънавиятнинг инсонлараро муносабатларда намоён бўлишидир. Адолат бўлган жой ҳамisha гуллаб-яшнаган, ривожланиш бўлган, халқ эркин яшаган. Жамиятда доимо адолатни таъминлаш лозим. Адолатни таъминлашда фуқароларнинг ахлоқий, ҳуқуқий онги, ахлоқий, ҳуқуқий тарбия юксак даражада бўлиши зарур. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари — суд, прокуратура, ички ишлар органларининг роли каттадир.

Адолатни таъминлашнинг энг ишончли усули давр руҳига мувофиқ мукамал қонунлар ишлаб чиқиш ва қонун устуворлигини таъминлашдир.

Адолат — одиллик, холислик тушунчаларини ҳам тақозо қилади.

Одиллик — адолат, холислик тушунчалари билан ўзаро боғлиқдир.

Одиллик — ҳаққонийлик, тўғрилиқ, адолатни ифодалайдиган тушунча. Одиллик инсонни қонун асосида ҳақиқатни аниқлаш, адолат юзасидан қарор қабул қилишга ундайди.

---

Одиллик холис иш тутишни ҳам англатади. Холислик — тоза, соф самимийлик каби инсоний фазилятларни билдиради. Одиллик фазилятга эга инсон атрофдагиларга бегараз, чин дилдан, самимий яхшилик қилади. Бундай фазилятга эга одамларни чин инсон деб аташади.

Арабча “ҳалол” сўзининг маъноси рухсат этилган, қонуний, тўғри, виждонли одам, тоза, ичса, еса, фойдаланса бўлади, ҳаром эмас деганидир.

Ҳалоллик — юксак инсоний фазилятдир. Ҳалоллик — бирор сўзни гапириб, унинг устидан чиқиш, бирор ишни қонуний, ахлоқийлик нуқтаи-назаридан алдамчиликка йўл қўймай тўғри бажариш. Ҳалоллик — софлик, тозаллик, покизалик демакдир. Ҳалоллик — виждонан меҳнат қилиб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмай, соф яшашни англатадиган маънавий-ахлоқий фазилят. Ҳалоллик — поклик, виждонлилик тушунчалари билан бевосита боғлиқдир.

Садоқат — юксак маданиятли одамларга хос маънавий-ахлоқий хислатлардан биридир. Садоқат — инсоннинг Ватанига, ота-онасига, турмуш ўртоғига, бошқа инсонларга, танлаган касбига нисбатан содиқлигини, самимиятини, уларга вафдорлигини ифодалайди. Инсонни садоқатли

бўлишга ҳаётнинг ўзи ундайди.

Ёш авлод адолат, ҳалоллик, садоқат ҳақидаги билимларни ички ишончига айлантириб, уларга шахсий ҳаётида, амалий фаолиятида интилиши, риоя қилиши лозим.

Баркамол авлод мамлакат ривожланишининг эртанги куни, куч-қуввати, бойлигидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ёшларга, уларнинг баркамол бўлиб ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Республикамиз Президенти Ислам Каримов 2010 йилни “Баркамол авлод йили” — деб эълон қилган эди. Мамлакат раҳбарининг ёшларга оид жуда кўпгина фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган, “Зулфия”, “Ниҳол” номидаги Давлат мукофотлари таъсис этилган. Буларнинг барчаси ёшларнинг баркамол авлоднинг ривожланиши учун шарт-шароит яратади, уларга ўз истеъдодини намоён қилиш имкониятини беради. Фармон ва қарорлар эса ҳуқуқий кадриятлардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан, баркамол авлодни шакллантиришда миллий, ахлоқий, ҳуқуқий кадриятларнинг маъно-мазмунни, моҳиятини чуқур тушунтириб бориш давр талабидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. —Т., 2010.— Б. 94.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч.— Т., 2008. — Б. 96.

<sup>3</sup> Ҳикматлар хазинаси. — Т., 1977. — Б. 68.

<sup>4</sup> Кайковус. Қобуснома. — Т., 1994.— Б.102.

#### **Юсубов Д. А. Баркамол авлод шаклланишида кадриятларнинг ўрни**

**Таянч иборалар:** комил инсон, баркамол авлод, етук шахс, кадрият, кадриятлар тизими, моддий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий кадриятлар, билим, адолат, ҳалоллик, садоқат, маънавий мерос.

Мақолада баркамолликка эришишда инсон маънавиятининг ривожланиши билан боғлиқ омиллар, баркамол авлод тарбиясида кадриятларнинг ўрни, турлари, илм-маърифат ҳақида буюк алломаларнинг қарашлари баён қилинган, билим, адолат, ҳалоллик ва садоқат ҳақида фикрлар билдирилган.

#### **Role of spiritual values in formation of harmoniously developed generation**

**Key words:** harmoniously developed man, perfect man, values, system of values, material, spiritual, moral and legal values, knowledge, justice, purity of thoughts, devotion, spiritual heritage.

The article deals with the factors connected with development of the person's spirituality in achieving the perfection, great thinkers' views about the role and types of values, science and enlightenment, knowledge, justice, honesty and devotion in education of perfect generation.

#### **Юсубов Д.А. Место ценности формирование гармонично развитого поколения.**

**Ключевые слова:** гармонично развитый человек, совершенный человек, ценности, система ценностей, материальные, духовные, нравственные, правовые ценности, знание, справедливость, чистота помыслов, преданность, духовное наследие.

В статье освещаются факторы, способствующие развитию духовности личности, анализируются взгляды великих мыслителей о месте духовных ценностей, просвещения, чувства справедливости, честности в воспитании гармонично развитого поколения.

Ш. О. Мамадалиев\*

### ЎЗБЕКИСТОНДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ШАРОИТЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳақида тарихчи, файласуф, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар ва публицистлар ўнлаб илмий ва публицистик асарларни нашр этишди. Ушбу асарларда сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Мавжуд сиёсий партиялар фаолиятини таҳлил этиш, умумий ва хусусий жиҳатларини ўрганиш орқали сиёсий партияларнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мумкин. Сиёсий партияларнинг фаолияти маълум бир ижтимоий қонуниятларга бўйсунishi хусусида хорижий олимлар ҳам муносабат билдиришган. Бу ўринда француз олими Дювержининг “Политические партии” номли асарини тилга олиш ўринлидир. Дювержининг таъкидлашича “Сиёсий партиялар ижтимоий объектив зарурият асосида пайдо бўлади”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, объектив ижтимоий зарурият асосида пайдо бўлган партияларгина жамиятда муносиб ўринга эга бўлади.

Ўзбекистон сиёсий партиялари объектив қонуниятларга асосланган ижтимоий-сиёсий шароитлар заминида пайдо бўлган. Ўзбекистон сиёсий партияларининг устав ва дастурлари босқичма-босқич эволюцион тарзда давлат ҳокимиятини шакллантириш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнларига мос равишда ўзгариб, такомиллашиб борапти.

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қўлга киритиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйди. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти эса кўппартиявийликни талаб этади. Даставвал, бир партиявий тизимдан кўппартиявий тизимга ўтиш эҳтиёжлари асосида “Ўзбекистон халқ демократик партияси” (1991 йил 18 ноябрь), сўнгра “Ватан тараққиёти” (1992), “Эрк демократик партияси” (1991) пайдо бўлди. Ушбу сиёсий партияларнинг назарий асосини мустақиллик мафкураси, электоратини мустақилликни қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон фуқаролари ташкил этди.

Мустақиллик эълон қилиниб, янги ижтимоий-сиёсий шароит вужудга келмаганида кўппартиявий тизимга эҳтиёж бўлмас эди. Иккинчидан, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун (1991 й) кўппартиявийлик тизимининг пайдо бўлишига ҳуқуқий замин яратди. Сиёсий партиялар фаолиятини қонунлар доирасида бўлиши — демократик талабдир. Бундай талаб жамиятда сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлашга, тартибсизликка чек қўйишга хизмат қилади. Қонунга зид хатти-ҳаракат содир этган партияларни сиёсий майдондан четлаштиради. Ўзбекистон Эрк демократик партияси устави ва дастурига зид ҳаракат содир этганлиги учун унинг фаолияти Олий суд томонидан тўхтатилган. Бу “ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам ҳимояси ҳам сўзи ва кўзи ҳам қонундир” — деган фикрнинг амалий ифодаланишидир.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

---

Мустақилликнинг дастлабки йилларида пайдо бўлган сиёсий партиялар 1991 йилдаги Президентлик ва 1994 йил Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда иштирок этиб, давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ворисийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Ўша пайтда сиёсий партиялар бўлмаганда, ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлаш, жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириб бўлмас эди. Шу сабабли, ХДП, Ватан тараққиёти партиялари фаолиятига объектив баҳо бериш лозим. Ушбу партияларга “тепадан яратилган”, “чўнтак партиялари”, “номини ўзгартириб олган холос...” каби примитив ёндашувлар англамаган реаллик маҳсулидир. 1995 йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бериб, халқаро ҳамжамият томонидан “ўзбек модели” номи билан эътироф этилди.

Мамлакатимизда демократик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар қарор топиб, турли хил манфаатларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар, жумладан, мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Бу эса янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи янги сиёсий партияларнинг вужудга келишига асос бўлди. Миллий тикланиш демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Фидокорлар, Ўзбекистон либерал-демократик партияси ана шу ўзгарган ижтимоий-сиёсий муносабатлар маҳсулидир. Ушбу даврда сиёсий партияларнинг дастури ва уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, тегишли қонунчилик такомиллаштирилди. “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996 йил 26 декабрь), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” (2004 йил 30 апрель), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” (2007 йил 11 апрель) ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда сиёсий партияларни тузиш тартиби соддалаштирилди, давлат вакиллик органларини шаклланти-

риш, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, сиёсий партияларни ташкил этиш учун 50 нафар ташаббус гуруҳини тузиш ҳамда 8 та субъект ҳудудида 20 минг имзо йиғиш белгилаб қўйилди (илгари 3 минг нафар фуқаро имзоси етарли эди).

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат ягона сиёсий партияларга берилди (илгари Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашига, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳига ҳам шундай ҳуқуқ берилган). Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифатнинг ҳуқуқлари, сиёсий партияларнинг блокка бирлашиш ҳуқуқи, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Сиёсий партиялар ҳуқуқларининг босқичма-босқич кенгайиб бориши, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориши ҳамда сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини ортиб бориши билан уйғун ҳолда амалга оширилди. Айниқса, Ислом Каримов томонидан эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан (32, 78, 93, 98, 103, 117) сўнг сиёсий партиялар ўртасидаги партиялараро рақобат янада кучайди ҳамда фуқароларнинг партияларга бўлган қизиқиши ва ҳурмати янада ортди. Конституцияга киритилган янги ўзгартишлар Ўзбекистон сиёсий партиялари ривожланишининг янги сифат босқичини бошлаб берди. Янги босқичда сиёсий партиялар нафақат давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш, балки ижро ҳокимиятини тузиш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш

---

имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партияга, яъни парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи партияга ёки блокка Бош вазир номзодини Президентга тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқининг берилиши, Олий Мажлиснинг Бош вазирга нисбатан “ишончсизлик вотуми”ни эълон қилиш ваколатига эга бўлиши, Бош вазирга Олий Мажлисга яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиш ва ҳисобот бериш масъулиятининг юклатилиши сиёсий партияларнинг ижро этувчи ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишини таъминлайди. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳозирги босқичда ривожланган демократик давлатлардаги сиёсий партиялардан кам бўлмаган ҳуқуқ ва имкониятларга, баъзи масалаларда эса хорижий сиёсий партиялар ўрганиши лозим бўлган устун хусусият ва тажрибага эга бўлдилар. Ўзбекистон сиёсий партиялари учун яратилган ижтимоий-сиёсий шароитнинг афзаллиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади.

*Биринчидан,* Ўзбекистон Республикаси Конституциясида<sup>2</sup> Ўзбекистонда бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи, конституциявий тузумни ағдаришни мақсад қилиб қўйган, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳарбийлашган бирлашмаларни, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларни шунингдек, махфий жамиятлар ва уюшмаларни тузиш тақиқланган. Айрим давлатларда бузғунчи ғояларни, миллий ва диний адоватни, урушни тарғиб этувчи сиёсий партиялар фаолияти тақиқланмаган. Шу боис бундай мамлакатларда сиёсий ва ижтимоий кескинликлар кузатиляпти ёки ноқонуний давлат тўнтаришлари содир этиляпти. Демократия амал қиладиган сиёсий режимда бузғунчи ғояларга асосланган сиёсий партияларнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки демократия — бу бунёдкор, яратувчи ғоядир. Демак, бузғунчи ғоя — сиёсий партияларнинг мавжудлигига, демократияга ва тинчликка қаратилган таҳдиддир. Ўзбекистоннинг бу

борадаги сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасини оммалаштириш долзарб аҳамият касб этади.

*Иккинчидан,* Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзга тартибда қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракцияси тузиш учун запрур миқдорда (9 нафар) депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партия сайлов учун ажратилган маблағни давлат бюджетига қайтаради. Бу амалиёт сайловчилар овозини сотиб олишга ёки сайловчини алдашга йўл қўймайди.

Сайлов — бу энг муносиб номзодларни танлаш ҳуқуқидир. Афсуски, айрим давларда сайловда овозларни сотиб олиш, сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаш амалиёти кузатиляпти. Бунга сабаб, ушбу давлатлар қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқнинг мавжудлигидир. Давлат ҳокимиятидаги мансаблар олди-соттига олиб чиқиладиган товар эмас. Агар шундай қилинган тақдирда давлатчиликка путур етади, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий-руҳий муҳит бузилади<sup>3</sup>. Ўзбекистонда давлат томонидан сайловларда сиёсий партияларга тенг имкониятларни яратилиши, партиялараро соғлом ғоявий курашни таъминлайди, сайловчиларга муносиб номзод ва сиёсий партия учун овоз бериш имкониятини яратади.

*Учинчидан.* Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатида сиёсий партияларга аъзолигини тўхтатиб туриши тўғрисидаги қонунчилик амалиёти. Бу талаб кўпчилик ва озчилик манфаатларининг уйғунлаштирилишига ҳамда жамиятда сиёсий барқарорликнинг таъминланишига хизмат қиладди. Гамельтоннинг “ҳокимиятни кўпчиликка беринг, кўпчилик озчиликни эза бошлайди. Ҳокимиятни озчиликка беринг, озчилик кўпчиликни эза бошлайди” — деган хавотирга ўрин қолдирмайди.



---

*Тўртинчидан.* Ўзбекистон қонунчилигида ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига ўзининг алоҳида фикрини киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиш ҳуқуқлари берилган. Муҳолифат фаолиятининг қонунчилик билан тартибга солинганлиги сиёсий партияларнинг ҳокимият учун кураш амалиётини кафолатлайди. Айрим хорижий мамлакатларда кузатилаётган ҳокимият учун курашнинг “кўча”, “майдон”, “митингбозлик” амалиётига эҳтиёж қолдирмайди.

*Бешинчидан.* Ўзбекистон сиёсий партияларида ёшлар ва хотин-қизлар қанотларининг мавжудлиги. Сиёсий партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилаётган депутатларнинг 30 фоизини аёллар ташкил этиши тўғрисидаги “квота”нинг белгиланганлиги жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қиляпти. Ҳар қандай жамиятда тинчлик, осойишталик ва ривожланиш бўлиши учун ёшлар ва аёлларнинг манфаатларига устувор аҳамият қаратилиши лозим. Чунки, аёллар ёшларни, ёшлар эса жамият келжагини белгилайди. Ҳозирда аксарият ривожланган мамлакатларда ёшларнинг сони йилдан-йилга камайиб кетяпти, ўлим туғилишдан ўзиб кетган. Бу фожага сабаб, албатта аёллар ва ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг аниқ белгиланмаганлиги ёки жамоат ташкилотларининг ушбу масалага етарли эътибор бермаганлигидир. Ўзбекистонда эса 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш учун хотин-қизлар қўмитасининг раиси Бош вазир ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг маҳаллий раҳбарлари тегишли ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимига тенглаштирилган. Шу боисдан Ўзбекистон хотин-қизлари ва ёшларини ҳокимиятга ва

келажакка бўлган ишончи мустаҳкам. Бу ишонч эса мамлакатда барқарор ижтимоий-сиёсий шароитни вужудга келтирган.

*Олтинчидан,* Ўзбекистон сиёсий партиялари парламент типидagi партиялар бўлиб, уларнинг гоё ва дастурларида мамлакатни ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон сиёсий партияларини Ўзбекистон халқи манфаатларини ифода этувчи миллий гоё, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсади бирлаштиради, жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва субъектини белгиловчи партия дастурлари уларни бир-бирларидан фарқлантиради. Ва, айнан ана шу фарқ сиёсий партияларнинг мавжудлигини белгилайди. Демак, Ўзбекистон сиёсий партияларининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари ўзининг объектив асосига эга.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти учун демократик талабларга жавоб берадиган юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмаганда юқоридаги ютуқ ва эътирофга эришиб бўлмас эди. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий шароитлар сиёсий партияларнинг ўзгаришига, сиёсий партиялар эса фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиши ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалишига хизмат қилаётгани айтиш ҳақиқатдир. Ўзбекистон сиёсий партиялари халқ ичидан чиққан, Ватанга ва халққа хизмат қилишни олий саодат деб билувчи демократик партиялардир. Бу ўринда Юртбошимизнинг “Кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин” деган фикрини келтириб ўтиш ўринлидир.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида сиёсий партиялар олдида эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, партия дастурида кўзланган мақсадни амалга ошириш учун тинимсиз изланишлари, ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб, уларни баратараф этиш йўлидан боришлари талаб этилади.

---

Бунинг учун:

— сиёсий партияларнинг ўзаги, асоси бўлган бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳи фаолиятини замон талабларига мувофиқ ташкиллаштириш;

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларини қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш йўналишидаги ишларини янада такомиллаштириш; қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнларидаги фракциялараро соғлом кураш муҳитини ривожлантириш, қонунлар ижросини таъминлаш, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда плюрализмга йўл қўймаслик,

яъни ягона куч сифатида ҳаракатланиш;

— сиёсий партия аъзоларини юксак маънавият, қонун устуворлиги асосида яшаш, ҳалоллик, адолат, жасорат каби фазилатларини камол топтириш устида доимий маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари таркибига шуҳратпараст, мансабпараст, пулга ҳирс қўйган, шахсий манфаатларини давлат ва халқ манфаатларидан устун қўйувчи шахсларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик.

Партия органларида давлат бошқарувига хос бўлган бошқарув усулларидан фойдаланишга йўл қўймаслик, ички интизом ва демократияни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар устида тинимсиз ишлаш лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дювержи М. Политические партии. М., 2001. — С.10.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2014. — Б. 20 .

<sup>3</sup> Қаранг: *Смирнов В.* Аферы на выборах. — М., 2008. — 240 с.

### **Ш. О. Мамадалиев. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-сиёсий шароитлари**

**Таянч иборалар:** Сиёсий партиялар, кўппартиявий тизим, фракция, депутатлик гуруҳи, партиялараро кураш, муҳолифат, сиёсий блок, сайлов тизими

Мақолада Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг шаклланиши қонуниятлари, Ўзбекистон сиёсий партияларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари очиб берилди. Ўзбекистон сиёсий партияларининг Президент, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловлардаги иштироки билан боғлиқ масалаларнинг ечими хусусида фикр- мулоҳазалар баён этилади. Сиёсий партиялар ваколатларининг кенгайтиши ва масъулиятининг ошиши билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилади.

#### **Socio-political conditions of formation and development of multi-party system in Uzbekistan.**

**Key words:** political parties, multi-party system, faction, group of deputies, interparty struggle, opposition, political bloc, electoral system.

In the article the author discloses appropriateness, socio-political and legal conditions of formation of multi-party system in Uzbekistan, considers actual problems of participation of political parties in the elections of representative organs of state power, puts forward concrete proposals dealing with widening the powers of political parties and enhancing their civil responsibility.

### **Ш.О. Мамадалиев. Социально-политические условия формирования и развития многопартийной системы в Узбекистане.**

**Ключевые слова:** политические партии, многопартийная система, фракция, депутатская группа, межпартийная борьба, оппозиция, политический блок, избирательная система.

В статье раскрываются закономерности, социально-политические и правовые условия формирования многопартийной системы Узбекистана, рассматриваются актуальные вопросы участия политических партий в выборах представительных органов государственной власти. Формулируются конкретные предложения, связанные с расширением полномочий политических партий и повышением их ответственности перед обществом.

С. М. Зайнутдинов\*,  
С. Р. Дарвишов\*\*

## МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ ЭКАНЛИГИ

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида *“Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”* деб таъкидлайди.

Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция сиёсатини юритиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш мамлакат иқтисодиётининг келажагини белгилайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда тўб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида инвестиция сиёсатига эътибор қаратиб “Жадал ва

мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган **инвестиция сиёсати** юритиш энг муҳим омил ҳисобланади” дейдилар. Таъкидлаш жоизки, инвестиция дастурини амалга оширишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Биргина 2014 йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этгани мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётганлигидан далолат беради.

Шу боис, 2014 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 14 миллиард 600 миллион АҚШ доллари қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бу эса, 2013 йилга нисбатан 10,9 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир<sup>1</sup>.

Жалб қилинган инвестицияларнинг асосий қисми – 73 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди. Энг янги замонавий ускуналар сотиб олишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедраси профессори.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

---

---

ташкил этди. Бу ўз вақтида кўплаб янги иш ўринлари яратишга имкон берди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича, “Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас”<sup>2</sup>. Бу борада юртбошимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб: - “Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур”<sup>3</sup>, деб унинг нечоғлик зарурлигига баҳо беради.

Юртбошимиз ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этганини, шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканлигига эътибор қаратади.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда инвесторлар учун қулай инвестициявий муҳит шакллантирилганини, асосан хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланганини алоҳида қайд қилиш лозим. Шунинг учун ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва самарали фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда<sup>4</sup>. Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли бўлмаган бўлса, 2000 йилда чет эл инвес-

тиция ва кредитларининг улуши 23,2 фоизни, шу жумладан ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил қилди. 2010 йилга келиб эса хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 29,1 фоизни, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 25,3 фоизни ва ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар 3,8 фоизни ташкил этди<sup>5</sup>. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради. Бу борада юртбошимиз *«Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса, айти шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик»*<sup>6</sup>. дея мустақиллик йиллари мамлакатимизда чет эл инвесторлари фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилганлигини эслатиб ўтдилар.

Мустақиллик йиллари мобайнида республикаимизда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қонун билан чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларини тартибга солувчи қонунларга ҳам қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги қонунига киритилган қўшимча ва ўзгаришларга кўра чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўхатидан ўтиш жараёнларини енгиллаштириш мақсадида “бир дарча” тамойили асосида амалга оширилиши белгиланди.

---

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов чет эл инвестиция сиёсатини янада ривожлантириш мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида мавжуд қонунқоидалар асосида бизнес фаолиятни янада шакллантириш, бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг халқаро рейтингини янада оширишни таъминлаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг томонидан 2014 йил 7 апрель куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу Фармонда мамлакатимизда мавжуд инвестиция жараёни ҳамда ишбилармонлик, бизнес юритиш фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермаётганлигини эътиборга олган ҳолда давлатимиз раҳбари ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, янги иш жойларини барпо этишга катта эътибор қаратмоқда.

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Бизнинг эътиборимиз марказида туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан яна бири — бу Конституциямизга мувофиқ кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча гов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир” дейдилар. Бу билан юртбошимиз мамлакатимизда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш, унинг эркинлигини таъминлаш, дунёдаги йирик компаниялар билан ҳамкорликни янада

мустаҳкамлаш ва қисқа вақт ичида иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг турларини кўпайтириш ва шу билан бирга сифатли, рақобатбардош, нархи баланд бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни асосий вазифа деб белгилайди.

Юқорида қайд этилган қонуний кафолатлар қулайликлар қаторида мамлакатимизда юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилишининг рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу Фармон билан:

— хорижий инвесторларнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий

---

---

ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканлиги;

— қиймати 50 миллион АҚШ доллари-дан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши;

— вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқланиши ва бу ҳол қонунга хилоф деб ҳисобланиши;

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий инвесторларнинг, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиши ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар қўриши;

— давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилиши;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталиқ визалар расмийлаштирилишини таъминлаши;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаши;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўёбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиши ҳамда берилаётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан риоя этилмаслиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот киритиб бориши белгиланган.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити сабабли, 2007-2013 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида инвестиция салмоғи 19 фоиздан 23 фоизга ўсди. Шуниси эътиборлики, ҳукумат миқёсида кафолатланган кредитлар 22 фоиздан 13 фоизга камайтирилган бўлса, шу давр мобайнида ҳукумат томонидан кафолатланмаган кредитлар 2 фоиздан 41 фоизга ўсди<sup>7</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициянинг асосий қисмини

---

---

ташкил этувчи ички инвестиция ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Сўнги йиллар мобайнида ички инвестиция тизими асосан икки йирик манба ҳисобига амалга оширилмоқда. *Биринчиси*, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган бўлса, *иккинчиси*, аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва юртимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини барпо этиш учун тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу дастурга биноан мамлакатимиз саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилган. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади<sup>8</sup>.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 май Фармони билан ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан

ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат. Ўтган давр мобайнида жамғарма 15 миллиард АҚШ долларида зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Бугунги кунда Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди<sup>9</sup>.

Мамлакатимизда қулай инвестициявий шароит яратилганлиги учун ҳам мустақиллик йилларида 162 миллиард АҚШ долларида зиёд капитал маблағлар ўзлаштирилди, унинг 58 миллиард доллардан ортиғи хорижий инвестициялардир.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш мақсадида саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Жумладан, 2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилганининг ўзи алоҳида аҳамиятга эга.

Улардан айримлари қуйидагилардир:

— йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш»;

— «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш»;

— «80 минг тонна рух концентратини қайта ишлаш бўйича рух заводини реконструкция қилиш»;

— «Мис эритиш заводида янги сульфат кислота цехини қуриш»;

— Электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини 50 мегаваттга ошириш мақсадида «Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ миқёсда модернизация қилиш»;

— Қорақалпоғистон Республикасидаги «Манғит» масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонаси ташкил этиш» ва бошқа объектларни тилга олиш мумкин<sup>10</sup>.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бугунги кунда ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилаётган бир пайтда мамлакатимизда 2015 йилда ўзлаштириладиган барча капитал қўйилмалар ҳажми 15 миллиард 960 миллион АҚШ долларини ёки 2014 йилга нисбатан 110,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Айти вақтда, ўзлаштириладиган барча инвестицияларнинг 74,5 фоизга яқини ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 43,1 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, 2015 йилда 3 миллиард 500 миллион доллардан зиёд чет эл инвестициялари ўзлаштирилиши, уларнинг

умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этиши ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпайиши мўлжалланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда асосан қуйидаги соҳаларга устуворлик берилмоқда:

— замонавий технология асосида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш;

— ускунаасозлик, асбоб-ускуналар ва радиотехника, автомобиласозлик ва уларга эҳтиёт қисмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

— хом ашё ва энергоресурсларни тежамли ишлатиш имкониятларини берувчи ускуналарни ишлаб чиқариш;

— замонавий ахборот ва телекоммуникациялар тизимини барпо этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

— хом ашё, табиий ресурсларни қазиб чиқариш ва экологик жиҳатдан соф ускуналар билан қайта ишлаб чиқариш ва хоказолар;

— аҳолимизни сифатли дори-дармон билан таъминлаш ва замонавий тиббий техникани ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Юқорида, зикр қилинган фикрларимиз мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг саъй-ҳаракатлари натижасида юртимизда инвестиция сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини кескин ривожланишига, аҳоли даромадларининг ўсиши, ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги дадил қадамдир.

<sup>1</sup> Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазирамиздир. <http://www.uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015>

<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т., 2000. — Б.393.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.— Т., 2001.— Б. 265.

<sup>4</sup> Ёзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012.— №15.— 167-м.

<sup>5</sup> Абулқосимов Х Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги.— Т., 2012.— Б.. 312

<sup>6</sup> Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. — 2014. — 18 янв.



---

<sup>7</sup> <http://www.review.uz/ru/article/265>

<sup>8</sup> *Каримов И.А.* Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи. – 2011. – 22 янв.

<sup>9</sup> *Каримов И. А.* 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014. – 18 янв.

<sup>10</sup> *Каримов И. А.* 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. <http://www.uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015>

**С. М. Зайнутдинов, С. Р. Дарвишов. Мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитнинг иқтисодий тараққиёт омили эканлиги**

**Таянч иборалар:** инвестиция, инвестор, ички инвестиция, тўғридан-тўғри инвестиция, инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳаси, инвестиция дастури, инвестиция портфели, капитал қўйилма.

Мақолада мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, унинг келажagini белгилаш ва иқтисодий тараққиётда инвестицияларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида инвесторлар учун қулай инвестициявий муҳитнинг шакллантирилгани, асосан хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланганлиги ҳақида атрафлича маълумот берилади.

**Favorable investment environment as a factor of economic progress**

**Key words:** investment, investor, domestic investment, direct investment, investment policy, investment project, investment program, security portfolio, capital investment.

The article deals with the significance of investment in modernization and implementation of structural reforms in economy, in planning and economic growth of country. The author analyzes the processes of formation in the Republic of Uzbekistan during the years of independence of favorable investment climate and creation of the system of guarantees, remissions and preferences for foreign investors.

**С.М. Зайнутдинов, С.Р.Дарвишов. Благополучный инвестиционный климат - фактор экономического развития нашей страны.**

**Ключевые слова:** инвестиция, инвестор, внутренняя инвестиция, прямая инвестиция, инвестиционная политика, инвестиционный проект, инвестиционная программа, инвестиционный портфель, капиталовложения.

В статье раскрывается роль инвестиций в модернизации и проведении структурных реформ в экономике, планировании и экономическом развитии страны, анализируются процессы формирования за годы независимости в Республике Узбекистан благоприятного инвестиционный климата и создания системы гарантий, льгот и преференций для иностранных инвесторов.

Д. Х. Пайзиева\*

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛИЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

“Ҳуқуқ субъекти” тушунчаси юриспруденциянинг асосий таянч категорияси бўлиб, у бутун ҳуқуқшунослик учун методологик аҳамият касб этади. Юридик фанда тан олинган нуқтаи назарга кўра, ҳуқуқ субъекти бўлиш - бу ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта оладиган шахс сифатида тан олиншидир. Ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахс ўрнатилган тартибда расман тан олинши ёки қонунда белгиланган сифат (хусусият)ларига эга бўлиши лозим. Ушбу сифатларнинг йиғиндиси “ҳуқуқ субъекти” ва “шахснинг субъектив ҳуқуқдорлиги” тушунчасини англатади. Халқаро ҳуқуқда шахснинг ҳуқуқдорлиги масаласи кўпдан бери баҳс-мунозарали бўлиб келмоқда. Фақат давлатнинг ички ҳуқуқи (қонунчилиги) ҳуқуқдорликнинг манбалари ҳисобланишига оид айрим назарий ҳолатлар баҳс уйғотмаяпти, холос<sup>1</sup>.

Бу борадаги баҳс марказида шахснинг мустақил равишда ҳуқуқдорлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўташ қобилиятига эга бўлиши масаласи туради. Баъзи олимлар хатто “ҳуқуқдорлик”, “ҳуқуқ эгаси бўлиш” тушунчалари юриспруденция учун аҳамиятсиз категориялардир, дейиш даражасига бориб етмоқдалар. Масалан, Н.М.Матузов, Н.А.Чечина ва В.И.Корецкийлар “ҳуқуқдорлик” иборасини ишлатиш шарт эмас, чунки қонунчиликда “ҳуқуқдорлик” ёки “ҳуқуқ субъектчилиги” деган тушунчалар берилмаган, деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Фикримизча, ҳуқуқ субъекти ва ҳуқуқдорлик ҳодисаларисиз ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёни

(механизми) ҳам амалга ошиши мумкин эмас.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ўз предмети ва субъектлари таркиби кенгайиб бораётганлиги билан характерланади. Шу боис шахс (индивид) ларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми (статуси) масаласини чуқур илмий таҳлил этиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Халқаро ҳуқуқ соҳасида йирик мутахассис ҳисобланган проф. И.И.Лукашукнинг ёндашувига кўра, “Халқаро ҳужжатларда индивидни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тўғридан-тўғри эътироф этиш учрамайди. Агар баъзи ҳолларда бу масала кўтарилса ҳам, индивид бенефициарий (фойдаланувчи) сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқ ва эркинликларга келсак, албатта, индивид уларнинг субъекти саналади, улар айнан шахс учун мавжуд бўлади. Гап шундаки, инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган нормалар умумҳуқуқий принцип хусусиятига эга бўлиб, улар халқаро ҳуқуққа ҳам, давлатнинг ички ҳуқуқига ҳам тегишлидир. Шунга кўра, бу ҳуқуқ ва эркинликлар алоҳида юридик хусусиятга эга бўлади. На халқаро-ҳуқуқий шартнома, на давлатнинг ички қонуни инсон ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин эмас. Бундай мақомни асослаш учун инсоннинг табиий ҳуқуқлари концепцияси қўлланилади”<sup>3</sup>.

Проф. В.А.Карташкина бир оз бошқачароқ ёндашув тарафдори. У шундай деб ёзади: “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномани ратификация қилган давлат нафақат бошқа давлатлар олдида муайян келишувларни бажариш мажбуриятини

\* Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси.

олади, балки ўз фуқаролари ва юрисдикцияси остида бўлган барча шахслар олдида ҳам мажбурият олади<sup>4</sup>. Д.Гомьеннинг фикрича, индивид тобора “халқаро ҳуқуқ доирасига кириб бормоқда”, баъзи ҳолларда у инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни таъминлаш жараёнларида ҳам иштирок этмоқда (масалан, бу Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида юз бераётган кўп сонли ҳуқуқий прецедентларда намоён бўлмоқда<sup>5</sup>.

В.А.Карташкин Д.Гомьеннинг далилларига таяниб қуйидаги фикрни таъкидлайди: индивид халқаро ҳуқуқлар ва бурчлар эгаси сифатида халқаро нормалар талабларини бажаради ва уларни бузган тақдирда жавобгар бўлади. Шундай қилиб, иккинчи ёндашувнинг маъноси шуки, индивид халқаро ҳуқуқнинг чегараланган (махсус) субъекти ҳисобланади.

Шунга ўхшаш фикрни Европа Кенгаши ва Европа судининг қатор вакиллари ҳам билдиришади. Масалан, Москвада Бутун Россия судьяларининг навбатдан ташқари тўртинчи съездида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг раиси Р. Рисдаль сўзга чиқиб, шундай деди: Европа судида хусусий шахслар низоларни муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиш имкониятига эга бўлганлиги боис, “уларга халқаро ҳуқуқ субъекти мақоми берилган”<sup>6</sup>.

Бир қатор ҳолларда шахсга айрим халқаро нормалар билан “бенифициар”, “дестинатор” бўлиш имконияти берилиши, шунингдек, индивиднинг ҳуқуқий муносабатларда айрим халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси бўлиши қобилияти рад этилмаса ҳам, уни халқаро ҳуқуқнинг субъекти деб тан олмайдилар. Яна бир нуқтаи назар тарафдорларининг фикрича, халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади ва давлатларга мажбурият юклайди, шу сабабли индивид халқаро даражада фақат ўз давлати орқали намоён бўлиши, ҳуқуқий муносабатларда қанашиши мумкин.

Дуалистик концепция асосчиларидан бири Д.Анцилотти “Халқаро ҳуқуқ курсида”

қуйидагиларни ёзади: “Одатда, одат ҳуқуқи ва келишувлар гўё муайян шахсларга мажбурият юклайтгандек бўлиб кўринса-да, аслида индивид у ёки бу хатти-ҳаракатларни содир этиши юзасидан мажбуриятни давлатга юклайди ёки унга ваколат беради. Табиийки, халқаро низолар ўз предмети сифатида индивидларнинг манфаатини назарда тутати. Бундай манфаатлар халқаро-ҳуқуқий тартибот соҳасида аҳамият касб этганда, яъни давлатларнинг мажбуриятлари ва ўзаро талаблари сифатида намоён бўлганида бундай ҳуқуқий қоидалар маъно касб этади”<sup>7</sup>.

Австриялик олим А.Фердросснинг фикрича, “принцип жиҳатидан алоҳида шахслар халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланмайдилар, чунончи, халқаро ҳуқуқ индивидларнинг манфаатларини ҳимоя қилса-да, бироқ, алоҳида шахсларга бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкламайди, балки улар фуқароси бўлган давлатга ваколат беради ва мажбурият юклайди”<sup>8</sup>. Бироқ у, айрим “истисно ҳолатларини” назарда тутати, баъзан индивид халқаро келишувларга мувофиқ бевосита ҳуқуққа эга бўлиши ёки мажбурият ўташи мумкин<sup>9</sup>. Шу боис олим ҳар ҳолда индивидни халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида эътироф этади. Бунда ваколат эгаси ва мажбурият ўтовчи давлатни эмас, балки ҳуқуқ эгаси ёки мажбурият ўтовчи алоҳида шахсни назарда тутати. Халқаро шартнома асосида халқаро судда даъво билан чиқиш ҳуқуқига эга бўлган индивид фақат ҳуқуқдор субъект бўлади. Айни вақтда, халқаро ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўладиган индивид халқаро ҳуқуқнинг мажбурият ўтовчи субъекти бўлади<sup>10</sup>. Бироқ, А.Фердросснинг фикри мантиқан узвий давомига эга эмас. В.Фридманн ва Ф.Джессеп каби олимлар индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъектчилиги концепцияси муҳолифлари сифатида Трансмиллий компанияларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлигини тарғиб қилдилар. Уларнинг даъвосига кўра, индивиднинг халқаро-ҳуқуқий муносабатларда фақат ташкилотлар орқали, масалан,

---

суверен давлат орқали иштирок этиши халқаро муносабатларнинг ўзгармас талаби ҳисобланар эмиш. Агар халқаро ҳуқуқнинг нуфузли тадқиқотчиси Ж.Ссель фақат индивидлар халқаро ҳуқуқнинг ҳақиқий субъектлари бўла оладилар, деб уқтирган бўлса, бунда чамаси ҳуқуқий ва амалий маънодан кўра, рамзий ва маънавий мазмун намоён бўлади”<sup>11</sup>, деб ҳисобловчи муаллифлар бор.

Ф.Джессеп таъкидлашича, “Ҳозирча халқаро ҳамжамият давлатлардан иборат экан, халқаро ҳуқуқ эса уларнинг иродасини ифодаловчи шартнома ёхуд келишувлардаги нормалар ёки давлатлар ўз ваколатларини берган халқаро орган томонидан ифодаланган нормалар (қоидалар) ҳуқуқ ҳисобланса, фақат улар индивидларни ўзаро боғлай олади”<sup>12</sup>. Таъкидлаш лозимки, таҳлил этилган сўнги нуқтаи назар индивиднинг халқаро ҳуқуқдаги ўрни хусусидаги замонавий талқинга яқин келади.

Адабиётларда индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги масаласини назарий жиҳатдан ҳал этишдан бош тортувчи позициялар ҳам учрайди. Ушбу позиция тарафдорларидан бири Англиялик юрист Ян Броунлидир. Унинг фикрича, “Жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла олмайди деган умумий норма учрамайди ва муайян вазиятларда индивид халқаро муносабатларда ҳуқуқ субъекти сифатида майдонга чиқади. Айни вақтда, индивидни халқаро ҳуқуқ субъектлари қаторига киритиш бефойда бўларди, чунки бу ҳол унга ўзи бажара олмайдиган ҳуқуқларни юклаб қўйиши мумкин, шунингдек, бундай вазият жисмоний шахс билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш заруриятини келтириб чиқарган бўлар эди”<sup>13</sup>. Ваҳоланки, бундай заруриятни ҳеч ким инкор этмайди. Олимнинг таъбирича, *бир томондан*, “одатда, халқаро шартномалар хусусий шахслар учун тўғридан-тўғри ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди, бироқ томонларнинг нияти, мўлжаллари шундай бўлса, у ҳаётга татбиқ этилиши

мумкин”<sup>14</sup>. Шунингдек, “халқаро ҳуқуқ муайян мажбуриятларни индивидларга юклаши мумкин, шунда халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган шахсларни (шу жумладан, ҳарбий жиноятлар содир этганларни, геноцид билан шугулланганларни) миллий ва халқаро суд органлари суд қилиши мумкин”. *Иккинчи томондан*, Я.Броунлининг нуқтаи назарича, “қатъий аналитик терминлар талаби бўйича, индивид *per se* (ўз ҳолича) халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла олмайди. Индивид билан халқаро ҳуқуқ ўртасидаги алоқадорлик ҳали ҳануз фуқаролик институти масаласига бориб тақалади. Номутаносиблик шундаки, биргина ҳолатда, яъни фақат халқаро жиноий жавобгарлик борасида, ҳарбий жиноят ёки инсониятга қарши жиноят қилганда индивид процессуал нуқтаи назардан ҳуқуқ субъекти деб тан олинади. Тўғри, индивид “Инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш бўйича Европа конвенцияси”га мувофиқ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига шикоят йўллаши мумкин. Аммо, ёрдам сўраб мурожаат этиш ҳуқуқи манфаатдор давлатнинг розилигини олгач амалга оширилиши лозим ва бундай розилик амалда анча узоқ муддатларда олинishi мумкин”<sup>15</sup>.

Я.Броунли ўзининг ушбу зиддиятли позициясини қуйидагича изоҳлайди: “Халқаро ҳуқуқда индивиднинг мақоми муаммоларини тадиқиқ этувчи олимлар уни кенг назарий категориялар орқали таҳлил этадилар. Масалан, индивид халқаро ҳуқуқнинг “субъекти” бўлиши мумкинми, деган саволни ўртага ташлайдилар. *Биринчидан*, муаллиф инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда айнан шу мақсадда индивидларнинг халқаро судларга мурожаат этиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди ва халқаро ҳуқуқни бузгани учун жавобгарликка тортиш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал этиш учун индивиднинг ҳуқуқ субъектчилиги масаласини кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайди. *Иккинчидан*, индивидни халқаро

ҳуқуқнинг субъекти дейиш ёки субъекти эмас, деб топиш мумкин. Бироқ, ҳар икки ҳолатда ҳам тадқиқотчи ўзига катта масъулият олади ва жуда кўплаб саволларни жавобсиз қолдиради. Индивид халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бузганлиги учун жавобгарликка тортилганда, оммавий халқаро ҳуқуқда назарда тутилган мажбуриятларни тўла ҳажмда адо эта олмайди. Бундан ташқари, индивид халқаро-ҳуқуқий талаб ва эътирозларни ўзи мустақил баён эта олмайди. Аммо, индивиднинг ҳуқуқ субъектчилигини, шундай ҳуқуққа эга бўлиши имкониятини инкор этадиган халқаро-ҳуқуқий норма ҳам йўқ. Демак, индивид айрим мақсадларга эришиш учун шундай ҳуқуқ субъектчилигига эга бўлади. Масалан, индивид тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлари учун жавобгарликка тортилади. Шу боис индивид барча муносабатларда халқаро ҳуқуқ субъектчилигига эга ёки эга эмас, деб масалани кўндаланг қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Масаланинг қўйилишига амалий (эмпирик) тарзда ёндашиш лозим<sup>16</sup>.

Агар муаллиф ҳуқуқ субъектчилиги категориясининг сифат ҳодисаси эканлиги билан мазмунини чалкаштираётганлигини эътибордан соқит қилиб хулоса чиқарадиган бўлсак, Я.Броунлининг мулоҳазаларида, яъни “муайян мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳуқуқ субъектчилиги” мавжуд бўлиши мумкинлиги, сингари эътиборга молик жиҳатлар ҳам бор.

Демак, хорижий халқаро ҳуқуқ фанида оғир жиноятлар учун индивиднинг жиноий-ҳуқуқий жавобгарлиги ва шахснинг халқаро судларга мурожаат этиш ҳуқуқини таъминлаш нуқтаи назаридан маълум чегараларда индивиднинг халқаро ҳуқуқнинг субъекти деб ҳисобланиши диққатга сазовор. Бунда индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъектчилиги тегишли давлат воситасида рўёбга чиқиши, махсус лаёқат асосида ва чекланган шаклларда бўлиши мумкинлиги тан олинмоқда.

Индивиднинг халқаро-ҳуқуқ субъектчилиги давлат воситасида рўёбга чиқарилишига

В.М.Шуршаловнинг изоҳи аниқлик киритади: “Индивид ҳамisha давлат муҳофазасида бўлади ва шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофазалашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий нормалар, асосан, давлат воситасида амалга оширилади<sup>17</sup>”.

Унинг фикрича, халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормаларига мувофиқ, индивид айрим конкрет муносабатларнинг субъекти сифатида майдонга чиқиши мумкин. XX аср бошларида Ф.Ф.Мартенс алоҳида хусусий шахслар моҳиятан халқаро ҳуқуқнинг субъекти саналмасалар-да, халқаро-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиб, баъзи ҳуқуқларга эга бўладилар, деб таъкидлаган эди. Бу ҳуқуқлар: 1) инсоннинг шахсиятидан, 2) мазкур шахсларнинг давлат фуқароси сифатида эгаллаган мавқеларидан келиб чиқади<sup>18</sup>.

Ҳозирги вақтда индивидларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва давлатларнинг индивидларга нисбатан мажбуриятлари кўплаб халқаро шартномаларда мустаҳкамланган. Бундай муҳим ҳужжатлар қаторига: “Амалдаги армиядаги ярадорлар ва беморларнинг аҳолини яхшилаш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенцияси”; “Уруш ҳолатида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси” (1949 й.); “Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси” (1949 й.); 1945 йилда қабул қилинган Халқаро ҳарбий трибунал Устави; 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси; 1956 йилги “Кулликни, қул савдоси ва қулликка ўхшаш институт ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча декларация”; 1952 йилда қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пакт”; 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан маъқулланган кўплаб конвенциялар киради.

Индивидларнинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормаларидан келиб чиқувчи халқаро мазмундаги ҳуқуқлари 20 дан зиёд кўп томонлама ва

---

---

икки томонлама шартномаларда ифодаланган.

Жумладан, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”да белгиланганидек, ҳар бир инсон куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) маданий ҳаётда иштирок этиш;

б) илмий тараққиёт ва унинг натижаларидан фойдаланиш ҳамда амалий татбиқ этиш;

в) фуқаро муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар нашри билан боғлиқ маънавий ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш ва бошқалар.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”да индивиднинг яшаш ҳуқуқи, эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, ноқонуний ҳибсга олинганлиги учун компенсация олиш ҳуқуқи кабилар назарда тутилган. Пактнинг 16-моддасига биноан, инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқ субъектчилиги тан олинади, дейилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг “Инсонинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенция” (1995 й.)да куйидаги норма мустаҳкамланган: “Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар ўзининг ҳуқуқ субъектчилиги эътироф этилиши ҳуқуқига эга”. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига мувофиқ, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинади ҳамда кафолатланади. Шунингдек, индивиднинг ҳуқуқ субъектчилиги Ўзбекистон Республикасининг бир қатор икки томонлама халқаро шартномаларида тан олинган.

Халқаро ҳуқуқда инсоннинг, индивиднинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, 1950 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси”нинг 25-моддасига кўра, шахс ёки индивидлар гуруҳи Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссиясига петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай петицияларда Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар томонидан шахсларга етказилган зарар, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида жиддий, ишончли далил-исботлар келтирилиши мумкин. Ушбу мазмундаги аризалар Европа Кенгаши бош Котибига сақлаш учун топширилади.

1982 йилда қабул қилинган БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясининг 190-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар Конвенцияда иштирок этувчи давлатга нисбатан даъво киритиши ва ишни Денгиз ҳуқуқи бўйича трибуналда кўриб чиқилишини талб қилиши мумкин. Қатор давлатларнинг конституцияларида фуқароларнинг халқаро судлов органларига мурожаат этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган (масалан, РФ Конституцияси 46-м. 3-б.).

Шундай қилиб, ҳозирги халқаро ҳуқуқда мавжуд норматив (шунингдек, тавсиявий) ҳужжатларга мувофиқ бир қатор ҳолатларда индивид халқаро-ҳуқуқий мазмундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилишида иштирок этади, зарур ҳолларда юридик жавобгарлик ўтайди. Шунинг ўзи индивидни халқаро ҳуқуқнинг субъекти деб ҳисоблашга асос бўлади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Нечаева А.М.* О правоспособности и дееспособности физических лиц // Государство и право. - М., 2001. - №2. - С.29.

<sup>2</sup> *Матузов Н.М.* Субъективные права граждан. - Саратов. - 1986. - С.84; *Корецкий В.И.* Гражданское право и гражданские правоотношения. - Душанбе. 1967. - С.97; *Чечина Н.А.* Гражданские процессуальные отношения. - Л., 1982. - С.24.

<sup>3</sup> Қаранг: *Лукашук И.И.* Международное право. Особенная часть. - М., 2001. - С.34.

<sup>4</sup> *Карташкин В.А.* Общая теория прав человека. - М., 1996. - С.489—493.

<sup>5</sup> *Гомьен Д., Харрис Д., Зваак Л.* Европейская конвенция о правах человека и Европейская социальная хартия: право и практика. - М., 1998.

---

<sup>6</sup> Лантев П.А. О правосубъектности индивида в свете международно-правовой защиты прав человека / Журнал российского права. — М., 1999. — №2. — С.51 — 58.

<sup>7</sup> Анцилотти Д. Курс международного права. — М., 1961. — С.135.

<sup>8</sup> Фердросс А. Международное право. Перевод с немецкого // Под ред. Г.И.Тункина. — М., 1959. — С.146.

<sup>9</sup> Там же. — С.146 - 152.

<sup>10</sup> Там же. — С.114.

<sup>11</sup> Friedmann W. The Changing Structure of International Law. — N.Y., 1964. — P.233.

<sup>12</sup> Jessup. A Modern International Law. — N.Y., 1948. — P.17.

<sup>13</sup> Броунли Я. Международное право. Кн.1. — М., 1977. — С.117.

<sup>14</sup> Броунли Я. Международное право. Кн.2. — М., 1977. — С.274-275.

<sup>15</sup> Brownlie J. International Law at the Fiftieth Anniversary of the United Nations // Academie de droit international. Recueil des cours. P., 1995. Vol. 225. (1996). P. 62-63.

<sup>16</sup> Броунли Я. Международное право. Кн.2. — М., 1977. — С.274-275.

<sup>17</sup> Шуриалов В.М. Международные отношения. — М., 1972. — С.77.

<sup>18</sup> Мартенс Ф.Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т. 1. — М., 1996. — С. 220-221.

**Д. Х. Пайзиева. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ субъектчилигининг назарий-методологик масалалари.**

**Таянч иборалар:** Халқаро ҳуқуқ, ҳуқуқ субъекти, индивиднинг ҳуқуқ субъектчилиги, халқаро-ҳуқуқ субъектчилиги, шахснинг субъектив ҳуқуқдорлиги, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқлардан фойдаланиш ва мажбуриятларни ўташ қобилияти, халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик.

Мақолада халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомини аниқлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, шахснинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари ёритилади.

**Д.Х. Пайзиева. Теоретико-методологические вопросы правосубъектности в международном праве.**

**Ключевые слова:** международное право, субъект права, правосубъектность индивида в международном праве, субъективная правоспособность лица, правовое регулирование, способность пользования правами и исполнять обязанности, международно-правовая ответственность.

В статье на основе анализа международно-правовых документов исследуются теоретико-правовые и практические аспекты международной правоспособности индивида, освещаются вопросы международно-правовой ответственности лица.

**Theoretical and methodological questions of legal personality in international law.**

**Key words:** international law, subject of law, person's legal personality in international law, person's subjective legal capacity, legal regulation, capacity of top exercising the rights and performing obligations, international-legal liability.

The article deals with the questions of the person's international-legal liability. The author investigates theoretical-legal and practical aspects of individual's international legal capacity on the basis of analysis of international-legal documents.

М. М. Инагамова\*

М. Қ-ў. Холхўжаев\*\*

## ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ЎРНИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизация қилиш даврида ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўта муҳим таркибий қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислоҳ этиш ва либераллаштиришнинг яхлит концепцияси амалга оширилиши билан бирга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мустақил суд ҳокимияти шакллантирилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — суднинг обрўси ва мустақиллигига эришиш, одил судловни амалга оширилишида қонунийликни таъминлаш, шунингдек ҳар бир соҳада инсон, шу жумладан аёл ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, бу каби мақсадларнинг самарасини аввало, халқаро ва миллий қонунчиликда аёл ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари қай даражада мос келишини ўрганиш, суд-ҳуқуқ соҳасида унгария қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш асосида рўёбга чиқариш мумкин. Аёл ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кўп жиҳатдан жамиятда қонунларнинг қай даражада ижро этилиши, аҳоли дунёқарашининг даражаси, адолат мезонларининг ўрнатилганлиги ҳамда жамиятда илм ва маърифатнинг ривожланганлиги билан ҳам белгиланади.

Маълумки, дунё мамлакатларида полиция ходимлари таркибида эркаклар кўпчилигини ташкил этади ва буни асосан ўша давлатларнинг этник жиҳат кўпчилигини

ташкил қиладиган вакиллари эркаклардан иборат эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Полиция таркибида аёллар кўплиги (34,8 фоизи)<sup>1</sup> бўйича Германия федерал полицияси (*Bundesgrenzschutz*) дунёда устунликни эгаллайди. Германия Полиция Бошқарув Академиясида эса аёллар умумий таҳсил олаётганларнинг 5-7 фоизини ташкил этади<sup>2</sup> ва Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)да бу кўрсаткич 29 фоизни ташкил этиб, биринчи ўринда туради. Ҳиндистонда эса полициячи аёллар атиги 2 % ташкил этади.

Кўпгина давлатларда ходимларни полиция хизмати ёки ўқув юртларига қабул қилишда номзодларнинг бўйи (масалан, Туркияда полициячи қизларнинг бўйи 165 см дан<sup>3</sup>, Австрия Республикаси полиция ўқув юртларида эса қизларнинг бўйи 163 см дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган)<sup>4</sup> ва вазни ҳисобга олувчи ҳамда амалий синовлардан ўта олишдаги умумий жисмоний кўрсаткичлари асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Одатда ходимлар аниқ бир ёш кўрсаткичи бўйича ишга қабул қилинади (масалан, 17 ёшдан 30 ёшгача ёки кўп давлатларда 35 ёшгача). Кўпчилик мамлакатларда номзодлардан энг минимал ўрта маълумот талаб қилинади. Айрим давлатларда номзодларнинг ақлий имкониятлари ва шахсий сифатлари текширилиб, бирмунча мураккаб бўлган тест синовлари методидан фойдаланилади. Одатда, бундай тестларда асосий эътибор номзоднинг стрессга чидамлилиги ва ҳис-туйғулари барқарорлиги каби шахсий сифатларига

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар идоралари офицерлари малакасини ошириш факультети ҳуқуқий фанлар кафедраси кабинет бошлиғи.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар идоралари офицерлари малакасини ошириш факультети махсус фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.



---

алоҳида эътибор қаратилади. Бир қатор мамлакатларда полиция ходимларининг бошқарув соҳасидаги раҳбарларидан олий юридик маълумот талаб қилинади. Масалан, Франция полиция офицерлари номзодларига қўйиладиган талаблардан бири уларда бакалавр дипломи ёки аттестатининг борлигидир.<sup>5</sup>

Умумий тартиб бўйича баъзи давлатларда полициячиларни тайёрлаш дастлаб ўқув марказида олиб борилади ва шундан сўнг улар мутахассис ходим қўли остида стажировка ўтаб, тажриба орттиришади. Полициячиларни тайёрлашда турли методикалар қўлланилади. Масалан, бир қатор мамлакатлар ўқотар қуролларни қўллашни ўргатишда қуйидаги методикадан фойдаланилади. Ўрганувчи лазер ёрдамида экран билан боғланган қуролни олади. Экранда эса у диққатини қаратиши керак бўлган видеолавҳа намойиш этилади. У нима қилиши лозимлигини аниқлаши ва қилган ишини асослаб бериши керак. Йўриқчи (инструктор) унинг бажарган ҳар бир ҳаракатини (қуролни олди, мўлжалга тўғрилади ва ўқ узди) муҳокама қилади ва билмаганини тушунтиради, нима учун у айнан шундай қарор қабул қилгани, унинг ҳаракатлари қанчалик тўғри (ёки нотўғри) эканлиги, заруратга, қонунийлик талабларига қанчалик мос келиши (ёки мос келмаслиги) ва ҳоказоларни муҳокама қилиб боради. Агар машғулот олиб бораётган шахс ўқ отишга қарор қилса ва ўқ мўлжалга тегса, у экранда ярадор ёки ўлган одамни кўради. Бошқа тарафдан эса, агар у ўқ отиш қарорини қабул қилмаса, унда ҳам ўз қарорининг оқибатини кўради: бунда ўзи мўлжалга айланиб қолиши мумкин. Ходимларга ҳамма шароитлар яратилган бўлиб, айрим давлатларда нафақат тренажер заллари ва тирмашиб чиқиш учун деворлар қурилган, балки улар учун теннис кортлари ва фитнес заллари ҳам бунёд этилган<sup>6</sup>. Кўпгина чет эл давлатларнинг полиция таълим муассасалари ўз битирувчиларига давлат таълим стандартларига мувофиқ муайян таълим ҳужжатларини бермайди. Масалан, Германия Федератив Республикасида бирорта ҳам полиция таълим муассасаси ўз битирувчиларига давлат таълим стандартларига

мувофиқ муайян таълим ҳужжатларини (гувоҳнома, аттестат, диплом ёки сертификат)ни бермайди. Битирувчиларга бериладиган ҳужжатлар, қоида бўйича фақат полицияда ишлашга имкон беради.<sup>7</sup> Туркия полиция мактабини муваффақиятли якунлаганларга эса уни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома берилади<sup>8</sup>, Чехия Республикаси полиция академиясида тайёргарлик поғоналари нафақат бакалаврият, уларда магистратура ва докторантуралар ҳам ташкил этилган<sup>9</sup>.

*АҚШ полициясида аёллар.* АҚШда аёлларни полиция хизматига қабул қилиш бундан юз йилдан кўпроқ вақт олдин бошланган. Шунга қарамай, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШ полицияси таркибида аёллар сони икки фоиздан ошмасди. 1991 йилга келиб эса, Америка полициясида хизмат қилаётган жами ходимлар таркибининг тўққиз фоизини аёллар ташкил этган<sup>10</sup>. Ҳозирги вақтда АҚШда аёл полициячилар умумий полиция ходимлари таркибининг 13 фоизини ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги федерал бўлинмаларда хизмат қилади. АҚШ полициясида 200 нафарга яқин аёл юқори раҳбарлик лавозимларини эгаллаган (бир фоизи), шулардан икки нафари федерал полициянинг тармоқ департаментларини бошқариб келмоқда. Полициянинг ўрта бўғин раҳбарлари орасида сержант ва лейтенант унвонидаги аёллар 10 фоиз. Полиция капитанлари ва ундан юқори унвондагилар 7 фоизни ташкил этади. Аммо ушбу давлат полицияси хизматига жалб қилинган аёлларнинг кўпчилиги сафдорлик лавозимида хизмат олиб боради. АҚШ полициясида жами 100 мингга яқин аёл хизмат қилади.<sup>11</sup> Бундан ташқари, бошқа федерал хизматларда ҳам улар сони етарли, масалан, АҚШ Федерал Қидирув Бюроси (*FBI, Department of Justice Federal Bureau of Investigation*) оператив-қидирув ходимларининг 18,9 фоизи аёллардан иборат<sup>12</sup>.

*Буюк Британия полициясида* бугунги кунда 36 минг нафар аёл хизмат қилади. Бу бутун давлат полиция кучларининг 20 фоизи демакдир. Буларнинг барчаси 1914 йилдан, Лондонда суфражисткалар ташаббуси билан биринчи кўнгилли аёл полициячилардан иборат патруллар ташкил

---

этилганидан бошланди. 1930 йилга келиб, Буюк Британия полициясида 100 нафар аёл хизмат қилган, 1995 йил эса Ланкаширнинг полиция шефи қилиб Паулина Клер тайинланади. Бу Британия тарихида шундай юқори мансабни эгаллаган биринчи аёл полициячи эди<sup>13</sup>.

2012 йилда *Канада аёллар полицияси Ванкувер полиция департаменти* томонидан аёл полициячиларнинг 100 йиллиги тантанали нишонланди. Айнан мана шу шаҳарда 1912 йилнинг 18 июнида биринчи марта икки нафар аёл – Минни Миллер ва Лэрэнси Харрис полиция хизматига қабул қилинган эди<sup>14</sup>. Аёлларни полицияга хизматига қабул қилишга ўша даврда тез ривожланиб бораётган шаҳарларда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ижтимоий тенгсизликнинг авж олиши, фоҳишалик ва ичкиликбозликнинг “гуллаб-яшнаши” билан боғлиқ мураккаб криминоген вазият сабаб бўлган. Аёлларнинг полиция хизматига жалб қилиниши аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва жамоатчилик ахлоқини ўзгартирмоқчи бўлган жамоат ташкилотларининг талаблари туфайли амалга оширилган эди. Канаданинг дастлабки полициячи аёллари махсус кийим-кечакка (форма) эга бўлмаган. У 1947 йилдагина пайдо бўлган. Улар бошқа полициячилар қатори қурол билан ишлашни билишлари шарт бўлса ҳам уларга қурол олиб юриш тақиқланган. Иш ҳақлари эса эркакларникига нисбатан икки баробар кам бўлган ва уларга ҳеч қандай ижтимоий кафолатлар белгиланмаган. Ҳозирги пайтда Канада полициясининг 25 фоизини хизматчи аёллар ташкил этади. Аёл полициячилар махсус бўлинмалари аллақачон мавжуд эмас. Улар эркаклар билан бирга ишлайдилар ва барча ҳуқуқларда тенгдирлар, бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг маош оладилар.

*Австралиянинг аёл полициячилари.* 2005 йили Жанубий Австралиянинг пойтахти Аделаидада аёллар полицияси ташкил этилганлигининг 90 йиллигига бағишланган тантанали тадбир кенг нишонланди.<sup>15</sup> Ушбу эса қоларли воқеа шарафига ўз давлатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган аёл полициячиларнинг қўшган муносиб ҳиссасини тан олган ҳолда Аделаида шаҳрида

истиқомат қилувчилар биринчи аёллар полицияси офиси жойлашган Виктория майдонида мемориал лавҳа ўрнатишди. 1915 йилнинг 27 сентабрида Аделаида шаҳари газетасида аёлларни полиция хизматига қабул қилиш ҳақида берилган хабардан сўнг, бу шаҳарда Аёллар полицияси офиси ташкил этилди. Унга штат ҳокимиятининг “аёллар полиция хизматига эркаклар билан бир қаторда қабул қилиниши керак” деган қарори туртки бўлди.

*Жанубий Австралия* полиция хизматига бўлажак касбининг машаққатларини мардонавор енгиб ўтадиган, ўрта маълумотли 29 ёшгача бўлган аёллар таклиф қилинди. Танловда турли табақаларга мансуб 200 дан зиёд хотин-қизлар қатнашди. Шундай қилиб, 1915 йилнинг 1 декабрь санасида Кейт Кукс ва Энни Рос Жанубий Австралиянинг биринчи аёл полициячилари бўлди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ойлик маошлари эркак полициячиларникидек эди. Бу эса ўша пайтда нафақат Британия Ҳамдўстлигида, балки бутун дунёда кузатилган ягона ҳолат эди. 1974 йилда Жанубий Австралия полициясида 48 нафар аёл хизмат қилган. Ҳар томонлама текширувлардан сўнг полициячи аёллар бўлинмаси ислоҳ қилиниб, эркаклар полицияси билан бирлашди. Айни вақтда хотин-қизлар Австралия полициясида эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга ва ҳеч қандай чекловларсиз фаолият юритишмоқда. Бугунги кунда Австралия полицияси таркибининг 20 фоизини аёллар банд этган.

*Хитойнинг отлиқ полициячи қизлари.* Хитойнинг “Халқ полицияси тўғрисида”ги (1995) қонунининг 26-моддасига биноан полиция лавозимларига тайинланадиган барча шахслар ХХР фуқаролари бўлиши шарт. Полицияда хизмат қилиш ёки ишлаш истагини билдирган шахслар олий ёки ўрта мактабнинг катта босқичи маълумотига, соғлиғининг ҳолати қониқарли даражада, касбий ва сиёсий жиҳатдан етук бўлиши ҳамда намунали хулқи билан бошқалардан ажралиб туришлари керак. Шу билан бирга, улар билим ва заковатининг умумий даражаси баҳоланади, киришимлилики ва аналитик фикрлаш, вазиятни тўғри баҳолай

олиш каби қобилиятлари борлиги текширилади. Булардан ташқари, ҳарбий хизмат тажрибаси, шунингдек, ташқи кўриниш ва тавсияномалари мавжудлиги инобатга олинади. Хитойда “Шаҳарлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг аёллар патрул хизмати бўлинмаси” мавжуд бўлиб, у ўз фаолиятини 1994 йилнинг 19 декабридан бошлаган. Ҳозир бўлинма учта патруль отрядига бўлинади. Бўлинмада жами 58 нафар ходим бўлиб, уларнинг 50 нафари аёллардир. Отлиқ аёлларнинг ўртача ёши 23 да. Далянь штати отлиқ аёллар полициясида 36 та от бор<sup>16</sup>. Отлиқ полиция бўлинмасидаги қизларнинг асосий вазифаси кўчаларда патруллик қилиш, шаҳарга юқори мартабали меҳмонлар, бошқа шаҳар ва давлатларнинг бошлиқлари ва нуфузли сиёсий шахслар келганда фахрий қоровуллик саналади. Шунингдек, мафтункор полициячилар шаҳарда бўлиб ўтадиган барча тантанали кўнгилочар тадбирларда қатнашишлари керак. Уларни ҳар йили сентябрь ойида шаҳарда анъанавий тарзда ўтказиладиган халқаро модалар фестивалида қатнашадилар. Масалан, отлиқ бўлинма ходимларининг бажариши шарт бўлган ва сайёҳатчилар учун энг ёқимли ва фойдали хизматларидан бири — шаҳар меҳмонлари билан расмга тушишдир. Сайёҳлар илтимос қилганда, полициячи қизларнинг ҳар бири албатта тўхтаб, у билан эсдалик учун расмга тушишга имкон бериши шарт. Улар ҳатто ёш болаларни ҳам эгар олдига ўтқизишлари мумкин. Юқорида таъкидланганидек, “Далянь шаҳри жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг патрул хизмати аёллар бўлинмаси” қизларини ҳар йили сентябрь ойида ўтказиладиган халқаро модалар фестивалида яққолроқ кўриш мумкин. Одатда, жасур отлиқ қизлар тантанани ўзларининг мардонавор маршлари ва ялтироқ, шу билан бирга, ўткир учли қиличларини ўйнатишлари билан очиб берадилар.

*Япониянинг аёл-мотополициячилари.* Японияда полициячи аёллар мамлакатда тартибни кўриқловчи хизматлар ходимлари умумий сонининг 5 фоизини ташкил этади. Улар ҳам, кунчиқар юртдаги кўпчилик аҳоли сингари, мотоциклда юришни ёқтиришади.

Япон полициясида фақат аёллар хизмат қиладиган махсус бўлинма ҳам мавжуд. Бу бўлинма “Юлдузли қироличалар” (Queen Stars) деб номланади. Аёллар полиция учун махсус модификациялаштирилган Honda VFR 800 мотоциклларида хизмат олиб боришади. Офицер хонимлар вазият мураккаб бўлган ҳудудларда хизмат олиб бориш билан бир қаторда, мотоциклларида чиройли чиқишларни амалга оширишлари ҳам мумкин. Охириги марта бўлинма 2009 йил Токиода ўтказилган мотошоуда ўз маҳоратини кўрсатган эди<sup>17</sup>.

*Ҳиндистоннинг аёллар полицияси.* 1972 йили Кирэн Беди биринчи ҳинд полициячи аёли бўлган. Кирэннинг мажбуриятига Нью-Дели кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш кирган. У тез орада ўзининг қаттиққўллиги, адолатпарварлиги ва ҳалоллиги билан машҳур бўлди. Кирэн ҳатто Бош вазирни ҳам машинасини тақиқланган жойга қўйгани учун жаримага тортган. Бу Ҳиндистон тарихидаги энг оламшумул воқеалардан бири бўлган. Тўғрилиқ, адолатпарварлик ва бурчга садоқат ўз самарасини берди ва тез орада полициячи хоним Мизорам штати бош полицияси бош инспекторининг ўринбосари лавозимига, ундан кейин эса *Наркотикларни назорат қилиш бюросининг бош директори* лавозимида хизматни давом эттирди. 1993 йилда Кирэн Беди турмаларнинг бош назорати идорасини бошқарган. У 2007 йилда истеъфога чиққан бўлса ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, пенетенциар тизимлар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислохотларни ишлаб чиқувчи халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Бахир штатида фақат аёллардан ташкил топган полиция участкаси фаолият юритмоқда. Мазкур полиция участкаси дунё бўйича ягона ҳисобланади<sup>18</sup>.

*Россиянинг аёл полициячилари*<sup>19</sup>. Россияда аёлларни полицияга қабул қилиш 1917 йилдан кейин бошланган. Уларни фақат штатларни эркактар билан тўлдириш имкони бўлмаганда, унда ҳам фақат сафдорлик лавозимларига хизматга қабул қилишган. *Собиқ совет тузуми даврида биринчи аёл — милиция бошлиғи Паолина Онушонок бўлган.* Паолина Онушонок 1928 йили партиянинг

---

уезд қўмитаси йўлланмаси билан милиция хизматига келади ва дастлаб Кингисенпск уездининг милиция бошлиғи этиб тайинланди. 1929 йилдан бошлаб эса у Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрининг 11-милиция бўлинмаси бошлиғи лавозимида хизмат қилган. Паолина Онушонок Кингисенпск милиция бошлиғи бўлганидан сўнг бу бўлинма тез орада энг намунали милиция бўлинмаларидан бирига айланади.

Бугунги кунда россияликларнинг хавфсизлигини эркак касбдошлари билан биргаликда 200 минг нафардан ортиқ форма кийган латофатли аёллар қўриқлаб келмоқда. Бу тахминан Россия полицияси жами сонининг 20 фоизини ташкил этади. Айни вақтда Россия Федерацияси ИИВ тизими юқори мансабларининг 24 фоизини аёллар эгаллаган. Улардан беш нафари шаҳар ва туман полиция бўлимларининг бошлиқлари бўлса, мингга яқини эса бошлиқларнинг ўринбосарлари саналади. 3,5 минг нафар аёл тергов бўлинмаларига раҳбарлик қилади. 150 нафар аёл жиноят-қидирув соҳасида хизмат қилади, 170 нафар хотин-қиз давлат автомобил назорати хизматида ва 360 нафарга яқини ноидоравий қўриқлашда фаолият юритади. Россия ИИВда 6 нафар аёл генерал унвонига эга. Россия Федерацияси Туркия Республикасида бўлгани каби аёллар 20 йил хизматни ўтаб бўлгач, истеъфога чиқишлари мумкин<sup>20</sup>.

*Ўзбекистон Республикасида* гендер тенглиги, барқарор ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган шароитларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1996 йилда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида аёллар аҳволини яхшилаш тўғрисида»ги Концепциясини тасдиқланганлиги, «Оила йили», «Аёллар йили», «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Сиҳат ва саломатлик йили», «Баркамол авлод йили» муносабати билан белгиланган давлат дастурларининг қабул қилиниши ва ижро этилиши сўзимизнинг исботидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аёлларнинг ижтимоий ҳимояланишини

кучайтиришга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида» ги фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида аёлларнинг жамият аъзоси сифатида бир қатор ҳуқуқлари, жумладан, эркак ва аёлнинг тенглиги, унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари сифатидаги шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқий ва эркинликлари кафолатидир.

Аёлларнинг ички ишлар идораларининг сафдорлар ва бошлиқлар таркибида хизмат қилишлари мумкинлигини белгилаб берувчи норматив ҳужжат бу «*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли қарорига асосан қабул қилинган “Хизматни ўташ тўғрисидаги Вақтинчалик Низом” дир.* Ушбу Низомнинг 4-моддасига асосан ўз хоҳиши билан ички ишлар идоралари хизматига кириш истагани билдирган 18 ёшга тўлган ва 30 ёшгача бўлган бўйи 165 см.дан кам бўлмаган, ишчанлик қобилиятига эга, соғлом, ўрта ва олий маълумотли, энг асосийси, ички ишлар идораларига қўйилган вазифаларни бажара оладиган аёллар қабул қилиниши белгиланган. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасаларида таҳсил олишни ҳоҳлаган ўрта махсус маълумотга эга бўлган 17 ёшдан кичик бўлмаган ва 25 ёшдан ошмаган фуқаролар, шунингдек 25 ёшгача бўлган ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизлар қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, ўрта ва бошлиқлар таркиби лавозимларига, яъни маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, молия бўлими, инженер-техник ва тиббиёт хизматларига 35 ёшгача бўлган аёл ходималар хизматга қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклаш қатъиян тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида ўтказилаётган ислоҳотлар шахсий таркибнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини янада такомиллаштиришга қаратилиб, шахсий таркибнинг касбий тайёргарлигини ошириш

учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Республикамиз ички ишлар органларида хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳам эркаклар билан бир сафда туриб намунали жамоат тартибини сақлаш, жиноятчи-

ликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тезкор тадбирларни амалга оширишда фаол ва баб-баравар иштирок этмоқдалар.

<sup>1</sup>Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран; система организации и опыт профессиональной подготовки кадров./ *Ўқув қўлланма*.-Т.; 2010. – Б.304.

<sup>2</sup>Таджиханов У., Якубов А.С.Германия Полиция Бошқарув Академияси.-Т., 2002. –Б.13 -Б.19 (ўзбек, немис, рус тилларида).

<sup>3</sup>Хайдаров Р.Ҳ., Олимбоев С.А.Туркия полицияси: Ўқув қўлланма.-Т., 1994.– Б.38.

<sup>4</sup>Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран; система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Ўқув қўлланма.– Т.; 2010. – Б.94.

<sup>5</sup>Юнусходжаев А.А., Тангирбердиев С.К. Франция миллий полиция таълим тизими: Ўқув қўлланма. – Т., 2003. – Б.13.

<sup>6</sup>Юнусходжаев А.А., Тангирбердиев С.К. Франция миллий полиция таълим тизими: Ўқув қўлланма.– Т., 2003. – Б.19.

<sup>7</sup>Таджиханов У., Якубов А.С.Германия Полиция Бошқарув Академияси.-Т., 2002. –Б.13 (ўзбек, немис, рус тилларида).

<sup>8</sup>Хайдаров Р.Ҳ., Олимбоев С.А.Туркия полицияси. Ўқув қўлланма: –Т., 1994. – Б.36.

<sup>9</sup>Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран; система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Ўқув қўлланма.– Т., 2010. – Б.417.

<sup>10</sup><http://policewoman.ru.2014.03.08>

<sup>11</sup>[http://policewoman.ru/index/mehri\\_ouehns\\_pervaja\\_v\\_amerike\\_zhenshhina\\_policejskij/0-15.2014.03.08](http://policewoman.ru/index/mehri_ouehns_pervaja_v_amerike_zhenshhina_policejskij/0-15.2014.03.08)

<sup>12</sup>Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран; система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Ўқув қўлланма.– Т., 2010. – Б.227.

<sup>13</sup><http://policewoman.ru/index/sovremennost/0-5.2014.03.08>

<sup>14</sup>[http://policewoman.ru/index/zhenskaja\\_policija\\_kanady/0-101.2014.03.08](http://policewoman.ru/index/zhenskaja_policija_kanady/0-101.2014.03.08)

<sup>15</sup>[http://policewoman.ru/index/zhenskaja\\_policija\\_avstralii/0-22.2014.03.08](http://policewoman.ru/index/zhenskaja_policija_avstralii/0-22.2014.03.08)

<sup>16</sup>[http://visitchina.ru/cities/provintsiya\\_lyaonin/dalyan/sight/zhenskoe\\_podrazdelenie\\_konnoy\\_politsii\\_dalyanya.2014.03.08](http://visitchina.ru/cities/provintsiya_lyaonin/dalyan/sight/zhenskoe_podrazdelenie_konnoy_politsii_dalyanya.2014.03.08)

<sup>17</sup><http://bikepost.ru/blog/motogirl/8580/queen-stars-японские-полицейские-леди-райдеры.2014.03.08>

<sup>18</sup><http://ohrana.ru/news/4625.2014.03.08>

<sup>19</sup><http://policewoman.ru/index/istorija/0-4.2014.03.08>

<sup>20</sup>Хайдаров Р.Ҳ., Олимбоев С.А.Туркия полицияси: Ўқув қўлланма.– Т., 1994. – Б.36.

**М. М. Инагамова, М. Қ-ў. Холхўжаев. Дунё мамлакатлари полиция тизимида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўрни.**

**Таянч иборалар;** аёл ҳуқуқи, полициячи аёллар, полиция, полиция хизмати, полиция таълим тизими. Мақолада дунё мамлакатлари полицияси тизимларида ва мамлакатимиз ички ишлар идораларида хизмат қилаётган аёллар ва уларнинг ижтимоий ҳимояси, миллий қонунчилик йўналишида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, дунё полиция идораларида хизмат қилаётган аёллар ва уларнинг жамият фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш кўрсатилган.

### **Role of women serving in the police systems of countries of the world in fighting against criminality**

**Key words:** women's rights, police, policewomen, police service, educational system in the police.

The article deals with the actual questions of women's police service, their rights and social security in the police systems of foreign countries and Uzbekistan. Proposals on improving the national legislation directed at guaranteeing the rights, lawful interests and creation of conditions and opportunities for women's active participation in the official activity of the organs of internal affairs.

**М. М. Инагамова, М. К-у. Холхўжаев. Место женщин, служащих в полициях стран мира, в борьбе с преступностью.**

**Ключевые слова:** права женщин, полиция, женщины-полицейские, служба в полиции, образовательной система полиции.

В статье рассмотрены актуальные вопросы службы женщин в полиции, их права и социальная защищенность в полицейских системах зарубежных страны и в Узбекистане, формулируются предложения по совершенствованию национального законодательства, направленные на обеспечение прав, законных интересов и создание условий и возможностей для активного участия женщин в служебной деятельности органов внутренних дел.

Д. О. Парниева\*

**ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗОНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДА ЖИНОЯТ  
ТАСНИФИНИНГ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛУВЧИ НОРМАЛАРДА  
ҲИСОБГА ОЛИНИШИ**

Бугун мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида жиноят учун жазони янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ»<sup>1</sup>.

Шундай экан, жиноят учун жазо маҳқумни жазолаш мақсадида эмас, балки уни ахлоқан тузатиш, жинойий фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилиш, шунингдек маҳқумнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги жиноятлар содир этишини олдини олиш мақсадида тайинланади ва ижро этилади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, жиноят учун жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак<sup>3</sup>. Шундагина жазодан кўзланган мақсадга эришилади ҳамда ижтимоий онг ва одамларда адолатга бўлган ишонч, Конституция ва қонунларга нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланади.

Жинойий жазо қўлламай туриб, бошқа усул ва воситалар ёрдамида жазонинг мақсадига эришиш мумкин бўлганда, жазодан ёхуд уни ўташдан озод қилиш масаласи ҳал қилинади. Амалдаги жиноят қонунда

шахсни жазодан ёки уни ўташдан озод қилувчи бир қанча нормалар мавжуд бўлиб, жиноят қонунимизга бу каби рағбатлантирувчи нормаларни киритилишининг моҳияти одиллик, демократизм ва айниқса, инсонпарварлик каби принципларни амалда кенгроқ жорий этишни англатади.

Жиноят учун жазонинг индивидуал тайинланиши нафақат шахсга жазо тури, миқдори ёки муддатини аниқ белгилашда намоён бўлади, балки шахсни жазодан ёки уни ўташдан озод қилишда ҳам акс этади.

Шахсни жазодан озод қилишда ҳам жазо тайинлашда эътиборга олинган ҳолатлар инобатга олинади, яъни бошқача айтганда, шахсни жазодан озод қилишда ҳам содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳамда айбдорнинг шахси ҳисобга олинishi лозим.

Амалдаги жиноят қонунининг 73-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс ўрнатилган тартибқоида талабларини бажарса ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлса жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу нормада жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг шартлари белгиланган бўлиб, мазкур модданинг бешинчи қисмида: *Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган*

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиси.

*шахсга нисбатан суд бир нечта ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаши белгиланган.* Демак, қонун чиқарувчи «жазодан узил-кесил озод қилишнинг шартли – шахснинг ўталмаган муддат давомида қасддан янги жиноят содир этмаганлиги»<sup>4</sup> деб белгиланган. Ушбу қоидада, шахс томонидан қасддан янги жиноят содир этилса, суд бир нечта ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаси бўйича жазо тайинлаши<sup>5</sup> назарда тутилган. Кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи ушбу нормада шахсни янги содир этган жиноятдаги айбдорлик шаклини (қасдни) инобатга олган ҳолда, бир нечта ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига мувофиқ жазо тайинлашни назарда тутган.

Лекин, суд жазо тайинлашда шахсни нафақат янги содир этган жиноятдаги айб шаклини инобатга олиши, балки содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам инобатга олиши лозим.

Зеро, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулки, жамоат хавфсизлиги ва ҳоказо), айб шакли, жиной қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-м.) киритилганлиги билан белгиланади<sup>6</sup>.

Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган; 2) унча оғир бўлмаган; 3) оғир; 4) ўта оғир жиноятларга бўлинади, деб қайд этилган.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланиши, айниқса, жазо белгилаш ва жазодан озод қилишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, шахс томонидан у ёки бу тоифадаги жиноятларнинг содир этилиши шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-м.), жиной жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 64-68-м.), жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-м.), судланганлик ҳолатининг тугалланиши (ЖК 78-м.) каби ҳолатларнинг қўлланилиши сингари жиной-хукуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин<sup>7</sup>.

Маълумки, жиноятларни таснифланишида айбнинг шакллари, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилганлиги ҳам ҳисобга олинади, лекин қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик орқасида содир

этилган унча оғир бўлмаган жиноятга нисбатан енгилроқ ҳисобланади. Чунки қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 15-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг таснифланишини енгилдан оғирга қараб белгилаган.

Шундай экан, қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодекси 73-моддасининг 5-қисмида келтирилган «қасддан» сўзининг ўрнига, жиноятларнинг таснифидан келиб чиққан ҳолда «оғир ёки ўта оғир» сўзини ишлатганда тўғри бўлар эди. Чунки, оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат қасддан содир этилиши мумкин, эҳтиётсизлик орқали эса фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этилиши мумкин.

Бундай қоидалар жиноят қонунининг нафақат жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-м. 5-қ.), балки жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-м. 7-қ.), амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖК 76-м. 2-қ.)ни назарда тутувчи моддаларида ҳам мавжуддир. Фикримизча, агар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этганлиги айб шаклига нисбатан эмас, балки жиноятларни таснифига нисбатан олинганида мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ЖК 73-моддасининг 5-қисмини қўйидаги таҳрирда ўзгартиш мақсадга мувофиқдир.

*Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазони ўталмаган қисми мобайнида янги оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.*

ЖК 74-моддасининг 7-қисмига қўйидаги таҳрирда ўзгартиш киритиш лозим:

*Жазони енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги оғир ёки ўта оғир жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.*

ЖК 76-моддасининг 2-қисмини қўйидагича баён этиш даркор.

*Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида*

---

жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида янги оғир ёки ўта оғир жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мукинки, жиний жазодан озод қилувчи нормалар, яъни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-м. 5-қ.), жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-м. 7-қ.), амнистия акти ёки афв этиш асосида

жазодан озод қилиш (ЖК. 76-м. 2-қ.)да жазодан озод қилишнинг шарти сифатида жазони ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этганлиги айб шаклига нисбатан эмас, балки жиноятларнинг таснифига нисбатан олиниши *биринчидан*, жазоларнинг адолатли тайинланиши ва унинг индивидуаллаштирилишидаги янги босқич сифатида; *иккинчидан*, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган жиноят учун жазоларни либераллаштириш сиёсатининг амалий ифодаси сифатида намоён этилишида муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — Б. 33.

<sup>2</sup> Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري) / Р. Кабулов, А.А. Отажонов ва бошқ. — Т., 2012. — Б. 323.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. II жилд. — Т., 2006. — Б. 225-226.

<sup>4</sup> Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري) / Р. Кабулов, А.А. Отажонов ва бошқ. — Т., 2012. — Б. 401.

<sup>5</sup> Қаранг: Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под. ред. д-ра юрид. наук, проф. В.К. Дуюнова. — М., 2008. — С. 258.

<sup>6</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. II жилд. — Т., — Б. 226.

<sup>7</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (*Умумий қисм*). (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси Б.М. Мустафоевнинг умумий таҳрири остида). — Т., 2006. — Б. 90.

**Д. О. Парпиева. Жиноят учун жазони либераллаштиришда жиноят таснифининг жазодан озод қилувчи нормаларда ҳисобга олиниши**

**Таянч иборалар:** жазони либераллаштиришда жиноят таснифи, шахсни жазодан озод қилиш, жазонинг мақсадлари, жазони индивидуаллаштириш, айбнинг қасд ва эҳтиётсизлик шакли, оғир ва ўта оғир жиноятлар, адолатли жазо тайинлаш.

Мақолада жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан адолатли жазо тайинлаш, жазоларни индивидуаллаштириш, шахсни жазодан озод қилиш билан боғлиқ масалалар жиноят қонуни нормалари асосида таҳлил қилинади. Ушбу нормаларни такомиллаштириш борасида айрим таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади.

**Considering of classification of crimes in the norms releasing from punishment in liberalization of punishment for crime**

**Key words:** classification of crimes, liberalization of punishments, aim of punishment, release from punishment, individualization of punishment, intentional and careless forms of guilt, grave and gravest crimes, fair punishment.

In the article the author analyses the questions of giving fair punishment for committed crime, individualization of punishment, release of a person from punishment in connection with liberalization of criminal punishment on the bases of the norms of criminal law and puts forward proposals and recommendations on improving the norms of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan in this sphere

**Д.О. Парпиева. Учет в нормах об освобождении наказания классификация преступления при либерализации наказаний для преступления.**

**Ключевые слова:** классификация преступлений, либерализация наказаний, цели наказания, освобождение лица от наказания, индивидуализация наказания, умышленная и неосторожная формы вины, тяжкие и особо тяжкие преступления, справедливое наказание.

В статье на основе норм уголовного права анализируются вопросы назначения справедливого наказания за совершенное преступление, индивидуализации наказания, освобождения лица от наказания в связи с либерализацией уголовных наказаний. Выдвигаются предложения и рекомендации по совершенствованию норм Уголовного кодекса Республики Узбекистан в данной сфере.